

**УЙҒУН ЖУМАЕВ**

**ЎРТА ОСИЁ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА  
АРХИВ ИШИ ТАРИХИ,  
ЎЗБЕКИСТОННИНГ АСОСИЙ АРХИВЛАРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**УЙҒУН ЖУМАЕВ**

**ЎРТА ОСИЁ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА**  
**АРХИВ ИШИ ТАРИХИ,**  
**ЎЗБЕКИСТОННИНГ АСОСИЙ АРХИВЛАРИ**

**5320300-Архившунослик бакалавриат**  
**йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма**

**Тошкент – 2010**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
томонидан ўқув қўлланма сифатида тасвир этилган.**

#### **Аннотация**

Ушбу ўқув қўлланмада Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда архив иши тарихи, Ўзбекистоннинг энг асосий архивлари хусусида батафсил маълумотлар берилган бўлиб, бундан ташқари Туркистонда архив ишининг ташкил қилиниши, Цуардел архивларининг фаолияти, Ўзбекистонда Давлат архив ишини яхшилаш бўйича амалга оширилган ишлар, архив хизматининг ривожланиши, давлат архивлари тизими ҳамда архив соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ўз аксини топган.

#### **Аннотация**

В данной учебной пособие освещается история архивного дела Средней Азии и Узбекистана, история основных архивов Республики Узбекистан. Также рассматривается организация архивного дела в Туркестане, деятельность Цуардела. Кроме того, показано реорганизация Центрального Государственного архива Узбекистана, архивной службы, создание системы государственных архивов, нормативно-правовой базы архивного дела.

#### **Annotation**

This textbook is contains archive work in Central Asia and Uzbekistan, history of archives of Uzbekistan. Also showed organizing of archive work in Turkestan, activity of Tsuardel. Exept it showed reorganizing of Central State Archive of Uzbekistan, archive servise, creating of system state archives, law base of archive work.

**Масъул муҳаррир:**

**З.А. Саидбобоев**

тарих фанлари номзоди, доцент

**Тақризчилар:**

**Н.А. Абдурахимова**

тарих фанлари доктори, профессор

**Ш.М. Ўлжаева**

тарих фанлари доктори

## К И Р И Ш

Мустақиллик шарофати билан бугун биз тарихий бир даврда халқимиз ўз олдига эзгу ва улуг мақсадлар қўйиб, тинч осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамият қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритилаётган бир замонда яшамоқдамиз.

Ўзбекистон миллий мустақиллигини қўлга киритганлиги буюк тарихий воқеа бўлди. Истиқлол туфайли жамият ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан тарих фанлари соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида тарихчилар олдида турган вазифалар ҳақида гапириб шундай дейди: “Биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантиришимиз лозим”. Мана шу маънода Ўзбек халқининг ҳаққоний тарихини тиклашда архив ҳужжатларининг аҳамияти каттадир.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг тарихини ўрганишда архивларда сақланаётган архив ҳужжатлари ва ёзишмаларнинг аҳамияти бениҳоят каттадир. Бу ортиқча тушунтириш ва изоҳга ҳожат бўлмаган ҳақиқат. Лекин, уларни топиш, ўрганиш ва ўз ўрнида фойдаланиш ўта қийин, бу тадқиқотчида чуқур билим, махсус малақа, кунт ва сабот-матонат талаб қилади. Архив ҳужжатлари жамият ҳаётини ўрганишда ўрни беқиёсдир. Ўрта Осиё хонликлари: Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларининг давлат архиви ўтган асрда, яъни 1865, 1876 йиллардан кейин, яъни хонлиқлар – чор Россияси ҳарбийлари томонидан босиб олинганидан кейин, Россияга олиб кетилди ҳамда кутубхоналарда сақланди. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга оид қисми, 1960 йилдан кейин Тошкентга Ўзбекистон Марказий Тарих архивига қайтарилди.

Хива хонлигининг архиви ва унинг материаллари асосида асримизнинг 60-йиларида озми-кўпми илмий ишлар олиб борилди. Биз бу ерда Хива Давлат архиви устида кўп иш олиб борган П.П. Иванов, М.Й. Йўлдошев, А.К. Боровков, Ю.Э. Брежел, Ю.А. Шайхова ва бошқа тадқиқотчиларни назарда тутмоқдамиз.

Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихини ўрганишда Қўқон хонлиги Давлат архивининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Бу муҳим архив ҳам ўз вақтида (1876 йилдан кейин) Санкт-Петербургга олиб кетилган ва император музейи (ҳозирги Шарқшунослик институти) Санкт-Петербург халқ кутубхонаси фондларида жойлаштирилган эди. Мазкур архивга тегишли ҳужжатлар проф. А.Л. Троицкая томонидан ўрганилиб, каталоги чоп этилган. Йирик тарихчи олим Р.Н. Набиев ўзининг муҳим асарларидан бирини ёзишда мазкур архивда сақланаётган ҳужжатлардан фойдаланган.

Бухоро амирлигининг Давлат архиви энг эски Давлат архивларидан бири ҳисобланади. Унинг Бухоро-Россия дипломатик ва савдо муносабатларига доир қисми шу кунларда Москвада Қадимги ҳужжатлар Марказий Давлат архивида сақланмоқда. Москвада, сақланаётган ҳужжатлар Бухоро, Хива ва Балх хонлиқларининг Россия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар билан сиёсий ва иқтисодий алоқалари тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Демак, архив ҳужжатлари тирик ўтмиш ва халқимизнинг тарихи битилган хотирасидир. Шунинг учун архив ҳужжатлари халқимизнинг бебаҳо тарихий бойлиги ҳисобланади.

“Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда архив иши тарихи, Ўзбекистоннинг асосий архивлари” ўқув қўлланмаси бакалаврият архившунослик йўналиши талабаларига мўлжалланган бўлиб, бўлажак архивчиларга Туркистон АССРда ва Ўзбекистонда архив иши тарихини, Ўзбекистоннинг асосий архивлари тарихини ўргатади.

## 1-Мавзу: Туркистонда архив ишининг ташкил қилиниши

### РЕЖА:

1. Туркистон АССРда архивларнинг ташкил этилиши.
2. Цуардел фаолияти.
3. Давлат архив ишини яхшилаш борасидаги ишлар.

**Туркистон АССРда архив ишининг тикланиши.** Советларнинг ҳокимият тепасига келишига сабабчи бўлган 1917 йилнинг биринчи кунларидаёқ халқимизнинг ижтимоий ҳаётида тоталитар бошқарув механизми, буйруқ бериш методи ўрнатилди. Бундай назорат халқимизнинг диний ҳаётида, шунингдек, тарих фани ва ватанимиз архившунослиги устидан ҳам ўрнатилган эди. Натижада, тарих фани ва архившунослик - сиёсий фанлар бўлиб қолди. Илмий тадқиқотлар ва архившунослик советлар ҳукмрон синфининг ғоявий танқидларига учраб, илмий-изла-ниш имкониятлари ҳам чеклаб қўйилди ва таъкидланди-ки, халқимиз-нинг ҳақиқий тарихи, октябрь инқилоби ғалабасидан сўнг бошланди, инқилобгача мавжуд бўлган адабиётлар, санъат, тарихий тадқиқотлар ҳукмрон ғоялар билан суғорилган, улардаги асрий миллий қадриятлар ва урф-одатлар давлат тараққиёти учун зид деб, таъкидланди ва уларни йўқотишга ҳаракат қилинди.

Шу тарздаги ғоявий устқурмалар Л.А.Мавруловнинг баҳолашича, шўролар маданий қурилишининг "Совет Ўзбекистонидан" олиб берилиши халқ ахлоқий қадриятларини қадрсизланишига, адабиётлар, санъат, ижтимоий фанлар, аввалдан мавжуд бўлган ижтимоий фанлар, тари-хий-диний жараёнларнинг тўхтаб қолишига ва тарихий хотираларнинг нутилишига олиб келди.

Ўз-ўзидан совет маданий сиёсатининг оғриқли касалликлари ўлкадаги архив ишига ҳам таъсир қилди. Аммо шуни айтишимиз лозим-ки, ўша даврда ташкилий режалаштиришда мақтовли ишлар амалга оширилди. 1917 йилдан сўнг вужудга келган тоталитар тузум, марказий бошқарув ва ғоялар асосида қурилган бўлиб, субъектив жиҳатдан давлат архив ташкилотларини ривожлантириш тизимига муҳтож эди. Шўролар ҳокимияти раҳбарлари яхши билдиларки, коммунистик ғоя-ларнинг бажарилиш вазифаларининг муваффақиятли олиб борилиши кўп жиҳатдан қанчалик манбалар кўп тўпланишига, тадқиқотчилар қайси манбалардан кўпроқ фойдаланишига ҳам боғлиқ эди. Дунё оmmasига шўролар тизимини ижобий томондан кўрсатиш зарур эди.

Буларнинг бари ҳужжатли материалларни махсус бошқарув марказига концентрация қилиниши ҳукумат вакиллари учун ва давлат-чилик сиёсий цензурасида эффектив инструмент вазифасини ўтаб

бериши талаб қилинар эди. Шунинг учун янги шўролар ҳукумати архив идоралари тизимини тикланишига катта диққат-эътибор қаратишди.

1918 йилнинг апрелида РСФСР ҳукумати ташаббуси билан марказий архив идоралари бошқармасини тузиш, архив ишини қайта қуриш ва марказлаштириш хусусида қарор қабул қилади, ўшанда ҳукумат топшириғига кўра “архив ташкилотлари бошқарувини ташкил этиш” учун махсус комиссия тузилади. 1918 йилнинг 27-28 майида Москвада М.Х. Покровский раислигида мажлис бўлиб, Марказий архив бошқармасини тузишни режалаштириш хусусида келишиб олинди. Унда Марказий архив иши бошқаруви режаси маърузаси эшитилди.

Россия ҳукумати томонидан ташкил қилинган архив иши тизими Қизил Армия архив ишини ҳам қисман ўзида мужассамлаштирган эди. Шўролар Республикаси ҳарбий кучлари бош қўмондонлиги Қизил Армия ва фуқаролар уруши тарихи бўйича материаллар йиғиш тўғрисида топшириқлар берди. 1918 йил октябрь инқилобидан сўнги далиллар ва воқеалар 20-30 йиллар матбуотида доимий чоп этиб турилди. Шу мақсадда фронтдаги штабларда шу жумладан, Туркистон фронтида ҳарбий ишлар архив бўлинмалари тузилиб, ҳар бир армия ўз маълумот (ҳарбий ишлари ҳақидаги) ларини тўплаши ҳарбий тарихий характердаги ва уларни Москвага жўнатишлари шарт эди.

1918 йилнинг майида Марказий Осиёда ягона ҳисобланмиш, давлат архив жамғармасидан сўнг, ўша йилнинг ноябрида архив ишлари бошқаруви Бош бошқармаси коллегияси тузилади. Унинг таркибига В. Рязанов (раис), Б.Н. Сторожев (раис ўринбосари), А. Полянский, С.Б. Веселовский ва бошқалар кирди. Коллегия шу заҳотиёқ давлат архив идораларини ташкил қилиш, архив ишлари инфратузилмасини яхшилашга киришиб кетади. РСФСР архив идоралари марказий тузилмасининг ажралмас қисми сифатида Туркистон архив сақланмасини жорий қилишга катта эътибор берилди. Тарихий нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, Совет архившунослик сиёсати ташкил этилиши биланоқ, Туркистон ўлкасида шўролар архившунослиги таъсири сезила бошлади. Шу билан бирга бу камчиликни ижобий томонларини кўрсатишимиз ҳам керак. Чунки 1917 йилнинг биринчи кунларидаёқ ўлкада йирик архив сақланмаси йўқ эди. Архив ишини яхшилашга қаратилган архив ишлари тизими йўқ эди.

Туркистонда давлат архив ташкилотлари идоралари барпо қилиниб, Ўзбекистон тарихи бўйича ҳужжатлар, манбалар тўпланди, шўролар ҳукумати ушбу архив ҳужжатларидан ўлкада ўз давлатчилик ғояларини мустаҳкамлашда ҳам кенг фойдаланишди.

Архив тадқиқот маълумотларидан маълумки, архив ишларини ташкил қилиш ва ривожлантириш бўйича ўлка ҳукуматига топшириқ 1918 йилнинг июнь ойида келиб тушди. Бу ишни Туркистон Республи-

каси бюджет молия комиссияси раиси (МИК ҳузуридаги) В.Н. Кучербаев бошқарди ва 1919 йилнинг октябрида Туркистон АССР Советининг XIII съездида архив ишларини ташкил қилиш, бошқаруви, топшириқ ва вазифалари тўғрисида маъруза қилди. Презедиум таклифига кўра (съезд президиуми) маъруза МИК га кўриб чиқиш учун топширилди. 1919 йилнинг 30 октябрида Туркистон Республикаси МИК Президиуми республика Марказий архив бошқармасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилади.

**Марказий Архив иши Бошқармаси (Цуарделнинг) фаолияти.** 1920 йилнинг бошида Архив ишлари Марказий бошқармаси (Цуардел) деб атала бошланди. Цуарделнинг ташкил этилиши билан барча ҳукумат архив идоралари фаолияти чекланиб, уларда сақланаётган йиғма жилд ва ҳужжатлар ягона Туркистон Республикаси архив жамғармаси Цуарделга топширилди.

Назарда тутиш керакки, республика Давлат архив жамғармасига давлат ва ҳукумат идораларининг 1917 йилнинг 25 октябригача бўлган йиғма жилдлари, идоровий ёзишмалари топширилди (1917 йилнинг биринчи кунларигача бўлган, албатта).

Советлар ҳукумати ўрнатилгандан сўнги ҳукумат материаллари тегишли идораларда белгиланган маълум вақтгача сақланган. Белгиланган муддат тугагач, идоралардаги архив ҳужжатлари давлат архив жамғармасига топширилган. Туркистон Республикаси МИК томонидан ҳужжатли материалларни йўқотиш тўғрисида ҳам тартиб қондалар ишлаб чиқилди. Қарорларда таъкидландики, "ҳукумат идоралари – Бош архив ишлари бошқармаси рухсатисиз бирор бир йиғма жилд, кўлёзма ёки алоҳида ҳужжатларни йўқотишлари мумкин эмас эди. Бу тартибларга бўйсунмай уни бузганлар жиноий жавобгарликка тортиладиган бўлдилар". Ҳужжатли манбалар, жорий ишлаб чиқариш давомида йиғила борганлари ҳам ягона давлат архив жамғармасини қисмлари ҳисобланиши ва архив идораларига архив ҳужжатларини сақтаниши устидан назорат қилиш ҳуқуқи топширилди.

Туркистон Республикаси Марказий архив ишлари Бош бошқармаси тузилгач, уни РСФСР Бош архиви томонидан юборилган Д.И.Нечкин бошқара бошлади (У – 1919 йилнинг декабрида Тошкентга келади).

Бош архив ишлари бошқармаси маъмурий жиҳатдан Туркистон Республикаси халқ кенгашига бўйсуниб, унинг бир қисмини ташкил этар эди. Бошқарувга халқ кенгаши бўлими мақоми берилди ва унинг бошлиғи комиссариат аъзоси ҳисобланиб, ҳукумат кенгашларида тўғридан-тўғри маъруза қилиш ҳуқуқига эга эди. Кейинроқ айнан 1922 йилда архив идоралари маркази бутунлай МИК ихтиёрига ўтгач, Туркистон АССР МИК ҳузурига бўйсунадиган бўлди. Бундан ташқари, давлат архив жамғармаси ҳужжатлари ва манбалари республика идора ва



ташкilotларига давлатчилик халқ хўжалиги қурилиши масалаларида ёрдам беришга жалб этилади. Шу муносабат билан Туркистон МИК (Марказий Архив иши Бошқармаси) Цуарделга ҳужжатлардан илмий мақсадларда фойдаланиш ва улар тўғрисида маълумотномалар беришни тартибга келтиришни топширди.

Архив иши қурилиши соҳасида биринчи қадамларга тўхталадиган бўлсак, идораларнинг йиғма жилд ва манбалари (корхона, ташкilotларнинг ҳам) давлат мулки деб эълон қилинди. Шўролар давлатчилиги сиёсати архившуносликда ҳам ўз таъсирини ўткази бошлади. Бу соҳадаги ишларни назорат қилиш ва тартибга келтириш учун Москвадан иккинчи ҳарбий бўлинма бошлиғи – Д.Д.Зуев ва маъмурий-дипломатик бўлим бошлиғи С.П. Лейпинлар юборилди.

Цуардел тузилиши биланоқ жойларда маҳаллий архивлар фаолиятини тузиш ва йўлга қўйишга киришиб кетди. 1920 йилнинг май ойида Цуардел бошқарувчиси Д.И. Нечкин, илмий ходим П.И. Сосновский, инспектор Ф. Сусловлар республика бўйлаб хизмат сафарига бўлишди. Улар архив жамғармалари ҳолатини ўрганишиб, маҳаллий ҳукумат органларига архив ишларини ташкил қилишда ёрдам беришди. 1920 йилнинг мартдан 1921 йилнинг мартигача бўлган даврда Фарғона вилоятида давлат архиви (бошқарувчиси – С.Генкузен), Самарқандда (бошқарувчиси – П.А. Королёв), Еттисувда (П.М. Михеев), Каспий орти вилоятида (С.И. Белькевич – бошқарувчи) – Туркистон АССР архив бўлимлари ташкил этилди. Шу диққатимизни тартадики, Самарқанд архиви илмий ходими сифатида машхур археолог Б.А. Вяткин тайинланган.

Маҳаллий архив ташкilotлари Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) нинг 1921 йил 25 январдаги “Вилоят архив жамғармалари тўғрисида”ги Қарори асосан қонуний жиҳатдан расмийлашди. Бу қарорга кўра вилоят ҳудудидаги барча идораларнинг иш юритиш ҳужжатлари вилоят давлат архиви жамғармасининг таркибий қисми ҳисобланади деб кўрсатилган.

Бунга кўра барча архив ҳужжатлар ва материаллар – Туркистон ўлкаси ҳудудида жойлашган, ҳар бир вилоят учун архив жамғармасини ташкил қилиб, Цуардел қарамоғидаги ягона давлат архив жамғармаларини ташкил қилиш кўрсатилди. Вилоят архив жамғармаси бошқармаси ва раҳбарияти, Марказий Архив ишлари бошқармаси томонидан тайинланадиган бўлди. Вилоят архив жамғармалари ўз-ўзидан давлат архив жамғармаси структуравий бўлимларини ташкил этар эди. “Вилоят архив жамғармалари”ни ташкил этиш, ҳужжат ва қўлёзмаларини сақлаш, вилоят ижройи қўмиталарига юклатилди. “Туркистон Республикаси вилоят архив жамғармалари” марказлаштирилгунига қадар, қисман кўрсатмаларга кўра вилоят ижроия комитетлари (облисполком) архив иши ва архив ҳужжатларини сақлашга масъул эдилар.

Қарорлардан маълумки, вилоят архив ташкилотлари ходимлари битта ёки иккита катта илмий ходимлардан ва иккита кичик архивариусдан, бир котиб, битта ёки иккита кичик хизматчи, иккита катта хизматчилардан иборат бўлиши керак эди.

Туркистон Республикаси Давлат архив жамғармасида қўлёзма манбалардан ташқари матбуот материаллари ва суратли ҳужжатлар бор эди. Давлат архиви жамғармасига фақат 1917 йилдан олдинги ташкилотлар архив ҳужжатларигина эмас, балки совет ташкилотлари архив ҳужжатлари ҳам қабул қилинган. Ташкилотларда ҳужжатлар 5 йил сақланиши ва кейингина давлат архивига топширилиши белгиланган. Бу қоида 1921 йил 30 сентябрдан кучга кирган.

Жойларда вилоят архив бўлимлари ташкил қилинди. Масалан, 1920 йил мартда Фарғонада, 1920 йил июнда Самарқандда, ўша йил ноябрда Еттисувда, 1921 йил мартда Каспийорти вилоятида ана шундай архив бўлимлари ташкил қилинди. Туркистон ХКС нинг 1921 йил 25-январдаги қарорига биноан архивларда қўлёзма ҳужжатларигина эмас, балки нашр қилинган материаллар ва суратли ҳужжатлар ҳам йиғила бошланди (варақалар, хитобномалар, тарихий китоблар ва рисоалар). Ҳукуматнинг 1921 йил 23 июндаги буйруғи билан ҳужжатларни йўқ қилиш тақиқланди.

Архив ташкилотлари ҳужжатларни қабул қилиш билан бирга уларни тартибга келтириш ишлари ҳамда архив ҳужжатларидан фойдаланишни ташкил қилиш, уларни баён қилиш билан шуғулландилар. 1920-1921 йиллари 500 дан ортиқ жамғармалар ҳисобга олинди. –1921 йил охиригача давлат архив жамғармаларига 157 та ҳарбий ва фуқаро ташкилотлари 305 мингдан ортиқ йиғма жилдларни топширдилар. 1922 йили 83 та ташкилот томонидан 200 мингга яқин йиғма жилд топширилди. Архив ҳужжатлари рўйхатини тузишдан олдин бу ҳужжатлар керак ва кераксизларга ажратилиб, илмий-амалий, аҳамияти борларини доимий сақлаш, бундай қимматга эга бўлмаганларини йўқ қилиш белгиланди, яъни архив материалларининг ўзига хос экспертизаси ўтказилди. Бу масала бўйича Туркистон ХКС нинг 1923 йил 25 январдаги “Архив ҳужжатларини сақлаш ва йўқ қилиш тўғрисида” ги қароридан йўл-йўриқлар, кўрсатмалар берилди.

Ушбу қарорда архив ҳужжатларининг йўқ қилишни қуйидаги тартиби ўрнатилган эди: архив ҳужжатлари таркибидан йўқ қилинадиган ҳужжатларни ажратиш учун Ажратиш комиссиялари тузилиб, уларга Архив бошқармаси ва архиви текширилаётган идора вакиллари киритилиши белгиланган. Бу комиссия қарорини Архив иши Марказий Бошқармаси ҳузуридаги Текшириш комиссияси кўриб чиқиб, ўз хулосасини Бошқарма бошлиғи тасдиғига ҳавола қиларди. Шундай қилиб ташкилотлар ҳужжатларини йўқ қилиш ҳуқуқи архив идорасига – Архив иши

Бош бошқармасига топширилди. Давлат ташкилотлари унинг рухсатисиз архив ҳужжатларини йўқ қилиш ҳуқуқига эга эмас эди. Архив ходимлари ҳужжатларни йўқ қилишга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашарди.

ЯДАФ таркибидаги архив ҳужжатлари экспертиза қилиниб, доимий сақлаш учун ажратилган ҳужжатлар тартибга солинди ва рўйхатлаштирилди. 1920-1922 йилларда ЯДАФ томонидан 150 мингга яқин ҳужжатлар рўйхатта олинган. 1924 йилга келиб бутун сақланаётган архив материалларининг бир қисми тартибга солинган эди.

Шуниси аҳамиятлики, архив комиссияси таркибида Ўрта Осиё тарихи бўйича мутахассис В.В. Бартольд ҳам бор эди. Архив материалларики идоравий архивларда сақлашда Цуардел таклифига кўра республика Халқ кенгаши кўрсатма ва қарорлар ишлаб чиқди. 1921 йил 22 июндаги Туркистон МИК буйруғига кўра “архив ҳужжатларини ноқонуний бозорда сотиш ва уларни жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида” таъкидланди. Шуни таъкидлаш керакки, Цуардел архив ҳужжатларини йўқ қилишда жуда эҳтиёткорлик билан ёндошган. 1920 йилнинг октябридаги проф. С.П.Покровский бошчилигидаги ажратиш комиссияси (С.П.Покровский – илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи, комиссия раиси), С.Абрамов (маъмурий-дипломатик бўлим бошлиғи), Н.П.Терновский (бош инспектор), А.А.Семенов (Ўрта Осиё тарихи бўйича мутахассис) иш олиб борди.

Шундай қилиб архив, ҳужжатларини йўқотиш ҳуқуқи фақатгина Цуарделга берилган эди. Унинг рухсатисиз ҳеч бир ташкилот ва идора архив ҳужжатларини йўқотиш ҳуқуқига эга эмас эди. 1917-1921 йиллар ҳужжат ва манбаларига тўхталадиган бўлсақ, 1917 йилнинг биринчи кунларидаёқ ва шўролар ҳокимиятининг биринчи йиллари ҳужжатларини – Цуардел умуман йўқотишга буйруқ ва қарорлар қабул қилмади. Бироқ, кейинроқ Бош архив бунга ёқламади. Ва кейинчалик, собиқ шўролар идоралари ҳужжатларини ажратиш бошланди. Бу комиссия асосан Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси архив ҳужжатларини ажратишни ўзининг асосий мақсади қилиб олган эди. 1920-1921 йиллар оралигида Цуардел иккига йиғилиш ўтказди. Маърузада комиссия ўз иши ҳақида ҳисобот бериб бош архив инструкциясига жавоб бермайдиган йиғма жилд ва кўлёзмалар йўқ қилинганини таъкидлади.

1920-1922 йилларда Цуардел томонидан ўтказилган археографик ишларда намунали фаолият олиб борилди. Шундай қилиб, тарихий-инқилобий секциянинг 2536 йиғма жилди; манавият секциясини - 8243; ҳарбий секцияни 20.935; маъмурий-дипломатик бўлимни - 22.000 га яқин ҳужжатлари ажратилди. Юридик секциянинг 90 мингга яқин йиғма жилди тартибга келтирилди.

Архив ҳужжатларини қабул қилиш ва тартибга келтириш борасида кейинги йилларда ҳам фаолият олиб борилди. 1923 йилнинг майдан

1924 йилнинг майига қадар Цуардел томонидан 12905 йиғма жипд қабул қилинди. Цуардел томонидан 499 жамғарманинг 123494 сақлов бирлигидан 114 жамғарманинг 107952 та йиғма жипди рўйхатлаштирилди ва тартиб рақамлари тузилди. Сақловдаги архив материалларининг учдан бир қисми тартибга келтирилди.

1922-1924 йиллар мобайнида архив жамғармасини рўйхатлаштирилиши, ташкилотларда мавжуд архивларни назорати ва ҳисоботлари тузилди. 1919 йил 15 ноябрда Туркистон Республикаси маориф халқ комиссарлиги қарорига биноан Архив иши Марказий Бошқармаси тузилди ва В.Н. Кучербаев бошқарма бошлиғи этиб тайинланди. Тез орада РСФСР Архив иши Бош Бошқармаси (Бош архив) дан Тошкентга вакил қилиб Д.И. Нечкин юборилди. Туркистонкомиссия уни Туркистон Республикаси Архив иши марказий бошқармаси бошлиғи қилиб тайинлади. Д.И. Нечкин МИК нинг архив тўғрисида қарорига ўзгартиришлар киритди. Цуардел бошлиғи тезда ташкилий масалалар бўйича ўз навбатида бошқарув ва структуравий шталларни ҳам кўриб чиқди. Мухим ўзгартириш шу бўлдики, Туркистон Архив иши марказий бошқармаси бошлиғи РСФСР Бош архиви розилиги билан Туркистон Маориф халқ комиссарлиги қарорига асосан тайинланади, деб қўрсатилди.

Бу билан Туркистон ҳуқуқи, шубҳасиз, чекланди.

Цуардел таркиби қуйидагича эди:

- Бошқарувчи ҳузуридаги кенгаш;
- бошқарув ишлари;
- илмий-статистик бўлим;
- инспекция;
- тахририят кенгаши;
- Давлат архив жамғармаси бўлими (ДАФ);
- вилоят архив жамғармалари бошқаруви.

Цуардел кенгаши коллегияли идора эди. Унинг таркиби – Бош бошқарувчи, унинг ёрдамчиси, бўлим бошлиқлари, илмий статистик бўлим бошлиғи, бош инспектор ва илмий-тадқиқот ташкилоти ходимларидан иборат эди.

Бошқарув ишлари маъмурий, молия ва хўжалик характердаги масалаларни ҳал қилар эди. Бошқарув бошлиғи шунингдек, девонхона бошлиғи ҳам ҳисобланиб – барча архив соҳасидаги ёзишмалар бўйича иш ва фаолиятни назорат қилар эди.

Илмий статистика бўлими архивлар, архив жамғармалари ҳақида, уларни ажратиш, архив соҳасидаги ёзма ва бошқа турдаги материалларни йиғиш билан шуғулланган, шунингдек, Цуарделнинг бир йиллик фаолияти ҳақида илмий ҳисобот тузиб тайёрланган. Илмий статистик бўлим қошида маълумотхона кутубхонаси ишлаб турган. Бу бўлимни А.А.Черновский бошқарган.

Цуарделнинг яна бир муҳим вазифасини Инспекция бажарган. Инспекция давлат ташкилотлари иш юритишини ва архивлари ишини назорат қилган. Шунингдек, архив жамғармалари, улардаги ва идоравий архивлардаги ҳужжатларнинг сақланишини назорат қилган, жойлардаги архив ишчиларига инструкция бериб, секцияларни ҳужжатли материаллар билан мужассамлашувини ташкиллаштириб, архив ҳужжатларини ташиш ва чиқариш ишлари билан ҳам масъуллик қилишган.

Инспекторлар гуруҳини бош инспектор Н.Н. Терновский бошқарган, у бош архивдан махсус Тошкентга юборилган эди. Таҳририят кенгаши Туркистон тарихи бўйича ва унга қўшни бўлган давлатлар тарихи бўйича қўлғамаларни ўрганиш, илмий жиҳатдан фанда тадқиқ этиш билан шуғулланишган.

Дастлаб давлат архив жамғармалари 4 секцияга бўлинган эди:

1. тарихий-инқилобий;
2. иқтисодиёт ва маориф;
3. ҳарбий;
4. юридик.

1921 йилдаёқ республика Давлат архив жамғармаси саккизта секцияга бўлинган эди, булар:

- 1) маъмурий-дипломатик;
- 2) юридик;
- 3) ҳарбий;
- 4) маориф;
- 5) иқтисодиёт;
- 6) тарихий-инқилобий;
- 7) шўро матбуот таҳририяти;
- 8) шарқ секцияларидан иборат бўлган.

Барча мазкур секциялар 4 та бўлимга бирлаштирилган эди.

Биринчи бўлим – маъмурий-дипломатик секция;

Иккинчи бўлим – ҳарбий секция;

Учинчи бўлим – маориф ва иқтисодиёт секциялари;

Тўртинчи бўлим – тарихий-инқилобий, шўро ва шарқ матбуот секцияларидан иборат бўлган.

Маъмурий-дипломатик секцияга – Туркистон генерал губернаторлиги; вилоят бошқаруви; Туркистон генерал губернаторлиги дипломатик амалдорлари; Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги, умумжамоат маҳаллий бошқаруви, медицина ва ветеринария ташкилотлари архив жамғармалари кирар эди.

Юридик секцияларга – вилоят архив жамғармалари, округ судлари ва прокуратуралари; уезд-халқаро халқ суди ва нотариуслар архив ҳужжатлари мавжуд эди.

Ҳарбий секция – ҳарбий иш ва ички қисмларни ўзида мужассамлаштирган; бошқарув, ҳарбий ўқув, идора бошқаруви, Қизил армиянинг ҳужжатларидан иборат эди.

Иқтисодиёт секцияси – Туркистон молия ва назорат палатаси; давлат ва хусусий банк бўлимлари; молия; савдо, ишлаб чиқариш корхонаси ва ташкилотлари ерчилик бошқаруви ва давлат мулклари ва унга тегишли идоралар; сув ҳўжалиги идоралари; йўл хизматлар; почта ва телеграф архив жамғармаси ҳужжатларидан иборат эди.

Тарихий инқилобий секцияда – Туркистон туманларини қўриқлаш бўлимлари; жандарм бошқаруви; ҳарбий ва фуқаровий судлар жамғармалари; сиёсий суд жараёнларига тегишли; муваққат ҳукумат идоралари; инқилобий ташкилотлар архив жамғармалари сақланар эди.

Шўролар матбуот нашриёти секциясида – барча матбуот материаллари, литографик ёки бошқа кўпайтирилган қарорлар, буйруқлар, плакатлар, шиорлар, китоблар, чақириқлар, брошюралар, журналлар, шунингдек, съездлардаги суратли график тасвирлар, митинглар, йиғилиш ва инқилобий раҳбарларнинг суръатлари жамланган эди.

Шарқ секциясида – халқ судлари жамғармалари, қози ва беклар, вақф ва бошқа мусулмон-руҳоний, фуқаровий ташкилотлар архив ҳужжатлари мавжуд эди. Туркистон АССР давлат архив жамғармаси секцияси – инқилобгача шўролар ташкилотларининг архивларига мўлжалланган эди. Ушбу идораларда ҳужжатли материалларни сақлаш муддати 5 йил қилиб белгиланган эди.

Шу муносабат билан Цуарделнинг 1921 йилнинг 30 сентябрдаги қароридан таъкидландики, барча октябрь инқилобидан кейинги ва тугалланган йиғма-жилдлар ҳукумат идораларининг ҳужжатлари – ўша идораларнинг ўзида 5 йилдан ортиқ бўлмаган вақтда сақланиши мумкин эди. Аниқроғи, Давлат архив жамғармасига сақлаш муддати ўтиб кетмасдан топширишлари лозим эди.

Ҳарбий секцияга совет даври ҳужжатларини топширилиши бошқачароқ тарзда амалга оширилган. 1920 йилнинг 31 январдаги Туркистон фронт Инқилобий кенгаши буйруғига кўра бу секцияга ҳарбий қисмлар, штаблар архив жамғармалари, собиқ бошқарма ва собиқ ҳарбий идора бошқаруви яъни эски армия ҳужжатлари топширилган. Ҳарбий қисмлар ва Қизил Армия штаби архивлари биринчи навбатда Туркистон фронт штабига ва ундан кейин эса ҳарбий секцияга – яъни идора ва Цуардел келишувига мувофиқ топширилар эди, албатта.

1921 йил 20 майдаги Туркистон фронт қўмондонлиги буйруғига кўра барча архив жамғармалари, штаб томонидан тўпланган, шунингдек, вилоят архив бўлимлари томонидан ҳам барча штатлардаги асбоб ва инвентари билан биргаликда Цуарделнинг ҳарбий секциясига топширилган эди. Цуарделнинг – “ҳарбий секцияси – барча ҳарбий архив-

ларни шунингдек эскиларини ҳам Қизил Армия, Туркистон Республикаси ҳудудидаги ҳарбий архивларини бирлаштирар эди". Шунга биноан ҳарбий секция Туркистон АССР Давлат архив жамғармасининг бир қисмини ташкил қилиб ва Цуарделнинг ҳам шу билан биргаликда – Туркистон фронт штаби орқали – Инқилобий кенгашга бўйсунар эди.

Бошқарма бошлиғини тайинлаш Цуардел ва Инқилобий кенгаш розилигига асосан тайинланиши лозим эди. Бу ҳолат секцияга штаблар, бошқарма, ҳарбий ўқув юртлари ва қисмлари устидан назорат қилишни қийинлаштирар, шунингдек Туркистон республика давлат архив жамғармаларини ҳужжатларини комплекшлаштиришни мураккаблаштирар эди. 1920-йилларда архив жамғармалари жамланмаси бўйича олиб борилган ишлар, ташкилотлардаги архив соҳасидаги фаолиятлар, улардаги архивларни текширилиши натижасида ТАССР марказидаги архив жамғармаларини ва жойлардаги архив жамғармаларини ҳисоботи олинди. 1920 йилнинг мартада Цуардел Туркистон ўлкасидаги ўқув юрти Бошқармаларининг 5279 йиғма-жилдини, апрелда Самарқанд, Қўқон, Перовск ва Туркистондан 40 га яқин алоқа қопларида почта-телеграф хизмати идоралари архив ҳужжатларини қабул қилди.

Ўша йилнинг май ойида адлия комиссариати – Тошкент суд палатаси ва округ судининг 41 арава архив ҳужжатларини топширди, октябрда ички ишлар Комиссариатидан Фарғона вилояти Бошқаруви архив жамғармаси қабул қилиб олинди.

1920-1921 йилларда 500 архив жамғармаси ҳисобга олинди. 1921 йилнинг охирида Цуардел далолатнома сақланмаси 159 та ҳарбий ва фуқаровий идоралардан 305 мингдан ортиқ йиғма-жилд қабул қилди, улардан 55 минг йиғма-жилд ҳарбий секцияга топширилди. 1922 йилда Цуарделга 83 та фуқаровий ташкилотдан 200 мингга яқин йиғма-жилд келиб тушди, шу жумладан 43 та шўроларга тегишли ва бундан ташқари, 27716 йиғма-жилд ҳарбий секцияга қабул қилинди.

Ушбу далиллар 1920-йилларнинг бошидан архив иши ва материаллари соҳасидаги фаолиятни концентрациялашуви ва ўсиб борганлигидан далолат беради.

Биринчи навбатда таъкидламоғимиз лозимки, ҳокимият структурасидаги архив жамғармалари тартибга келтирилди. Шундай қилиб, 1920 йилда Туркистон инқилобий ҳаракатини ёритган архивларга нисбатан қидирув ишлари олиб борилди. Туркистон архив бўлими жамғармаси, ҳарбий иш судлари, Туркистон генерал губернаторлиги махфий қисмлари ва бошқаларга нисбатан архив ҳужжатларига қизиқиш жуда катта эди. Жойларда туғланиб, чанг босиб ётган йиғма-жилд ва ҳужжатлар архив сақланмаларига топширилиб – тартибга келтирилди, уларга опис руйхатлари тузилди. Бухорода шўро ҳукумати ўрнатилгач, божхона архивларини йўқолиб кетишдан сақлаб қолмиш учун 1920 йилнинг

сентябрида инспектор К.М. Фёдоров бошчилигида экспедиция жўнатилди. Унинг таркибига катта архивариус А.В. Алексеева, архивариус М. Қосимовалар, бош архив бошлиғи Д.И. Нечкин раҳбарлигидаги кишилар аъзо эдилар. Экспедиция томонидан йиртилган ва бузилган, оловдан куйган Бухоро амирининг архив ҳужжатлари тўпланди. Шунингдек, экспедиция томонидан Бухородаги Россия сиёсий агентлигининг архивини Цуарделга жўнатиш ташкиллаштирилди.

Бир вақтнинг ўзида архив материаллари тартибга келтирилиши билан улардан илмий, сиёсий-ташвиқот ва маълумотнома мақсадида фойдаланиш бошланди. Идора ва ташкилотлар Цуарделдаги ҳужжатлар борасида оғоҳлантирилар, бу ҳужжатлар уларга амалий вазифаларини ҳал қилишда ёрдам бериши мумкин эди. Тематик ва биографик саволлар сони йилдан-йилга ошиб борди. Шундай қилиб, 1920 йил Цуарделга 60 та савол тушган бўлса, 1921 йилда 459 та, 1922 йил 580 та, 1923 йилнинг майида - 1924 йилнинг майигача 444 та масала бўйича мурожаат қилинди.

Цуардел, шунингдек ҳужжатли материаллар кўргазмасини ташкил қилди. Биринчи кўргазма 1922 йилнинг мартида Шўролар уйида ўлка партиялари конференцияси иши кунларида ташкил қилинди. Кўргазмада 82 та ҳужжат намойиш қилинди – Туркистон инқилобий ҳаракати тарихига оид бўлган, албатта. Кейинги кўргазма Истпартком томонидан 1924 йилнинг майида Туркистон Компартияси VIII съезди муносабати билан ташкил қилинган эди. Кўргазма Ўрта Осиёдаги инқилобий ҳаракат тарихи, фуқаролар урушига бағишланиб, унда 529 та расм ва 654 ёзма ҳужжатлар намойиш қилинди. Кўргазмани кўриш учун 4546 киши ташриф буюришган эди.

Цуардел – Туркистондаги инқилобий ҳаракати музей хоналарини ташкил қилишда иштирок этди. Тарихий-инқилобий секция томонидан ўзи учун 500 га яқин суръат ва ёзма ҳужжатлар танлаб олинди.

Архив материалларидан партия – давлат раҳбарлари томонидан ҳам тадқиқот мақсадида фойдаланилган. Масалан, 1924 йилда Турор Рискулов Москвада туриб - Цуардел раҳбариятидан ёвмут туркманларининг 1916 йилги кўзғолони ҳақидаги йиғма-жилдни, Цуарделнинг ҳарбий секциясидан Каспийорти вилоятидаги 1916 йилги кўзғолон, шунингдек Хивадаги Чимбой тумани кўзғолони тўғрисидаги йиғма жилдларни унга жўнатишни сўраган. Охир-оқибатда Турар Рискулов “Ўрта Осиё халқларининг 1916 йилги кўзғолони” ҳақидаги китобини чоп этди. Китоб икки қисмдан иборат эди. Ҳужжатли материаллар ўқув зали орқали ҳам тадқиқотда фойдаланилар эди. 1922-1924 йилларда масалан, 13717 та йиғма жилд фойдаланишга берилган эди.

**Ўзбекистонда давлат архив ишини яхшилаш борасидаги ишлар.** Ўзбекистонда 1920 йилларда архив ишини ташкил қилинишида



- Истпарт (тарихий партия) нинг ролини яъни инқилобий ҳаракат ва коммунистик партия тарихи материалларини йиғиш ва ўрганиш комиссиясининг фаолиятини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Туркистонда Истпартни тузишда Д. Манжарий, С.Д. Муравейский, П.Т.Турақулов ва бошқалар ташаббус кўрсатдилар. 1921 йилнинг кузидан бу комиссия Туркистон маҳаллий архивларидаги ҳужжатларни ҳисоботини олиш бўйича иш (инқилоб ва фуқаролар уруши тарихига оид, албатта)га киришди. Энтузиастлар – инқилоб ҳаракатини иштирокчилари хотиралари, шўролар ҳокимиятини ўрнатилиши, биринчи тарихий-партияларнинг тарихини нашр қилишга тайёргарликни бошлаб юборишди. Гуруҳ тақлифига асосан 1921 йилда Туркистонда инқилобий ҳаракатни ўрганиш комиссияси тузилди, 1922 йилнинг кузида Туркистон-бюронинг Истпартия рўйхатидан ўтди.

Туркистонбюро Истпартия тайинлаши биланоқ ҳужжат ва манбалар тўплашга киришиб кетди. Бунга Цуардел томонидан тарихий инқилобий секциясининг архив ишини марказлаштириши ҳам сабаб бўлди. Истпарт – амалий жиҳатдан партия ва инқилоб тарихи бўйича ҳужжатларни тўплаш ва сақлашга ҳаракат қилган биринчи идора ҳисобланар эди. Истпартга Туркистон ўлка компартияси архивлари, Тошкентдаги дашноқлар партияси; Еттисув кўриқлаш бўлими; жандарм бўлимлари; Ўрта Осиё темир йўли, Тошкент прокурори, суд палаталари; 1917 йилдаги маҳаллий партия ташкилотлари ва съезд баённомалари, кейинчалик – варақалар, суратлар, адабиётлар ва бошқа архив ҳужжатлари топширилди. 1924 йилдан партия комитетлари архивлари ҳам топширила бошлади.

Бу хатти-ҳаракатлар натижасида катта миқёсдаги қўлёзма жамғармаси тўпланиб, унда 1919 йил январдаги Осиповчилар кўзголови, 1905-1907 йиллар инқилоби воқеалари, Бухородаги воқеа ва бошқалар ҳақида маълумотлар ёритилган эди. Туркистон Испарти томонидан архивларни тартибга келтиришда улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонда 1920 йиллар архив иши тўғрисида фикр юритганда музей ва қадимий ёдгорликни, санъат ва табиатни асраш бўйича Туркистон кўмитаси (Туркистонистарис, кейинчалик Средазкомстарис, Узкомстарис) фаолиятини алоҳида таъкидламоғимиз лозимдир.

Шўролар ҳукмронлигининг синфийлаштириш сиёсати архив материалларини тўплашга қаттиқ зарба беради. Бунинг оқибатида кўплаб нодир манбалар “ишчилар инқилоби” қизиқишларига тўғри келмайди, деб топилади. Вазиятни қуйи архив ишчиларининг укувсизлиги, айниқса идоровий ташкилотларининг, тарихий ҳужжатларининг у ёки бу соҳага оид қимматлигини - аниқланмаганлиги янада чигаллаштириб юборади. Охир-оқибатда объектив илмий тадқиқотларнинг фаолияти ўз-ўзидан чекланади. Архив ҳужжатларини сақлаш учун махсус биноларнинг йўқ-

лиги ва малакали архившуносларнинг етишмаслиги шу даврлардаги архив ишининг – муаммоли жабҳалари эди.

1924-1925 йилларда Ўрта Осиё Республикалари (Туркистон АССР, Бухоро, Хоразм Халқ Республикалари) да миллий-худудий чегараланиш ўтказилди. Натижада, собиқ СССР таркибида Ўзбекистон ССР ва Турманистон ССР, Тожикистон АССР (Ўз ССР таркибида) ҳамда РСФСР таркибида Қозоғистон АССР ва Қирғизистон Автоном вилояти ташкил қилинди. Бунинг натижасида Ўзбекистон ССР нинг давлат архив ташкилотлари вужудга келди. Архив ҳужжатлари янги тузилган республикалар ўртасида қуйидаги тартибда бўлинди. Ўрта Осиё ва собиқ иттифоқ аҳамиятига эга бўлган архив жамғармалари Ўрта Осиё Марказий давлат архивида – Тошкентда сақланадиган бўлди. Ҳар бир республикага оид архив жамғармалари шу республикага бериладиган бўлди. Ўрта Осиё Президиумининг 1924 йил 13 декабридаги ажратиш комиссиясининг қарорига кўра жойлардаги ва умумиттифоқ архив жамғармалари эса – ўша жойдаги архив бошқармаларига берилиши таъкидланди.

Бунга асосан, Турк~~манистон~~манистон ССР, Қирғизистон, Тожикистон ва Қорақирғиз АССР архив жамғармалари собиқ архив Цуардел архив сақланмаларида сақланаётган эди, энди эса шу республикаларга бериладиган бўлди. 1924 йил 28 декабрда махсус қарор билан Ўзбекистон ССР МИК ҳузирида Ўзбекистон ССР Архив иши марказий бошқармаси ташкил қилинди. Ўзбекистон худудида ташкил бўлган барча архивлар, масалан, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва бошқа вилоятлар архив идоралари вужудга келган архив жамғармалари ЎзССР Архив иши Марказий бошқармасига топширилди.

1925 йилнинг 25 февралда архив идораларига РСФСР Марказий архивининг №: 91610 “сиёсий қидурувдаги шахсларнинг карточкасини тузиш ҳақида яширин буйруғи” берилган эди. Бунга кўра махфий агентуранинг лақабли (кличка), алифболи ва штатли ходимларининг фаолиятига доир каталог ва фондлари тузилди.

Архив жамғармалари Ўзбекистон ССР Архив иши Марказий бошқармасига топширилди. Шунингдек, Ўрта Осиё аҳамиятига эга бўлган архив жамғармалари ҳам Ўрта Осиё Марказий архиви тузилмаганлиги учун Ўзбекистон архив бошқармасига топширилди, чунки ушбу Ўрта Осиё архив жамғармалари – Тошкентда вужудга келган эди. Шундай қилиб, Ўзбекистон ССР архивида фақат республика тарихига оид ҳужжатларгина эмас, балки бутун Ўрта Осиё тарихига доир материаллар сақлана бошланди.

Ўзбекистон ССР МИК ва ХКС нинг 1925 йил 25 июль қарори билан “Ўзбекистон ССР Архив иши Марказий бошқармаси тўғрисида” ги низом тасдиқланди. Бу низомга кўра республика Ягона давлат архив жамғармаси (ЯДАФ) ташкил қилинди. Бу жамғармага ҳукумат, савдо, саноат,

кооператив, касаба уюшмалари ташкилотлари архивлари, шунигиндек, диний ва шахсий архивлар киритилади, деб кўрсатилди.

1929 йил май ойида Ўз ССР МИК Президиуми Ўз ССР Архив иши марказий бошқармаси маърузасини эшитди. Қабул қилинган қарорда шу ўқтирилдики, Марказий бошқарма томонидан амалга оширилаётган ишлар унинг олдига илмий ташкилот сифатида қўйилган талабларга жавоб бермайди. Қарорда Марказий бошқарма ўз фаолиятида илмий-тадқиқот ишларига, ҳужжатларни эълон қилишга, ҳужжатлар тўплamlари тайёрлашга алоҳида эътибор бериши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

1930 йилнинг 9 апрелидаёқ Ўзбекистон ССР Цуардели, "Ўзбекистон ССР Марказий Архив бошқармаси қошида Архившунослик институти очиш ва унга РСФСР Марказий Архив бошқармаси архившунослик кабинети бериши тўғрисида" қарор қабул қилди. 1931 йилнинг октябрида Археографик комиссияга ихтисослаштирган Археографик (Ленинград) институти ташкил этилди. 1931 йил 20 майда Ўзбекистон ССР МИК Ўзбекистон ССР Марказий архив бошқармаси ва унинг маҳаллий идоралари тўғрисидаги низом ҳақида қарор қабул қилди.

1932 йилдан Тарихий археографик институт ва Коммунистик академия тарихи институти базасида – собиқ СССР Тарих институти фанлар Академияси ташкил этилди. Янги ташкил этилган илмий-тадқиқот институтида бошқа секторлар қаторида, ёрдамчи ихтисослаштирилган археография секторларига ҳам эътибор қаратилди. 30-йилларининг иккинчи ярмидан «халқ душманларига қарши кураш» шиори остида олиб борилган сиёсий қирғинларга НКВД давлат архивларидан ҳам ўз мақсадлари йўлида фойдаланди.

1934 йилнинг 1 декабрида С.М Кировнинг ўлдирилишидан сўнг, оммавий репрессия бошланиб кетди. Бу оммавий қатогонларга архив ҳужжатлари ҳам жалб қилинди. 1935 йил маҳаллий архивлар тарихида ҳам катта воқеа содир бўлди. Собиқ СССР МИК шу йили барча туманларда туман давлат архивларини тузишни тавсия қилди Ўз ССР МИК нинг 1935 йил 21 декабрь қарорига биноан республиканинг барча шаҳар ва туманларида давлат архивлари ташкил қилинди. 1936 йили республикада 31 та туман давлат архивлари ва архиви бўлмаган шаҳарларда шаҳар давлат архивлари тузилди.

1936 йилда республика архивларида 1534 та архив жамғармалари ва 1001680 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар сақланар эди. 1938 йилда жамғармалар сони 3770 та ва 1483670 сақлов бирлигидаги ҳужжатлардан, уларнинг 534419 сақлов бирлиги рўйхатта олинган эди. 1934-1938 йилларда ташкилот ва фуқароларга 2100 архив маълумотномалари берилди, 1934-1939 йилларда ўқувчилар сони 318 тага етиб, улар томонидан 27247 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар фойдаланилди.

1937 йил 2 мартдаги ЎзССР МИК Президиуми қарорига кўра, барча ташкил этилган Марказий давлат архивлари – тарихий, октябрь инқилоби, касаба – уюшма ҳаракатлари, ҳарбий, кино, сурат, овозли ҳужжатлар, бир неча йил олдин ташкил этилган Марказий Архив Бошқармаси таркибига киритилди. 1938 йил 15 январдаги собиқ СССР Олий Кенгаши сессиясида Ўзбекистонда - Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Бухоро вилоятларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди, булар ўз-ўзидан Марказий Архив ишини яхшилади ва тартибли тузилма вужудга келиши учун замин яратди.

1938 йилнинг 16 апрелида собиқ СССР Марказий архив бошқармаси собиқ СССР ички ишлар халқ комиссарлиги қарамоғига ўтказилди ва сентябрдан собиқ СССР НКВД Бош архив бошқармаси деб ўзгартирилди. 1939 йили республика архив ташкилотлари ЎзССР МИК ҳузуридан ЎзССР ички ишлар халқ комиссариати (ИИХК) қарамоғига ўтказилди. Маълумки НКВД деб номланган бу ташкилот 1930-йиллардаги қатағонларни ўтказган. Унинг роли аҳамияти ортиб кетиши ва архив ҳужжатлари бу ташкилотга кўпроқ керак бўлиши сабабли собиқ СССР ва ЎзССР да архивлар ИИХКга ўтказилди. Шу муносабат билан ЎзССР Марказий архив бошқармаси ўрнига ЎзССР Ички Ишлар халқ комиссариати архив бўлими ташкил қилинди. Жойларда эса вилоят ИИХК бошқармаларининг вилоят архив бўлинмалари ва вилоят давлат архивлари тузилди.

Ўн йил мобайнида (1929-1939 йиллар) Архив идоралари бюджети анча ошди: 300 мингдан 570250 рублгача, амада икки баробар. Архив ташкилотлари кадрлар билан ҳам анча мустаҳкамланди. Улар сони 1929 йилда 34 тани, 1936 йилда - 70 тани ташкил қилиб, 1941 йилда – 111 тага етди. 1929 йилда, масалан, архив тизимида биронта тугалланган олий маълумотли ишчи йўқ эди. Етти йилдан сўнг 1936 йилда улар сони 4 тага етди. Бундан ташқари, урушгача бўлган даврда Тошкентга, Москвадаги тарих - архив институтини битирувчилари Н.Г. Манин, О.В. Спиридонова, А.А. Тямаевлар келишди. Тошкент архив идораларида А. Бөрсенев, Г.Н. Сибирова ва бошқалар – олий маълумотли тарихчи маълумотига эга бўлган ҳолда иш олиб бордилар.

1932-1941 йилларда Москва давлат тарих-архив институти қошидаги малака ошириш курсига шаҳар, туман, вилоят архивларидан 18 киши юборилди. Тошкентда Марказий Архив бошқармаси қошидаги малака ошириш курсида шаҳар, туман, вилоят архивлари ходимлари муттасил малакасини ошириб бордилар. Шундай қилиб, 1938 йилда Тошкент шаҳрини ўзидагина 43 та ташкилотнинг архив материаллари қайта ишланди. Улардан 31 таси наркомат (халқ кўмитаси) ва марказий ташкилотлар эди. Тартибга келтирилган йилма йиллар сони 690833 сақлов бирлигига етди.

1936 йилда республика архивларида 1534 та архив жамғармалари ва 1001679 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар сақланган эди. 1938 йилда жамғармалар сони 3770 та ва 1483670 сақлов бирлигидаги ҳужжатлардан, уларнинг 534419 сақлов бирлиги рўйхатга олинган эди. 1939 йилда Тошкентдаги олимлар уйида ЎзССР ташкил топганлигининг 15-йиллигига бағишланган-инқилобий ва миллий озодлик ҳаракатини ёритувчи, шўролар ҳукуматининг ўрнатилиши, Ўзбекистонда “социалистик” қурилишнинг бориши ҳақидаги архив ҳужжатларининг кўчма кўргазмаси ташкил этилди.

1939 йилнинг 16 сентябрида НКВД собиқ СССР бош архив бошқармаси томонидан архив бўлимлари бошлиқларига буйруқ жўнатилиб; НКВД собиқ СССР томонидан ҳалигача кўп сонли архив материаллари ўрганилмаганлиги ва бу материаллар «НКВД собиқ СССР ҳодимлари учун жуда катта оператив қизиқиш уйғотиши мумкинлиги таъкидланди».

Олимларимизнинг ҳисоб-китобларига кўра, 1937-1939 йилларда 40 мингдан ортиқ киши давлат хавфсизлик идоралари томонидан қамалган, шундан 6 минг 920 нафари отиб ташланган. Бу эса “советларнинг давлат дарахти, фуқароларнинг дарё-дарё қони эвазига кун кўргани”ни кўрсатади.

1940 йилнинг 23 октябрида НКВД собиқ СССР нинг №001345 сонли “Архив материалларидан оператив-чекистлар ишларида фойдаланиши тўғрисида”ги махсус буйруғи – Ички Ишлар наркоми Берия имзоси билан ҳамма жойларга юборилди. Архив хизмати бу даврга келиб сиёсий репрессия ва ғоявий курашда-инструмент вазифасига айлантирилди.

Архив жамғармаларидан давлат идораларининг сиёсий ва амалий фаолияти учун кенг фойдаланилди. Архивчилик соҳасидаги тоталитар сиёсатининг олиб борилиши-архившуносликнинг илмий таррақиётига ўз таъсирини кўрсатиб, махфий режим-амалий жиҳатдан архив жамғармаларига олиб борадиган эшикларни ёпиб қўйди. Натижада тарихий фанда чуқур инқироз вужудга келди.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Мустамлакачилик даврида Туркистондаги архивлар тизими
2. Россия империясининг Туркистонда идоравий архив ҳужжатларини сақлаш борасидаги амалга оширган сиёсати
3. Туркистон ўлкасида архив ҳужжатларини сақлаш ва йўқ қилиш муаммолари

## 2-Мавзу: 1940-1950 йилларда Ўзбекистонда архив тизимининг ривожланиши

### РЕЖА:

1. Архив хизматининг ривожланиш тизими, кадрлар фаолияти.
2. Иккинчи Жаҳон уруши даврида Ўзбекистонда архив иши.
3. 50-йилларда Ўзбекистонда архив иши.

Архив хизматининг ривожланиш тизими, кадрлар фаолияти. 30-йилларнинг охири 40-йилларнинг боши – собиқ СССРнинг II Жаҳон урушига кириши билан характерланади. Ўзбекистон – ушбу унитар давлат таркибида унинг энг ишончли халқ хўжалиги объекти, завод ва фабрикалари учун хом-ашё базаси, шунингдек олий ўқув юртлари, илмий коллективларни эвакуацияси учун жуда қулай макон эди. Иккинчи жаҳон уруши муносабати билан Тошкентга жуда катта йирик олимлар, шарқ-шунослар, тарихчи, тилчилар ва бошқалар келишди. Улар орасида академик Р. Виппер, Б. Греков, В.В. Струве, собиқ СССР Фанлар Академияси мухбир-аъзолари Е. Бертельс, Е.А. Косминский, К. Риксанов, В.Пичют, К.В.Тревер, А.Д.Удальцов, В.Шишмаров, А.Якубовский, профессорлар С.Н. Волк, М.В. Левченко, Л.А. Мацулевич, М.В. Нечкина ва бошқалар бор эди. Натижада РСФСР ва Ўзбекистон олимлари ўртасида жуда яхши илмий алоқа ўрнатилди. В.В. Струве ва бошқа машҳур олимлар – муаллифлар жамоасига Ўзбекистон тарихи бўйича, архив материалларини қайта тиклашда катта ёрдам беришди. 1940 йилда (январ ойида) собиқ СССР Фанлар Академиясининг Ўзбекистондаги филиали – ЎзФА очилди. Унинг таркибида Тилшунослик институти, Адабиёт ва тарих-ижтимоий йўналишларни ёритувчи, шу жумладан архившунослик соҳалари ҳам йўлга қўйилди.

1941 йилда архив идоралари 98 та ташкилотнинг архивлари тартибга келтирилди. Бундан ташқари 41 та ташкилотда бу ишни амалга оширишга киришилди ва 20 минг сақлов бирлигидаги ҳужжатлар мақалатурага топширилди. 1941 йил ЎзССР Марказий Архив ва Марказий Ҳарбий давлат архиви 35 минг сақлов бирлигидаги ҳужжатларни қабул қилди. 1942 йилда юқорида тилга олинган архив ва Тошкент вилоятининг давлат архивлари томонидан 65 мингта яқин сақлов бирлигидаги ҳужжатлар қабул қилинди. Уша йиллардаги архив ишлари борасида олиб борилган йиллар маълумоти қуйидагича: 1940 йил республика архивларида 1.263,786, 1942 йилда эса - 1.710.177 сақлов бирлигига ошган, бошқача қилиб айтганда, 2 йилда архив сақланмалари 0,5 миллионга яқин ҳужжатлар билан тўлдирилган.

1941 йили ЎзССР таркибида Андижон, Наманган Сурхандарё ва кейинроқ, 1943 йили Қашқадарё вилоятлари ташкил этилиши муносабати билан вилоят ИИХК бошқармасида архив бўлинмалари ва вилоят давлат архивлари ташкил қилинди. 1940 йилларда яна қуйидаги архивлар: Бухоро вилояти филиаллари – Қоракўл, Ғиждувон, Галя Яссиди (1943); Навоий вилояти филиаллари – Нурота (1946); Томди булоқ (1946) шаҳарларида; Қашқадарё вилояти филиаллари – Бешкент, Шаҳрисабз шаҳарларида (1943); Самарқанд вилоят филиаллари – собиқ Красногвардейск (1943), 1944 йилда Улуғбек посёлкасида ва Каттақўрғонда 1946 йилда Оқтош шаҳарларида вужудга келди. Андижон вилояти давлат архиви филиаллари; Олтинкўл қишлоғида (1946), Пойтук (1949) шаҳарларида ташкил қилинди. Тошкент вилояти давлат архиви филиаллари – Қибрай қишлоғида (1944), Чирчиқ ва Янгийўл (1943) шаҳарларида очилди. Жами 17 вилоят архивлари тузилди.

Шундай қилиб, 1941 йил 2 январидан архив идораларида 113 киши ишлаган бўлса 1945 йилнинг 1 январидан улар сони 306 га етди. Уларнинг 30 таси олий маълумотли ходимлар эди. Уларнинг ичида тарихчи-архивчилар: З.И. Агафонова, А.И. Белкова, Н.Г. Манин, Л.М. Ланда, И.Н. Серий, А.А. Халфин ва бошқа малакали мутахассислар бор эди, бироқ кейинги йилларда ҳужжатларни давлат архивига қабул қилиш камайди. Архивларда ҳужжатларни қабул қилиш ва сақлашга жой етишмас эди. 1944-1945 йилларда давлат архивларига 48055 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар қабул қилинди.

Янги ташкил қилинган Кино, сурат, овозли ҳужжатлар марказий Давлат архиви 1944-1945 йилларда 165896 суратли ҳужжат, 402701-аэросуратли суръат, 1794 - киноҳужжат ва 6949 фоноҳужжатлар - Тошкент архивлари, идора ва ташкилотларда мавжудлиги аниқланди.

Кино, сурат, овозли ҳужжатлар архиви ташкил топганида, унинг суратликтекасида 8 минг сақлов бирлигидаги ҳужжатлар мавжуд бўлган бўлса, 1944 йилда сақлашга 12 минг ҳужжат ва 1945 йилда - 3420 суратлиҳужжат, 1945 йилда - 3420 суратлиҳужжат топширилди.

Уруш шароитида давлат архивлари тартибга солилмаган архивларни, асосан фронтга жўнатилган ҳарбий қисмлар архивларини қабул қилишга мажбур бўлдилар. Давлат архивларининг асосий вазифаларидан бири тартибга солиш эди. Республика давлат архивларидан 1941 йили 100 минг сақлов бирлигидаги ҳужжатлар тартибга солинди. 1942 йил режасига кўра, 162305 сақлов бирлигидаги ҳужжат тартибга солиниши керак эди. Биринчи ярим йилликда 117858 сақлов бирлиги тартибга келтирилди. 1944-1945 йиллар республика давлат архивларида 136.370 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар қўшимча тарзда рўйхатлаштирилди. Архив ҳужжатларидан фойдаланиш соҳасида ҳам бир қатор ишлар қилинди. Халқ хўжалиги мақсадида фойдаланиш учун кўп ҳужжатлар

топилиб, тегишли ташкилотларга юборилди. 1942 йилда рўйхати тузилмаган материаллар 787240 сақлов бирлигида эди. Бу ўша пайтдаги архивларда сақланаётган архив ҳужжатларининг 50% ини ташкил қилар эди.

1942 йил ноябрида Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари бўлимлари архив ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Қабул қилинган қарорда бу республикалар архив идоралари ҳужжатларини эҳтиёт қилишни таъминлаш, тартибга солиш ва улардан уруш манфаатлари йўлида фойдаланишда катта ютуқларга эришгани эътироф этилди. Шу билан бирга ЎзССР архив идоралари ишида айрим камчиликлар мавжудлиги ҳамда шаҳар туман архивлари бирмунча инқирозга учраганлиги, заифлашгани ва Марказий давлат архивларида ишчиларнинг архивчиларнинг етишмаслиги, ЎзССРда кино, сурат, овозли ҳужжатлар Давлат архиви ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилди. Кенгаш архив ҳужжатларини эҳтиёт қилиш чораларини кўриш, илмий ва ташвиқот мақсадларида ҳужжатлардан кенг фойдаланишни ташкил этиш зарурлигини уқтириб ўтди. Уруш даврининг қийинчиликларига қарамай, республика ҳукумати архив ишини яхшияш соҳасида анча ишларни амалга оширди.

ЎзССР ХКС нинг 1943 йил 18 февраль қарори билан ЎзССР кино, сурат, овозли ҳужжатлар марказий давлат архиви ташкил қилинди. 108 та шаҳар, туманларда давлат архиви очилиб, уларнинг мудирларини ойлик иш ҳақи миқдори олдинги 110 сўм ўрнига 300 сўм қилиб тайинланди. 1943 йилнинг 27 сентябрида собиқ СССР ХКС қарори билан “ЎзССРда фанлар академияси тузиш” ҳақида кўрсатма берилди. Шу йилнинг 4 ноябрида Тошкентда ЎзССР ФА ташкил топганлигининг тантанали очилиши бўлиб ўтди. 1940 йилнинг 21 июлида ЎзССР ХКС Марказий Архив Бошқармаси ЎзССР НКВД Архив бўлими деб ўзгартирилди. Шу жумладан, Қорақалпоғистон АССР МА бошқармаси – Қорақалпоғистон АССР НКВД Архив бўлимига, Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона архив бўлимлари – вилоят давлат архиви тизимига ўтди.

1944 йил январидан ЎзССР Давлат кутубхонаси Шарқ бўлими базасида республика фанлар академияси Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти ташкил қилинди (биринчи директор – проф. А.А.Семёнов эди). Республика ҳукумати қарори билан бу институтга сақлаш учун ва ўрганиш учун Шарқ тилидаги қўлёзмалар (Тошкент Давлат Кутубхонасида тўпланган) топширилди. Кейинчалик институтга ЎзССР ФА фундаментал кутубхонасидан қўлёзма асарлар ва бошқа ҳужжатлар, А.Навоий номидаги Давлат музейи ва бошқа ташкилотлардан ҳам ҳужжатлар қабул қилинди. Институт илмий фаолияти бошланишида ҳаммаси бўлиб 6102 жилдли қўлёзма ва 6000 га яқин литографик китоблар тўпланди. Институтнинг илмий фаолиятининг илк кунларида Давлат оммавий кутубхонасидан келган, унчалик катта бўлмаган олимлар



гуруҳи иш олиб борди. Улар А.А.Салимов, И. Адиллов, Д.Г.Вароновский, А. Мурадов, А. Насиров, М.А. Салйе, Е. Муҳаммедхаджаев, А.И. Агеев, шунингдек, Ленинграддан эвакуация қилинган шарқшунослар гуруҳлари бор эди.

1946 йилнинг 17 апрелида умум иттифоқ республикалари архив ва ИИВ бўлимлари бошлиқларининг мажлисида архив идораларининг кейинги йўналишлари белгилаб олинди. Урушдан кейинги йилларда архивчилар олдида турган муҳим вазифа архив материалларига илмий маълумотнома аппарати, маълумотномалар тузиш иши эди. Хужжатлардан фойдаланишни яхшилаш учун кўрсаткич (путеводитель)лар илмий рўйхатлар, каталоглар ва бошқа ахборотномалар тайёрлаш зарур эди. Бу ишларни амалга оширишдан аввал архивчилар давлат архивларида сақланаётган тартибсиз архив жамғармаларини тартибга солдилар. Бу масалалар – 1948 йил 16-17 июль кунлари Москвада, собиқ СССР тарихчи-архивчиларининг РСФСР ХКСнинг, “Архив ишларини қайта тиклаш ва марказлаштириш тўғрисида”ги қарорининг 30 йиллигига бағишланган илмий конференциясида ҳам муҳокама қилинди, ва мамлакатдаги архив қурилишининг мақсад ва вазифалари белгилаб олинди.

**Иккинчи Жаҳон уруши даврида Ўзбекистонда архив иши.** 1940 йилнинг 21 июлида ЎзССР ХКС Марказий Архив бош-қармаси ЎзССР НКВД Архив бўлими деб ўзгартирилди. Шу жумладан Қорақалпоғистон АССР НКВД Архив бўлимига – Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона архив бўлинмалари вилоят давлат архиви тизимига ўтди.

Шу билан бирга ЎзССР архив идоралари ишида айрим камчиликлар мавжудлиги ҳамда шаҳар, туман архивлари бирмунча инқирозга учраганлиги, заифлашгани ва марказий давлат архивларида ишчиларнинг яъни архивчиларнинг етишмаслиги, ЎзССР да кино-суратли фоно хужжатлар давлат архиви ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилди. Кенгаш-архив хужжатларини эҳтиёт қилиш чораларини кўриш, илмий ва тадқиқот мақсадларида хужжатлардан кенг фойдаланишни ташкил этиш зарурлигини ўқтириб ўтди.

1941 йилда архив идораларида 98 та ташкилотнинг архивлари тартибга келтирилди. Бундан ташқари 41 ташкилотда бу ишни амалга оширишга киришилди ва 20 минг сақлов бирлигидаги хужжатлар мақалатурага топширилди. 1941 йил ЎзССР Марказий Архив ва Марказий ҳарбий давлат архиви 35 минг сақлов бирлигидаги хужжатларни қабул қилди. 1942 йилда юқорида тилга олинган архив ва Тошкент вилояти давлат архивлари томонидан 65 мингга яқин сақлов бирлигидаги хужжатлар қабул қилинди. Ўша йиллардаги архив соҳасида олиб борилган ишларнинг умумий маълумоти қуйидагича: 1940 йил республика архивларида 1.263.786, 1942 йилда эса - 1.710177 сақлов бирлигига ошган,

бошқача қилиб айтганда икки йилда архив сақланмалари 0,5 млнга яқин ҳужжатлар билан тўлдирилган.

Уруш даврининг қийинчиликларига қарамай, республика ҳукумати архив ишини яхшилаш соҳасида анча ишларни амалга оширди. ЎзССР ХКС нинг 1943 йил 18 феврал қарори билан ЎзССР кино, сурат, овозли ҳужжатлар марказий давлат архиви ташкил қилинди. 108 та шаҳар ва туманларда давлат архиви очилиб, уларнинг мудирларини ойлик иш ҳақи миқдори олдинги - 110 сўм ўрнига 300 сўм қилиб тайинланди.

1941 йили ЎзССР таркибида Андижон, Наманган Сурхондарё ва кейинроқ, 1943 йили Қашқадарё вилоятлари ташкил этилиши муносабати билан вилоят ИИХК бошқармасида архив бўлинмалари ва вилоят давлат архивлари ташкил қилинди. 1940 йилларда яна қуйидаги архивлар Бухоро вилояти филиаллари – Қорақўл, Қўқон, Ғиждувон, Гала ясида (1943), Томди-Булоқ (1946) шаҳарларида; Қашқадарё вилояти филиаллари – Бешкент, Шаҳрисабз шаҳарларида (1943); Самарқанд вилояти филиаллари – собиқ Красногвардейск (1943), 1944 йилда Улуғбек посёлкасида ва Каттақўрғонда, 1946 йилда Оқтош шаҳарларида вужудга келди. Андижон вилояти архив филиаллари: Олтинқўл қишлоғи (1946), Пойтуғ (1949) шаҳарларида ташкил қилинди. Тошкент вилояти Давлат архиви филиаллари – Қибрай қишлоғида (1944), Чирчиқ ва Янгийўл (1943) шаҳарларида очилди. Жами 17 та вилоят архивлари тузилди.

Шундай қилиб, 1941 йил 1 январидан архив идораларида 113 киши ишлаган бўлса, 1945 йил архив идораларида 305 киши ишлаган, хусусан, 1945 йилда архивларда ишлаётган ходимларнинг 30 тадан кўпроғи олий маълумотли ходимлар эди. Буларнинг ичида тарихчи – архивчилар, З.И. Агафонова, А.И. Белкова ва бошқа малакали мутахассислар бор эди. Лекин кейинги йилларда ҳужжатларни давлат архивига қабул қилиш камайди. Архивларда ҳужжатларни қабул қилиш ва сақлашга жой етишмас эди. 1944-1945 йилларда давлат архивларига 48055 сақлов бирлиги қабул қилинди.

Янги ташкил қилинган Кино, сурат, овозли ҳужжатлар Марказий давлат архиви 1944-1945 йилларда 165896 суратлиҳужжат, 402701 аэросуратли суръат, 1794 киноҳужжат ва 6949 суратлиҳужжатлар Тошкент архивлари идора ва ташкилотларда мавжудлиги аниқланди. Кино, сурат, овозли ҳужжатлар архиви ташкил топганида унинг суратликамюрасида 8 минг сақлов бирлигидаги ҳужжатлар мавжуд бўлган бўлса, 1944 йилда сақловга 12 минг ҳужжат ва 1945 йилда 3420 суратлиҳужжат топширилди. 1942 йилда рўйхати тузилмаган материаллар 780240 сақлов бирлигида эди. Бу ўша пайтдаги архивларда сақланаётган ҳужжатларнинг 50 % ини ташкил қилар эди.

Уруш шароитида давлат архивлари тартибга солинмаган архивларни асосан фронтга жўнатилган ҳарбий қисмлар архивларини қабул

қилишга мажбур бўлдилар. Давлат архивларининг асосий вазифаларидан бири тартибга солилмаган архив жамғармаларини тартибга солиш эди. Республика давлат архивларидан 1941 йили 100 минг сақлав бирлигидаги ҳужжатлар тартибга солинди. 1942 йил режасига кўра, 162305 сақлов бирлигидаги ҳужжат тартибга солиниши керак эди. 1944-1945 йиллар республика давлат архивларида 136.370 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар қўшимча тарзда рўйхатлаштирилди. Архив ҳужжатларидан фойдаланиш соҳасида ҳам бир қатор ишлар қилинди. Халқ ҳўжалиги мақсадида фойдаланиш учун кўп ҳужжатлар топилиб тегишли ташкилотларга юборилди. 1944 йил январда Ўз ССР Давлат кутубхонаси шарқ бўлими базасида республика фанлар Академияси шарқ кўлўзмаларини ўрганиш Институтини ташкил қилинди (Биринчи директор, проф. А.А. Семёнов эди).

Республика ҳукумати қарори билан бу институтга сақлаш учун ва ўрганиши учун шарқ тилидаги кўлўзмалар (Тошкент Давлат кутубхонасида тўпланган) топширилди. Кейинчалик институтга Ўз ССР ФА фундаментал кутубхонасидан кўлўзма асарлар ва бошқа ҳужжатлар, А.Навоий номидаги Давлат музейи ва бошқа ташкилотлар ҳужжатлари ҳам қабул қилинди. Институт илмий фаолиятининг илк кунларида Давлат оммавий кутубхонасидан келган, унчалик катта бўлмаган олимлар гуруҳи иш олиб борди. Булар – А.А. Семёнов, И. Адиллов, Д.Г. Юроновский, А. Мурадов, А. Насиров М.А. Сали, Е. Мухаммдходжаев, А.И. Агеев, шунингдек, Ленинграддан эвакуация қилинган шарқшунослар гуруҳлари бор эди. 1946 йилнинг 17 апрелида Умумиттифоқ республикалари архив ва ИИВ бўлимлари бошлиқларнинг мажлисида архив идораларининг кейинги йўналишлари белгилаб олинди. Урушдан кейинги йилларда архивчилар олдида турган муҳим вазифа материалларга илмий-маълумотнома аппарати, маълумотлар тузиш эди. Ҳужжатлардан фойдаланишни яхшилаш учун кўрсатилган илмий рўйхатлар, каталоглар ва бошқа ахборотномалар тайёрлаш зарур эди. Ушбу ишларни амалга оширишдан аввал архивчилар давлат архивларида сақланаётган тартибсиз архив жамғармаларини тартибга солдилар.

**50-йилларда Ўзбекистонда архив иши.** 1946-1950 йилларда республика ва вилоят архивларида 158045 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар рўйхатлаштирилди ва 75996 сақлов муддати тугаган йиғма жилдлар йўқ қилинди. 1951 йилда архив хизматчиларининг машаққатли меҳнатлари эъзига 120018 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар йўқотишга ажратилди. Ўз ССР кино, сурат, овозли ҳужжатлари МДА – ўз ҳужжатларини тартибга келтиришди. Улар томонидан 5910 суратли ҳужжат қайта ишланди ва 1990 лавҳали киножурналлар ҳам.

Архив ташкилотларининг муҳим ишларидан яна бири идоралар архивларини тартибга солиш ва ҳужжатларни эҳтиёт қилиб, сақлашни ташкил қилиш эди. Бу ишда ЎзССР Министрлар Советининг 1949 йил 13 январидаги давлат ва идоравий архивлар ишини яхшилаш тўғрисидаги қарори муҳим аҳамият касб этди. Бу қарор эълон қилинганидан кейин кўплаб ташкилотлар архивларини тартибга солдилар. Агар 1947-1948 йилларда Тошкентда 50 та ташкилот ўз архивларини тартибга солдилар 1946-1950 йилларда Марказий ва вилоят давлат архивлари давлат сақловига 280543 сақлов бирлигидаги ҳужжатларни қабул қилишди. Бу йилларда ЎзССР кино, сурат, овозли ҳужжатлар Марказий давлат архивига 29892 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар топширилди. 1956 йилнинг 1 январида республика ва вилоят давлат архивларида 1.6 млн.га яқин сақлов бирлигидаги ҳужжатлар сақланар эди.

Идоралар архив ишларини яхшилаш учун бир неча методик қўланма тайёрланди. Масалан, "Ташкилотларда архив ҳужжатларининг экспертизасини ўтказиш учун эсдалик", "Идоралар архивлари ишини назорат қилиш учун кўрсатмалар", "Вазирликлар архивлари ишини режалаштириш ва ҳисобот қилиш бўйича кўрсатмалар" шулар жумласидандир. 50-йилларнинг бошларида архивларга янги архив ҳужжатларини сақлайдиган бинолар етишмас эди. Ушбу вазиятни ҳисобга олиб Ўзбекистон ҳукумати 1954 йилнинг 13 январида "Республикада архив ишини яхшилаш тўғрисида" қарор қабул қилди ва Тошкент шаҳрида марказий архив учун бино қурилиши назоратини ЎзССР ИИВ га юклади. Бу вазифа 1964 йилда келибгина, амалда бажарилди. 1947 йилда республика бўйича жами 118 туман ва 5 та шаҳар архивлари, уларда эса 137 минг йўғма жилд сақланар эди. 1955 йилнинг 1 январида Ўзбекистон шаҳар ва туманларида 8 та шаҳар ва 138 та туман архивлари мавжуд эди. 50 йиллар мобайнида вилоятларда давлат архивининг қуйидаги архив филиаллари очилди; Андижон вилоятида-Қўрғонтепада (1956); Жиззах вилоятида - Жиззах шаҳрида (1954); Сирдарё вилоятида-Сирдарё (1951) ва Янгиер (1954); Тошкент вилоятида – Бекобод (1950), Олмалиқ ва Ангрен (1956). Сталин вафотидан сўнг архивчилик йўналишида ҳам янги қирралар очилди. 1955 йилнинг апрелида Москвада собиқ СССР Бош архиви илмий кенгашининг мажлиси бўлиб; "СССР давлат архив жамғармаси ҳужжатларидан қишлоқ хўжалиги ва илмий мақсадларда фойдаланиш" масаласи муҳокама қилинди. Шу йилнинг 15-20 июнларида Тошкентда Ўрта Осиё партия архивларининг бошлиқлари иштирокидаги мажлис бўлиб ўтди ва унда Ўрта Осиё партия ташкилотлари тарихини тузиш ва ёритиш масалалари муҳокама қилинди. 1956 йилнинг мартда Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикасининг архив ташкилотлари ва давлат архивларининг мажлиси бўлиб ўтди. Муҳокамада КПСС XX Съездидаги архив қурилиши борасидаги ва

собик СССР Министрлар Советининг 1956 йил 7 февралдаги мамлакатда архив иши ҳолати масалалари муҳокама қилинди. 1958 йилнинг июнида архив ишини кўриб чиқиши бўйича – Тошкентда, собик СССР архив қурилишининг 40-йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. 1959 йилнинг 13-15 апрелида Тошкентда яна Ўрта Осиё ва Қозоғистон тарихчи, архивчиларнинг мажлиси бўлиб, унда Н.Р.Прокопенко минтақалардаги архив ташкилотларининг вазифаси ҳақида маъруза қилди.

Архив ҳужжатларидан илмий мақсадда фойдаланишни яхшилашда ЎзССР Министрлар Советининг 1956 йил 31 мартдан “ЎзССР Вазирликлари ва идоралар архив материалларини сақлаш усулларини тартибга солиш ва улардан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим роль ўйнади. Республика ҳукумати архив ташкилотларига ҳужжатлардан фойдаланишни кенгайтириш, ҳужжатли тўпламлар, маълумотномалар, архив жамғармалари ахборотномаларини тайёрлашни ва “Ўздавлат нашр”га уларни нашр қилишни топширди. Бу қарор архив ташкилотларининг илмий ишларни, ҳужжатларни эълон қилиш борасидаги ишларини жонлантириб юборди.

50-йилларнинг охири ва 60-йиллар ичида архив ишини яхшилаш мақсадида давлат архивлари ва архив идораларида қатор ташкилий қайта қуриш ишлари амалга оширилди. 1958-йили Ўз ССР Октябрь инқилоби Марказий давлат Тарих архиви билан бирлаштирилиб, ягона ЎзССР Марказий давлат архиви ташкил қилинди. Бир йилдан кейин бу архивга ЎзССР кино, сурат, овозли ҳужжатлар марказий Давлат архиви ҳам қўшилди. Шундай қилиб, 50-йиллар охирига бориб республикада архив ташкилотларининг тартибли тизими вужудга келди. Бу тизим илмий ва тарихий аҳамиятта эга бўлган барча ҳужжатларни эҳтиёт қилиб сақлаш ва улардан фойдаланишни ташкил қилиш имкониятига эга бўлди.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекисонда архив иши ҳолати.
2. Тошкент шаҳрида КСОҲ МДА қачон ташкил этилди?
3. Архив иши соҳасидаги ютуқ ва камчиликларни кўрсатинг.

### 3-Мавзу: Ўзбекистонда архив тизимининг ривожланиши (1960-1990 йиллар)

#### РЕЖА:

1. 60-йилларда Ўзбекистонда архив иши.
2. 1970-80- йилларда Ўзбекистонда архив иши тарихи.

60-йилларда Ўзбекистонда архив иши. 1960 йиллар бошида архивлар тараққиётида янги давр бошланди. Архив ташкилотларини бевосита Ўзбекистон Министрлар Советига бўйсундирилиши республикада архив ишини ривожланишига ёрдам қилган муҳим омил бўлди. Министрлар Советининг 1961 йил 9 майдаги қарори билан Ўзбекистон Ички Ишлар Вазирлигининг архив бошқармаси, Ўзбекистон Министрлар Совети ҳузуридаги Архив бошқармаси қилиб қайта ташкил қилинди. Шу қарор асосида маҳаллий архив ташкилотлари Қорақалпоғистон АССР Министрлар совети ва вилоятлар ижроия қўмиталари ихтиёрига ўтказилиши уларни давлат аппарати тизимидаги ролини орттирди ва архив иши тараққиётида янги босқични бошлаб берди.

1960-1961 йилларда собиқ иттифоқ Бош архив бошқармаси кўрсатмасига биноан Республикада архивларни бутлаш тамойили тубдан қайта кўриб чиқилди. Ўз фаолияти натижасида илмий аҳамиятта эга ҳужжатлар вужудга келмайдиган майда, ёрдамчи ва коммунал маиший ташкилотлар (сартарошхона, ателье, ошхона, аптека, дўконлар, ҳаммомлар, таъмирлаш устaxonалари, автобуслар саройлари, меҳмонхоналар ва бошқалар)дан давлат сақловига ҳужжатлар қабул қилиш тўхтатилди.

1961 йилдан бошлаб давлат архивларининг эксперт текширув комиссия (ЭТК) лари вазифалари тубдан ўзгарди. ЭТКнинг экспертиза масаласида асосий вазифаси давлат архивларини назорат қиладиган ташкилотлар топширган доимий сақланадиган ҳужжатларнинг рўйхатини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш бўлиб қолди. Шунингдек, ЭТК 5 йилдан ортиқ сақланадиган материаллар далолатномасини ва ҳужжатларни сақлаш муддати кўрсатилган рўйхатда ЭТК белгиси бор материаллар рўйхатини муҳокама қилиб, тасдиқлайдиган бўлди. 1962 йилда 118 та туман давлат архивлари базасида 28 та туманлараро давлат архиви ташкил қилиниб, унда 3-5 тагача ишчилар ишлашар эди. 13 та узоқ туманларда эса туман давлат архивлари сақлаб қолинди.

1962 йилда Тошкентда Ўзбекистон медицина ҳужжатлари Марказий Давлат Архиви ташкил қилинди. 1960 йили ЎзССР МДА жамғармалари кўрсаткичи (путеводитель) нашр қилинди. 1964 йили ЎзССР кино, сурат, овозли ҳужжатлар МДА кўрсаткичи эълон қилинди. Бу

кўрсаткичлар тадқиқотчиларнинг архив материалларидан фойдаланишида жуда катта қулайликлар яратди. 1961 йилнинг охирида Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон архивчиларнинг яна бир мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилганлар собиқ СССР Бош архив бошлиғи Г.А Беловнинг "КПСС XXIII съезди ва СССР даги архив ташкилотларининг аҳволи" бўйича маърузасини тинглаб, муҳокама қилишди. 1960 йиллар бошида архивлар таррақиётида янги давр бошланди. Архив ташкилотларини бевосита Ўзбекистон Министрлар Советига бўйсундирилиши республикада архив ишини ривожланишига ёрдам қилган муҳим омил бўлди. Министрлар Советининг 1961 йил 9 майдаги қарори билан Ўзбекистон Ички ишлар министрлигининг архив бошқармаси Ўзбекистон Министрлар Совети ҳузуридаги Архив бошқармаси қилиб қайта ташкил қилинди. Шу қарор асосида маҳаллий архив ташкилотлари Қорақалпоғистон АССР Министрлар совети ва вилоятлар ижроия қўмиталари ихтиёрига ўтказилиши уларни давлат аппарати тизимидаги ролини орттирди ва архив иши таррақиётида янги босқични бошлаб берди.

1960-1961 йилларда собиқ иттифоқ Бош архив бошқармаси кўрсатмасига биноан республикада архивларни бутлаш тамойили тубдан қайта кўриб чиқилди. Ўз фаолияти натижасида илмий аҳамиятга эга ҳужжатлар вужудга келмайдиган майда, ёрдамчи ва коммунал маиший ташкилотлар (сартарошхона, ателье, ошхона, аптека, дўконлар, ҳаммомлар, таъмирлаш устахоналари, автобазалар, меҳмонхоналар ва бошқалар) дан давлат сақловига ҳужжатлар қабул қилиш тўхтатилди. 1961 йилдан бошлаб давлат архивларининг эксперт текширув комиссия (ЭТК) лари вазибалари тубдан ўзгарди. ЭТК нинг экспертиза масаласида асосий вазибаси давлат архивларини назорат қиладиган ташкилотлар топширган доимий сақланадиган ҳужжатларнинг рўйхати (опись) ни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш бўлиб қолди. Шунингдек, ЭТК 5 йилдан ортиқ сақланадиган материаллар далолатномасини ва ҳужжатларни сақлаш муддати кўрсатилган рўйхат (перечень) да ЭТК белгиси бор материаллар рўйхатини муҳокама қилиб, тасдиқлайдиган бўлди. 1962 йилда 118 та туман, давлат архивлари ташкил қилиниб, унда 3-5 та ишчилар ишлашар эди. 13 та узоқ туманларда туман давлат архивлари сақлаб қолинди. 1962 йилда Тошкентда Ўзбекистон медицина ҳужжатлари Марказий Давлат Архиви ташкил қилинди. 1960-йилларда республикада қуйидаги архив филиаллари очилди: Фарғона вилоятида - Марғилон (1961), Хоразмда - Янги Бозор (1963), Хива районида - Оғаҳий колхозини (1963), Хонқа посёлкасида - Хонқа (1967), Сирдарё вилоятида - Гулистон (1963), Навоийда - Навоий шаҳри (1963).

1962 йил ЎзССР Архив бошқармаси бошлиғи этиб А.А Мирзабаев тайинланди. Бу йилларда давлат архивлари архив ишини тартибга солишни назорат қилишни кучайтирдилар. Шу билан бирга уларга ёр-

дам беришга катта эътибор қаратдилар. Бу ишлар натижасида республикада 1964 йили 1809 ташкилотда, 1965 йили 1759 ташкилотда архив ҳужжатлари тартибга солинди. 1963 йил 14 октябрида ЎзССР Министрлар Совети “ЎзССР да архив ишини яхшилаш тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. Бу қарор идоравий архивлар яъни ташкилотлар архивлари ишини яхшилашда муҳим роль ўйнади. Унга кўра идора архивларини яқин 2-3 йил ичида тартибга солишни тугатиш, доимий сақланадиган ҳужжатларни давлат архивларига топшириш, архивларнинг ўзини эса, ҳужжатларни бешикаст сақлашга ярайдиган биноларга жойлаштириш ва уларни малакали кадрлар билан таъминлаш кенг йўлга қўйилди.

Давлат архивлари учун махсус бинолар ҳам қурилди. 1964 йили МДАга янги бино қурилиб фойдаланишга топширилди. 1970 йили ЎзССР кино, сурат, овозли ҳужжатлар МДАга махсус бино қуриб берилди. Лекин, вилоятларда кўп архивлар эски биноларда фаолият юритиб келар, уларда ҳужжатларни сақлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган эди. 1968 йилнинг бошида Наманган вилояти ташкил топиши муносабати билан Наманган вилояти давлат архиви ташкил қилинди. Кейинчалик Наманган вилоятида – Туйчи шаҳар посёлкаси архиви (1969) ва Чуст (1962) бўлимлари очилди.

Умуман олганда, 60-йилларнинг охирига келиб Ўзбекистон архив ишчиларининг сони 597 кишига яқин эди, шулардан 236 таси илмий ходимлардан ташкил топганди. 112 та мутахассис олий маълумотли бўлиб, шу жумладан 36 таси махсус тарихчи-архивчилар эди. 1966 йилнинг 1 январида республика бўйича назорат қилинадиган давлат архиви ташкилотлари сони 64801 тани ташкил этар эди. 1960-1962 йиллар мобайнида улардаги ҳужжатлар қайта ишланиб, шулардан 3650 таси 1964-1966 йиллар давомида қайта тикланган эди.

1956-1963 йилларда давлат архивлари томонидан 522 минг сақлов бирлигидаги, 1964-1967 йилларда 633 минг сақлов бирлигига яқин ҳужжатлар қабул қилинди. 1968 йилнинг 1 январида ЎзССР давлат архивлари ва уларнинг бўлимларидаги маълумотнома ҳужжатлар 3 млн сақлов бирлигига яқин эди, шу жумладан 150 мингдан ортиқ суратли ҳужжатлар ва 7000 та қўтида киноҳужжатлар ҳам бор эди.

**1970-80 йилларда Ўзбекистонда архив иши тарихи.** 70 йилларда давлат архивлари назорат қилаётган ташкилотларнинг идоравий архивлари ва иш юритиш хизмати бир мунча яхшиланди. 1972 йил 13 июнда Андижон вилояти ижроия қўмитаси «Вилоят давлат архивининг Қўрғонтепа филиали қошида шахсий таркиб бўйича ҳужжатларнинг туманлараро бирлашган архивини ташкил қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга асосан корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, колхозлар, совхозларнинг шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар сақланишини



таъминлаш, ҳисобга олиш, уларни жамлаш ва фуқароларга биографик маълумотномалар бериш мақсадида шахсий таркиб бўйича хўжалик ҳисобидаги Қўрғонтепа туманлараро архиви ташкил қилинган. Бу архив Қўрғонтепа, Хўжаобод туманлари ва Советобод шаҳри ташкилотлари, колхоз ва совхозлари маблағи ҳисобидан шахсий таркиб ҳужжатларини марказлаштириб сақлаш ва фойдаланиш учун тузилган. Ҳар бир ташкилот ва хўжалик шахсий таркиб бўйича ҳужжатларни марказлаштириб сақлаган хўжалик ҳисобидаги архивга маблағ ўтказиб турар, ана шу маблағ ҳисобидан архив ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи берар эди. Ижроқўм қарори билан ҳар бир йиғма жилд учун бир йилга 65 тийин миқдорда ҳақ тўлаш белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг 1973 йил 16 февралдаги “Республикада архив ишини аҳволи ва янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ижрокомлар қошида шахсий таркиб ҳужжатларини идоралараро хўжалик ҳисобидаги архивларни ташкил қилиш кенг авж олди. Яна бир қарорга кўра Архив бошқармаси ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Бош архив Бшқармасига айлантирилди, Кино, сурат, овозлиҳужжатлар МДА ва Тошкент ижроком архив бўлимлари тузилди. Ўз Бош архив яна ташкил этилган К.Ф.Фоно ҳужжатлар архивидаги штатлар сони 45 тани ташкил қилишига ва 14 (таъмирчи) реставратор, 4 та катта илмий ходим ва Қорақалпоғистон АССР давлат архиви, Хоразм вилояти учун – биттадан архившунослар штати бўлишлигига муваффақ бўлди.

1971-1975 йилларда республика давлат архивлари сақлаш учун 598019 йиғма-жилдни қабул қилдилар, 65 минг суратли ҳужжат комплекташтирилди. Лекин шуни таъкидлашимиз керакки, 70-йилларнинг ўрталарида давлат архивларининг кўпчилик қисми ноқулай шароитдаги биноларда фаолият кўрсатар эди, уч мингга яқин ташкилотлар бундай биноларга умуман эга эмас эдилар. Масалан, кўпчилик суд, прокуратура, ижтимоий-таъминот архивлари тартибсиз аҳволда эди.

1974 йил 13 декабрида ЎзССР министрлар совети “Ягона давлат тузилишида архив ишини тузиш тўғрисида”ги қарорини чиқарди. Унга кўра ташкилотлардаги ва уюшмалардаги архив ишлари йиғма жилдли архив тизимига ўтиб ишлашлари таъкидланди. 1976-1978 йилларда давлат архивлари 580021 сақлов бирлигидаги бошқарув ҳужжатларини, 7 мингга яқин шахсий таркиб ҳужжатларини, мингга илмий-техника, 2 мингга яқин турли касалликлар тарихи билан боғлиқ ҳужжатларни қабул қилдилар.

1977 йил 10 мартда “Бош архив давлат архивларини 1-3 гуруҳларга бўлиш ва тартибга солиш” ҳақида қарор қабул қилди. Янги қоидаларга кўра МДА таркибига: илмий тадқиқот ва методик ишлар, идоравий архивлари, қимматли ҳужжатларни экспертиза қилиш ва комплек-

лаштириш, маълумот қидириш тизими маълумотнома ва ҳужжатлардан илмий мақсадларда фойдаланиш, архив сақланмалари жамғармаси, шўролар даври ташкилотлари инқилобигача бўлган давр, кичик суратли нусхалар, матбуот нашрлари-бўлимлари ташкил қилинди.

1979 йилда ҳукумат қарори билан Ўзбекистон Бош архив Дирекцияси ташкил этилиб, 1980 йил сентябрида у республика Бош архив коллегияси деб, 1984 йил майида эса яна бош дирекцияга айлантирилди. Архив ҳужжатларидан фойдаланишда архив ҳужжатларидан нусха олиш ўз-ўзидан муаммоларни келтириб чиқарар, ҳужжатларни сақлаш ва қимматли архив ҳужжатларни реставрациясида ҳам қийинчиликлар мавжуд эди.

Бу масалаларни ҳал этишда Бош архив бошлиғи А.А. Мирзабаев ва унинг ўринбосари Л.Вайслар томонидан ўтказилган мажлисларда бу масалалар муҳокама қилинди. Бунинг натижасида қимматли ҳужжатлар учун суғурта жамғармалари тузилди. Бу иш Ўзбекистон Марказий Давлат Архиви, Бухоро давлат архиви, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида ҳам жадал амалга оширилди. Асосий камчилик-химикат ва микрофильми аппаратлар учун плёнкапарнинг етишмаслиги эди, яна шунингдек, прояска (ювиш) машиналарининг эҳтиёт қисмлари етишмаслигидан доимий ишлай олмаганлигидир. 1980 йилда Республикада давлат архивлари назоратидаги 8733 та ташкилотдан 3472 (40%) тасида иш юритиш бўйича йўриқнома, 85%да йиғма жилдлар номенклатураси мавжуд эди. Аммо 1976-1985 йилларда архивларида илмий тадқиқот олиб бораётганлар сони олдинги ўн йилликка қараганда бир ярим баробарга қисқарди.

Ўзбекистон архив иши қурилишидаги янги бир муҳим ҳужжат, ЎзССР министрлар совети томонидан 1986 йил 19 январидида “Республикада архив ишларини ривожлантириш” га оид қарори катта ижобий ўзгаришга сабаб бўлди. 1986 йилдан бошлаб республика давлат архивлари ташкилотларда идоровий архив ва иш юритишни ташкил қилинишини, текширишни одатда идоровий тизимлар бўйича комплекс тарзда амалга оширдилар. 1986 йилда Ўзбекистон телекўрсатувлар, радиоэвизиониришлар давлат қўмитаси тизими комплекс текширилган.

Ўз ССР Министрлар совети 1988 йил октябрь ойида “Республика архив ишларини бешқариш тизими” тўғрисида қарор қабул қилд. Шунга асосан Бош архивдан 5 кишидан иборат коллегия ва жамоатчилик кенгаши тузилди. Бир вақтнинг ўзида илмий-методик архив бўлимлари кенгаши ва республика давлат архивлари дирекцияси ҳам ишлай бошлади. Йирик архив ташкилотларида меҳнат коллективлари Совети тузилиб, лавозимлар конкурс асосида эгалланадиган бўлди.

Кадрлар тайёрлашга эътибор кучайди. Архив соҳасида хизмат қилувчи ходимларга, албатта. Ўз ССР Госплан ва республика Министр

билан Бош архив 1988 йилда шартнома имзолади. Шартномага кўра ТОШДУ ҳар йили Тарих факультетида 15 тадан битурувчи тарихчи-архивчи мутахассислар тайёрлаб бериши керак эди. 1986-1990 йилларда Ўзбекистондан 17 киши Москвадаги Тарих-Архив Институтида (МТИАИ) малака ошириш курсини тугаллашди. Бир вақтнинг ўзида Бош архив базасида 124 та республика ташкилоти архиви ходимлари стажировка ўташди. Архив ҳужжатларидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фойдаланишга катта эътибор қаратилди. 1990 йил майидан Ўз ССР министрлар совети иқтисодий реформалар ўтказиб, “Ўз ССР архив ташкилотларини хўжалик ҳисобига ўтиб ишлашларини маъқуллади”. 1991 йилнинг бошида янги хўжалик ҳисобига Ўз ССР МДА, Самарқанд Давлат архиви, Бухоро, Наманган вилоятлари Давлат архивлари, Тошкент шаҳри Давлат архивлари ўтишди. Улар пуллик хизмат кўрсатиш тизимига ўтиб, кўшимча даромадлар ола бошлашди.

Архив ташкилотларининг техник материал жиҳатидан мустаҳкамланишига ҳам эътибор берилди. Масалан: Наманган Марказий Давлат Архиви, Қашқадарё вилояти Давлат архивлари учун бинолар қурилиши бошлаб юборилди. Янги бинога Андижон вилояти филиали, Сирдарё вилояти Янгиер филиали, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз филиаллари ўтишди. 1990 йилда Фарғона вилояти Давлат архивига бино ажратиш муаммоси ижобий ҳал қилинди. 1986-1990 йилларда техникалар билан таъминлаш ишлари 63229 рубль миқдориди бажарилди. Аммо шунга қарамаддан архивлар учун бинолар (замонавий шароитга эга бўлган) қуриш ишлари оқсаб, архив ташкилотлари фаолиятида марказга тобеълик ва буйруқбозлик иллатлари кўриниб турарди. 1986-1990 йилларда 9 та режалаштирилган республика вилоят архивлари учун қуриладиган янги бинолардан фақат биттаси – Урганч шаҳрида қурилди. Жами архив қурилиши ишлари 25% дан кам ҳисобда бажарилди. Қайта қуриш йиллари муносабати билан 1991 йилнинг апрел ва ноябр ойларида бутун иттифоқ давлат архив бошқармаларининг мажлиси бўлиб ўтди. Ўз ССР дан Бош архивнинг янги раҳбари П.Н.Неъматов қатнашди. У томонидан республикага мустақил архив ҳуқуқини берилиши масаласи, Ўзбекистон халқининг қизиқишларини ҳисобга олиш масалалари кўйилди; архив соҳасида олиб борилаётган бошқа камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтди. Афсуски, Москвадаги раҳбарлар ўзларининг империк режалари асири бўлиб қолавердилар.

Эълон қилинган қайта қуриш ўз мавқеини жамият ҳаётида йўқотиб, жамият тараққиётини тўхтатишга сабаб бўлди. Амалдаги чуқур янгилашни ва ўзгаришлар Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини кўлга киритилиши билан амалда рўёбга чиқа бошлади.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Тошкентда Ўзбекистон медицина ҳужжатлари Марказий Давлат архиви қачон ташкил этилди?
2. Ўзбекистон ҳукуматининг “Республика архив ишини қайта ташкил этиш тўғрисида” ги қарорига шарҳ беринг.
3. 1960-90 йилларда Давлат архивлари назорат қилаётган ташкилотларнинг идоровий архивлари ва иш юритиш хизмати қандай эди?

##### Режа:

1. Ўзбекистон Республикасида архив иши бўйича қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши.
2. Бозор муносабатларига ўтиш даврида архив ишини ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикасида архив иши бўйича қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши. Бугун кўп миллатли халқимиз мустақил ватанимизнинг 18 йиллик қутлуғ тўйини баланд руҳ ва катта хурсандчилик билан нишонламоқда. Мустақилликка эришганимиздан сунг жамиятимизнинг барча соҳаларида, жумладан, архившунослик фанларини ривожлантириш соҳаларида ҳам кўп ўзгаришлар содир бўлишига олиб келмоқда.

Биз бугун ўтган йиллар мобайнида босиб ўтган тараққиёт йўлимизни ҳолисона баҳолар эканмиз эски мафкуравий тизим ва ғоялардан бутунлай воз кечиб, янги ҳаёт барпо этиш йўлида қўлга киритган, дунё аҳли тан олаётган юксак марра ва ютуқларимиз барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлаши табиийдир.

Мустақиллик шароитида “Ўзархив” агентлиги томонидан архив ишининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг комплекс дастурлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Бу дастурлар қуйидаги йўналишлар бўйича тузилган ва беш йилга мулжалланган: ҳужжатларни идоровий сақловини таъминлаш, уларнинг давлат ҳисоби ва илмий-маълумот аппаратини такомиллаштириш, архив ҳужжатларидан фойдаланишни жадаллаштириш.

1996 йилда “Ўзархив” агентлиги Ўзбекистон Республикасида архив ишини 2000 йилгача ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқди. Бу концепция давлат архив хизмати фаолиятининг методологик ҳаракат дастури эди. У жамиятни ва давлатни ахборот билан таъминлашдаги имкониятларини кенгайтириш, жамиятнинг ҳужжатли ёдгорликларини сақлашдаги ролини орттиришга қаратилган эди.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг “Архивлар тўғрисида” (ЎР Олий Мажлиси ахборотномаси, 1999 й. №5 (1277), 120-бет) ва “Маданий мерос объектларини қўриқлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” (ЎР Олий Мажлис ахборотномаси, 2001 й. № 940 (1305-1306) Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги “Архив ишига оид меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида” 482-сонли қарорига асосан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 февралдаги 49-сонли қарорига (ЎР ВМ СП,

2004 йил март, 474-475-бетлар) биноан ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжатларда Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди (ЎР МАФ) таркибининг таснифи, шунингдек, ҳужжатлар сақланиши тартиби ва муддатлари кўрсатилган, "Ўзархив" агентлиги тизимига кирадиган муассасалар таркиби аниқлаб берилган.

Мустақиллик йиллари давлат архив муассасалари идоравий архивлар ҳужжатлари сақловини таъминлаш, иш юритишни ташкил қилиш борасида самарали ишларни амалга оширди. Улар ўз фаолиятини 1990 йил 28-июнда "Ўзбошархив" қарори билан тасдиқланган "ДАФ ҳужжатлари идоравий сақловининг таъминлашини асосий йўналишлари (1990-1995 йиллар)нинг амалга оширишни ташкилий-методик тадбирлари режаси" асосида амалга оширдилар. Унда архив ташкилотлари Республика вазирликлари ва идоралари билан биргаликда ДАФ ҳужжатлари идоравий сақловини такомиллаштириш, улар таркибини яхшилаш, моддий техника базасини яхшилаш, уларни кадрлар билан таъминлаш, идоравий архивлар билан ишлаш бўйича меъёрий-методик қўлланмалар тайёрлаш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган эди. Бу тадбирларнинг бажарилиши муассаса, ташкилот ва корхоналар идоравий архив ҳужжатлари сақловини янада яхшилашга имкон берди.

Шаҳар ва туман ҳокимиятлари қошидаги шахсий таркиб бўйича идоралараро архивлар тармоғи бирмунча кенгайди. 1995 йилда 1990 йилга нисбатан бундай архивларнинг сони 13 тага кўпайди ва 1995 йилда уларнинг сони 91 тани ташкил қилди. Бу архивлар шахсий таркиб бўйича ҳужжатлари сақловини ва фуқароларга ижтимоий-ҳуқуқий маълумотнома беришни яхшилади.

1990-1995-йилларда давлат архивлари идоравий архивларда 115 та комплекс, 1378 та мавзу бўйича, 1705 та назорат қилиш мақсадида текшириш ўтказди. Шу билан бирга архив ташкилотлари Республика айрим идоралари тармоқларида комплекс текширувлар ўтказдилар. Масалан, 1991-1995-йилларда қуйидаги идоралар тармоқлари комплекс текширилди: Ўзбекистон Республикаси Марказий статистик қўмитаси (1991 й.), маҳаллий саноат вазирлиги (1992 й.), "Ўзсаноатфуқароқурилиш" корпорацияси (1993 й.), Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги (1994 й.), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (1995 й.) ва ҳоказолар.

Ўзбекистон давлат саноат ва фуқаролар қурилиши корпорациясининг комплекс текширилиши натижасида 31 та архив ташкилотлари назоратидаги муассасаларда 26 таси бинолар билан таъминланганлиги, улардан 20 таси стелажлар билан жиҳозланганлиги аниқланди. 31 та ташкилотдан 17 тасининг иш юритиш бўйича йуриқномаси, 58% муассасаларда йиғма-жилдлар номенклатураси бўлган.

Шунинг билан бирга, ушбу корпорация тизимидаги идоровий архивларда ҳужжатлар сақловини таъминлаш ва иш юритишни ташкил қилишда айрим камчиликлар борлиги аниқланди. Иш юритиш бўйича йуриқномалар ва йиғма-жилдилар номенклатураси барча муассаса ва корхоналарда бўлган ва жорий қилинган. Фақат 3 та муассаса штатида архив ходими бўлиб, 5 та муассасада архивга масъул шахс буйруқ билан тайинланмаган эди. Ҳужжатларни тартибга солиш, уларни давлат сақловига тайёрлаш ва топшириш етарли даражада уюштирилган эмас эди. Корпорация тизими бўйича доимий сақланадиган 5,1 минг йиғма-жилд, шахсий таркиб бўйича 9,3 минг йиғма-жилд тартибга солинмаган ва 3,2 минг муддати ўтган йиғма-жилдлар сақланмоқда эди. Кўпчилик муассасаларда доимий ишлайдиган эксперт комиссияси ташкил қилинмаган ва тўғрисида низомлар ишлаб чиқилмаган эди.

Бошқа комплекс текширилган идоралар тизимида ҳам идоровий архивларда ҳужжатлар сақлови ва иш юритишни ташкил қилиниши юқорида баён этилган тизимдагига ўхшаган ҳолатлар учратилди.

Архив ташкилотлари назоратидаги муассасаларга иш юритиш бўйича йуриқнома, йиғма-жилдлар номенклатураси, экспертиза комиссияси идоровий архив тўғрисидаги низомлар ишлаб чиқишга методик ва амалий ёрдам кўрсатдилар.

1996 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизими муассасаларида архив ҳужжатларининг идоровий сақлови ва иш юритишда ташкил этилиши аҳволи ўрганилди. Иш юритишда асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланган иш юритиш бўйича йуриқнома вазирлик тизимида мавжуд бўлган 1763 та ташкилотнинг 585 тасидаги (33%) ишлаб чиқилган. Бунинг устига бир қатор идораларда иш юритиш бўйича тузилган йуриқномаларга қўшимча аниқлик киритилиши ва архив муассасалари билан келишишни талаб қиларди.

Вазирлик тизими ташкилотларининг йиғма-жилдалар номенклатураси билан таъминланиши 65%ни ташкил қилган. Ҳолибуки, ҳужжатларни қидириш, индекслашни ўтказиш, йиғма-жилдда ижро этилган ҳужжатларни тўплашда йиғма-жилдлар номенклатураси одатдаги иш юритишда асосий ҳужжат ҳисобланади.

Идоровий архивлар тўғрисидаги низомлар ушбу тизимнинг 585 та ташкилотларида мавжуд эди. Бу 31%ни ташкил қиларди. Текширилган даврда тизимнинг давлат архивлари назоратдаги 1763 та ташкилотдагина 750 нафар иш юртиш ходими ва 107 нафар архив ходими хизмат қилган. Вазирлик тизимидаги 1333 та (75%) муассаса ва ташкилотлар архив учун ажаратилган хоналарга эга бўлган, қолган 25% идораларда эса архив ҳужжатлари дуч келган жойларда ётган. Тизим бўйича архив муассасалари назоратидаги 1763 та муассасанинг 838 тасида эксперт комиссияси тузилган, шулардан 554 таси ўзининг низомига эга бўлган.

Тизим муассасаларида тегишли давлат архивларига топширилиши лозим бўлган 78-164 йиғма-жилддан иборат ҳужжатлар белгиланган муддатдан ортиқ сақланаётган эди. Қишлоқ ҳўжалиги муассасаларининг идоравий архивларида доимий сақланиши молик 157610 йиғма-жилд сақланаётган бўлиб қарийб 38 минггаси тартибга келтирилмаган. Архив ташкилотларининг ҳаракати туфайли 1995 йилда республика бўйича 61,5% идоравий архивлар ҳўжатлар сақлайдиган жойлар билан, 67,7% давлат архивлари назорат қиладиган муассасалар йиғма-жилдлар номенклатураси билан таъминланганлиги маълум бўлди.

Давлат архивларида сақланиши лозим бўлган ҳўжатлар сақловини таъминлашнинг ишончли ғарови бу идоравий архивларда сақланаётган ҳўжатли материалларни тартибга солиш ва уларни давлат архивларга қабул қилиш ҳисобланади. Лекин 1996 йил 1 январда идоравий архивларда 1 миллиондан ортиқ доимий муддатда сақланадиган ва 0,5 миллионга яқин идоравий архивда сақлаш муддати тугаган, яъни давлат архивига қабул қилинадиган ҳўжатлар сақланарди. Давлат архивларида бўш жой бўлмаганлиги учун идоравий архивлардаги ҳўжатларни қабул қилиш имконияти бўлмаган.

Давлат архив фонди ҳўжатлари сақловини таъминлашнинг жиддий муаммоси давлат ва идоравий архивларда ҳўжатлар сақлайдиган жойларнинг етишмаслиги эди. 1996 йил 1 январда Республикада фақат 9 та давлат архивлари учун қурилган бино мавжуд бўлган. 68 та давлат архивларининг бинолари ҳўжатлар сақлаш учун мослаштирилган бинолар бўлиб, уларни қўпчилиги ҳўжатлар билан тўлган ва идоравий архивлардан давлат сақлови учун ҳўжатлар қабул қила олмас эди. Архивларнинг режали бутлашни таъминлаш учун Республика бўйича 1,5 миллиондан ортиқ йиғма-жилдлар сақланадиган жойлар қуриб фойдаланишга топшириш лозим эди.

Республика давлат архивларида ҳўжатли ахборотлар билан таъминлаш учун ЎзР Миллий архив фонди (МАФ) таркиби ва мазмуни тўғрисида илимий-маълумот аппарати (ИМА) барпо қилинди. Давлат архивларининг ИМА таркибига қуйидаги маълумотномалар киради: 1) Архив рўйхати (опись); 2) Архив бўйича кўрсаткич (Путеводитель); 3) Вилоят архиви бўйича қисқача маълумотнома; 4) фондлар каталоги; 5) Тизимли, исмли, мавзули каталоглар; 6) Фондлар ва мавзулар бўйича шарҳлар. Вилоят Давлат архивлари филиалларида фондлар каталоги ва рўйхатлар, Вилоят Давлат архивларида булардан ташқари, архив фондлари бўйича қисқача маълумотнома ва тизимли каталог. Марказий Давлат архивларида ИМА нинг барча турлари албатта бўлиши керак. Айрим архивлар доирасидаги ИМА дан ташқари республика ва вилоят доирасида ҳам ИМА бўлади. "Ўз Архив" агентлигида республика фондлар каталоги, архив иши ҳудудий бошқармаларида фондлар каталоги



бор. Бу барча маълумотномалар тарихчилар, тадқиқотчилар учун очикдир. Улар тадқиқотчиларга ЎзР МАФ таркиби ва мазмуни ҳақида зарур бўлган маълумотлар беради.

Мустақил Ўзбекистон шароитида архив ташкилотлари ИМАни такомиллаштириш бўйича комплекс дастурни амалга оширдилар. “1989 – 1995 йилларда ДАФ ҳужжатларининг давлат ҳисоби ва ИМАни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси архив муассасаларининг ташкилий – методик режаси” ни бажара бориб, архив ташкилотлари архив ҳужжатлари ИМА ни такомиллаштиришда маълум даражада ютуқларга эришди.

1989-1995 йилларда 404368 йиғма-жилдлардан иборат архив рўхатлари такомиллаштирилди ва қайта ишланди. Уларни такомиллаштириш жараёнида йиғма-жилдлар сарлавҳалари таҳрир қилинди, рўйхатларга мундарижа, кириш сўзи ва кўрсаткичлар тузилди. 152 минг бошқарув ҳужжатлари йиғма-жилдлари, 6 минг илмий-техник ҳужжатлар йиғма-жилдлари, 227 кино ҳужжатлар сақлов бирлиги, 49 минг фото ҳужжатлар ва 4,1 минг фотофоно ҳужжатлар сақлов бирлиги каталоглаштирилди. Мавзулар бўйича каталоглар учун 375 минг карточка тузилди ва каталогларга қўшилди. Далват архивлари фондлар таркиби ва мазмуни ҳақида 5 та маълумотнома чоп этдилар, жумладан Ўзбекистон Республикаси кино-фото-фоноҳужжатлари марказий давлат архивининг кўрсаткичи, Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий Давлат Архивининг кўрсаткичи ва ҳ. к.

Мустақиллик туфайли республикамиз халқимиз тарихига қизиқиш кескин ортди. Шу муносабат билан давлат архивларининг халқнинг архив ҳужжатларига бўлган талабини қондиришга қаратилагн ахборот фаолияти аҳамияти ўсмоқда. Ўзбекистон архив ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан яна бири тарихий ҳужжатларни эълон қилиш ҳисобланади. Лекин, бозор муносабатлари шароитида архив ташкилотлари нашриёт базаси, қоғоз ва маблағ йўқлиги туфайли ҳужжатлар тўпламлари чоп этиш имконияти бўлмади. Тарих ихтисослигидаги манфаатдор ташкилотларни, шунингдек, спонсорларни қидириш борасидаги уринишлар муваффақият билан тугалланмади. Архив ташкилотларининг илмий-тадқиқот ишлари ҳам шу аҳволда қолди.

**Бозор муносабатларига ўтиш даврида архив ишини ташкил қилиш.** Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодий ислохотлар жараёнида архив ташкилотларида ҳўжалик юритишнинг иқтисодий усулларини жорий қилиш ва ривожлантириш юз бермоқда. Республика архив ишини ривожлантириш фондининг асосий қисмини бундан кейин ҳам давлат бюджети маблағлари ташкил этади.

Шунинг билан бирга, янгича ҳўжалик юритиш усулига ўтиш архивларга ташкилот ва корхоналар, жамият ва кооператив, ижодий муас-

сасалар ҳамда аҳолига шартнома асосида пулли хизмат кўрсатишни кенгайтириш ҳисобига бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаларининг топиш имкониятини берди.

Давлат архивларини шартнома асосида бажарадиган пуллик хизмат ишлари турлари куйидагилардан иборат:

1. Вазирлик, идора ва бошқаларга йиғма-жилдлар номенклатурасини ишлаб чиқишда, иш юритишни ташкил қилишда методик ва амалий ёрдам кўрсатиш.

2. ҳужжатларни танлаб олиш ва тартибга солиш, жумладан шахсий архивларда ҳам шундай ишлар амалга оширилиши мумкин.

3. Мавзули сўровларни, шунингдек мулкдорлик ҳуқуқи тўғрисида, сулолавий хусусдаги сўровларни бажариш.

4. Ташкилотларни ахборот билан таъминлаш.

5. Ўқув юртлари, ижодий муассасалар ва бошқа ташкилотлар буюртмаси билан ҳужжатлар тўпламлари, ҳужжатлар кўргазмалари, экскурсиялар тайёрлаш.

Давлат архивлари раҳбарлари иш ҳақи жамғармасидан иқтисод қилинган, пуллик хизмат ва шартнома асосида тоғилган қўшимча даромадлар асосида хизматчиларни иқтисодий рағбатлантириш (ойликка қўшимча ҳақ қўшиб бериш, мукофотлаш) ҳуқуқига эга бўлдилар. 1999 йилда республика архив ташкилотлари пуллик хизмат ҳисобига 47,5 миллион сўм даромад қилдилар. Архив ташкилотлари пулли хизматдан олинган даромаддан хизматчиларни мукофотлаш, уларга қимматли совғалар тақдим этиш ва соғломлаштириш тадбирларини амалга оширдилар.

Мустақиллик шароитида архив ишини бошқарув давлат органи - Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги ҳисобланади. Унинг тизимига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий бошқармалари, уларнинг қарамоғидаги давлат архивлари (уларнинг филиаллари) ҳамда марказий давлат архивлари киради. Юқорида қайд этилган архив ташкилотларига архивларни бутлаш, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳисобланган республика халқларининг ўтмиш тарихи тўғрисидаги ҳужжатли ёдгорликларни жамият ва фуқаролар манфаати учун сақлаш ва фойдаланиш каби давлат мажбуриятлари юкланган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида 80 дан ортиқ давлат архивлари бўлиб, уларда 6 млн. йиғма-жилдлардан зиёд ҳужжатлар асраб-авайлаб сақланмоқда. Бу ҳужжатлардан тарихчилар, тадқиқотчилар, талабалар ва бошқа мутахассислар илмий, маданий-маърифий ишларда кенг фойдаланмоқда. Бугунги кунда республикамизнинг барча Давлат архивлари "Ўзбекистон Республикаси давлат архивларининг асосий иш Қоидалари" га амал қилишлари шарт.

Илмий-техникавий, кино, сурат ва овозли ҳамда бошқа махсус ҳужжатларни сақлайдиган давлат архивлари мазкур Қоидалардан режалаштириш, илмий-тадқиқот ва услубий ишларни ташкил этиш, ҳужжатлардан фойдаланиш, идоровий архивларни назорат қилиш масалалари бўйича фойдаланишлари мумкин. Бошқа масалаларда улар учун ишлаб чиқилган махсус қоидаларга амал қиладилар.

Мазкур Қоидалардан Ўзбекистон Республикаси Миллий Архив Фонди ҳужжатларининг ўзлари доимий сақланувини амалга ошираётган вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа республика идоралари ҳамда соҳавий давлат фондлари архивлари ишида фойдаланиш мумкин. Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг мутахассислари томонидан ишлаб чиқилиб, “Ўзархив” агентлигининг илмий-тадқиқот ва услубий ишлар бўйича комиссияси маъқуллаган.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Собиқ Иттифоқ парчаланишининг мустақил Ўзбекистон архив ишига таъсирини ёритинг.
2. Мустақиллик йилларидаги давлат ва нодавлат фондларининг ташкил этилишини таҳлил қилинг.
3. “Ўзархив” агентлигининг республика архив ишини янада ривожлантириш соҳасидаги фаолиятини изоҳланг.

**РЕЖА:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви тарихи ва унинг асосий жамғармалари.
2. Ҳуқуқ хоналари иши.
3. Ўз РМДА томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва фуқароларни қабул қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви тарихи ва унинг асосий жамғармалари. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎЗР МДА) республика аҳамиятидаги ташкилот ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлигига бўйсунди. Архив Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этилади ва тугатилади.

ЎЗР МДА ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги йўриқномалари, қоидалари ва кўрсатмаларига амал қилади.

ЎЗР МДА ўз фаолиятини архив дирекцияси ишининг ва архив ривожлантириш режалари асосида амалга оширади.

Архивнинг асосий вазифалари:

- архив йўналиши бўйича ҳужжатлар билан жамлаш;
- архивнинг ҳисобга олиш тизими ва илмий-маълумот аппаратини ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- архивда сақланаётган Ўзбекистон Республикаси Миллий архив жамғармаси ҳужжатлари сақловини таъминлаш;
- архивнинг ахборот базасини кенгайтириш;
- ҳужжатлардан ҳар томонлама фойдаланиш ва уларни нашр қилишни ташкил этиш;
- архившунослик, ҳужжатшунослик, археография соҳаларида илмий-тадқиқот ишлар олиб бориш;
- ўз йўналиш бўйича ҳужжатлар билан ишлашда илмий-услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш.

Архив 1958 йили ЎзССР Марказий давлат тарих архиви ҳамда ЎзССР октябрь инқилоби ва социалистик қурилиш Марказий Давлат Архивининг (1931 йилда ташкил топган) қўшилиши натижасида ташкил топди. 1991 йилдан эса Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви деб номланади. Архивда миллий бўлинишга қадар Туркманис-

тон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг бир қисми кирган Туркистон тарихига оид ҳамда Ўзбекистон тарихини акс эттирувчи ҳужжатлар сақланади. Ҳарбий губернатор ва Туркистон вилояти кўшинлар қўмондони ҳамда марказий вилоят маҳаллий аҳолисини бошқарувчисининг Туркистон генерал-губернаторлиги шаклланишидан аввалги даврга тааллуқли бўлган даврга қарашли (1865-1868 йиллар) жамғармаларида маъмурий тузилма ва аҳолини бошқариш, Туркистон вилояти ҳақида маълумотлар бор.

Туркистон генерал-губернатори девонхонаси, Туркистон генерал губернаторига қарашли дипломатик амалдори, Бухородаги Россия сиёсий агентлиги жамғармаларида Россиянинг Ғарбий Хитой, Афғонистон, Бухоро, Хива, Эрон билан бўлган дипломатик ва иқтисодий алоқалари ҳақидаги материаллари тўпланган. Туркистон генерал-губернаторининг Ўрта Осиё ҳокимиятлари билан тузилган шартномалари, Ўрта Осиёнинг Россияга бириктирилиши тарихи тўғрисида, Рус кўшинлари Ғулжа туманини эгаллаши (1871 йил) ва уни Хитойга (1881 йил) қайтарилиши, Помир туманини Россияга бириктирилиши (1895 йил), Туркистонга кўшни бўлган давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётига оид ҳужжатлар мавжуд. Ҳужжатлар Туркистон Ўлкасининг маъмурий тузилиши, унинг алоҳида минтақаларини таърифлайди, шаҳарлар тузилиши ва шаҳар низомини киритилиши, мадраса ва масжидларнинг ҳолати ва сочи ҳақида гувоҳлик беради.

Туркистон генерал-губернатори девонхонаси, Туркистон туман кўриқлаш бўлими, вилоят бошқаруви, уезд бошлиқлари, маҳкама органлари ҳужжатлари ва бошқа жамғармаларда Ўрта Осиё халқларининг миллий-озодлик курашлари акс эттирилган. Ҳужжатларда Фарғонадаги кўзғолон (1885 йил), Бухородаги ғалаён (1910 йил), Туркистон ўлкасидаги кўзғолонлар тўғрисидаги маълумотлар бор.

Туркистон ўлкаси молиявий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодий-ҳўжалик муассасалари, ташкилотлари ва корхоналари, Туркистон генерал-губернатори девонхонаси жамғармалари ҳужжатларида акс эттирилган. Тоғ-кон қазиб олиш, пахта қайта ишлаш саноати, саноат корхоналарини, темир йўлларини барпо этиш, ривожланиши ҳақидаги маълумотлар, пахтани қайта ишлаш, ҳарид қилиш ва сотиш, савдо-саноат ва Туркистон ўлкаси давлат мулки ва деҳқончилик бошқармаси ҳужжатларида мавжуд.

Ҳужжатлар деҳқончилик, ердан фойдаланиш масалалари, вақф масалаларини ҳал этиш, пахта ва бошқа техник ўсимликларни етиштириш, боғдорчиликни, пиллачилик, узумчилик, тамакичиликни ривожлантириш масалаларини ёритиши, экин ва турли бошоқли экинлар ҳосилдорлиги, халқаро ва Россия кўргазмаларида намойиш этиш ҳақида маълумотларга эга. Суғориш иншоотларини барпо этиш ва уларни

ўзгартириш, яъни ерларга сув чиқариш, ўрмонзорлар яратиш ва қум тўсиш ишлари ҳақида, закот, мирабон ва бошқа солиқлар ҳақида маълумотлар Туркистон генерал-губернатори девонхонаси, деҳқончилик ва давлат мулки бошқаруви жамғармалари ҳужжатларида акс топган.

Туркистоннинг маданий ҳаёти ўқув ва маданий-ёритиш илмий экспедиция ва тадқиқотчилар ҳақидаги ҳисоботлар ва ёзишмалар, Россия жўғрофия жамиятининг Туркистон бўлими, кутубхонаси, музейлар археолог, изланиш ва тарихий ёдгорликларни сақлаш ишлари ҳақида, шунингдек илмий жамиятлар кенгашларида сўзлаган маърузаларнинг қўлёзмалари, олимлари хатлари сақланган.

Вилоят бошқаруви жамғармаларида вабо, ўлат, чечак касаллиги эпидемияларига қарши кураш ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Хива хонлигининг девонхонаси (1874-1917 йил) ва Бухоро амирининг Қушбеги Архиви жамғармалари Бухоро ва Хива хонлиқларининг сиёсий ва иқтисодий ҳолатини, маҳаллий аҳолининг таркиби ва мулкчилигини, беклар ва мусулмон дини лешволарини, Ўрта Осиё халқининг маданияти, урф ва одатларини таърифлайди. 1917 йил февралдан октябргача бўлган даврдаги Вақтли ҳукуматнинг сиёсатини таърифловчи ҳужжатлар Туркистон кўмитаси Вақтли ҳукумат, ишчи ва солдат депутатларининг Ўлка совети жамғармаларида мужассамлашган.

Марказий ижроия кўмитаси (МИК), Халқ Комиссарлари совети (ХКС) ва Туркистон АССР халқ комиссариатлари жамғармаларидаги ҳужжатларида Совет ҳукуматининг ўрнатилиши ва унинг ҳўжалик ва маданий қурилишдаги фаолиятини акс эттирувчи ҳодиса ва воқеалар ёритиб берилган.

Шунингдек, Туркистон Республикаси деб эълон қилиниши, ишлаб чиқариш корхоналарини, маҳаллий бойларнинг ерларини миллийлаштириш, ишлаб чиқаришга ишчилар назоратини жорий этиш, фронтлардаги аҳвол ҳақида тезкор маълумотлар, миллий озодлик ҳаракатларига қарши қилинган операциялар ҳақидаги ҳужжатлар ҳам бор. 1924 йилда Ўрта Осиёда миллий-худудий чегаралаш ишларини ўтказишга таъриғарлик Ўзбекистон ва Туркманистон ССР, Тожикистон АССР, Қирғизистон автоном вилоятини ташкил топиш ва совет Ўзбекистон тарихининг кейинги даврига оид воқеалар ҳақидаги ҳужжатлар Туркистон Марказий ижроия кўмитаси (ТурМИК), ЎзССР Марказий ижроия кўмитаси ва халқ комиссарлари Совети (МИК ва ХКС ЎзССР) жамғармаларида мавжуд. Шунингдек, Ўзбекистон Марказий ижроия кўмитасининг биринчи раиси Й. Охунбобоевнинг фаолияти ҳақидаги ҳужжатлар ҳам бор. Архивда Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларининг марказий ва маҳаллий ташкилотларининг ҳужжатлари сақланади (1920-1924 йиллар). Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон халқ ҳўжалигининг ривожланиши массалари ҳақидаги ҳужжатлар халқ ҳўжалиги марказий кенгаши, иқтисо-

дий кенгаш, Давлат режаси, Туркистон АССР халқ хўжалиги идоралари, ЎзССР Давлат режаси, Ўрта Осиё иқтисод кенгаши ва Ўрта Осиё давлат режаси жамғармаларида мужассамланган. Оғир машинасозлик, кон қазииш, пахта тозалаш, енгил, озиқ-овқат ва бошқа саноат тармоқларининг шаклланиши ва ривожланиши, иккинчи жаҳон уруши, урушдан кейинги давр ҳақидаги маълумотлар саноат ва корхоналар жамғармаларида мавжуд.

Қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш 1925-1926 йиллардаги ер-сув ислохотини ўтказилиши, Қўшчи бирлашмасини ташкил топиши, қишлоқ хўжалигини қайта тузилиши, пахтачилик, ипакчилик, ўрмон хўжалиги, сув хўжалиги, чорвачилик, сув иншоотларининг ривожланиши ҳақидаги маълумотлар ер масалалари бўйича халқ кўмитаси ва унинг бошқарма ва бўлимлари жамғармалари ҳужжатларида аксини топган. Қўриқ ерни ўзлаштириш ва суғориш бош режаси ҳам сақланган. Ҳужжатларда йиғим-терим ва пахта тайёрлаш мавсуми, агрономлик тармоқларини ташкил қилиш, қишлоқ хўжалик зараркуналдарига қарши кураш, тупроқни ўрганиш тадқиқотлари, мелиорация ва гидротехника ишлари, жамоа хўжалиги фаолиятини ташкил қилиш, МТСлар ҳақида маълумотлар бор.

Ўрта Осиё республикалари ҳудудида давлат ва кооператив савдо-ни бошқариш ҳақида, қўшни давлатлар билан савдо-сотиқ ишлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа товарлар билан халқни таъминлаш, Ўрта Осиё республикаларининг Ўрта Осиё ва бутун иттифоқ ярмаркаларида иштирок этиши, хунармандчилик ва истеъмолчилик кооперациялари ҳақидаги ҳужжатлар, савдо муассасалари, кооператив ташкилотлар, акционерлик жамиятлари, тўғрисида маълумотлар божхона жамғармаларида мавжуд. Маданий курилиш, илм-фанни шаклланиши ва ривожланиши, халқ таълимини ташкил қилиш, илмий муассасалар тармоғи, болалар турмушини яхшилаш масалалари, соғлиқни сақлаш ҳақидаги маълумотлар Маданият Вазирлиги, маориф, соғлиқни сақлаш ва уларнинг муассасалари жамғармаларида ёритилган.

Нашриёт ва нашриёт ишлари, адабиёт ва санъатнинг ривожланиши ҳақидаги маълумотлар Маданият вазирлиги, нашриёт таҳририятлари, ижодий уюшмалар жамғармаларида мавжуд. Ўрта Осиёда ҳуқуқ меъёрларини ўрнатиш, мусулмон халқ судларини тузиш ҳақидаги маълумотлар суд прокуратура органлари жамғармалари ҳужжатларида акс эттирилган. Касаба уюшмалари ва жамоа ташкилотларининг фаолиятлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнаткашларни соғломлаштириш ва бошқа масалалар бўйича маълумотлар Туркистон бюро ВЦСПС, Ўзбекистон касаба уюшмаси, марказий, республика ва

маҳаллий касаба уюшмаси кўмиталари, Марказий ихтиёрий жамиятлар кўмиталари жамғармаларида ёритилган.

Архивда шахсий келиб чиқиш жамғармалари ҳам мавжуд. Улар орасида: П.А.Кобозев (Туркистон Марказий ижроия кўмитасининг раиси) ва Д.И. Манжура (ТурМИК раис ўринбосари); фан арбобларидан: кишлоқ хўжалик фанлар доктори, профессор А.И. Белов, ЎзССР фанлар академияси президенти Ҳ.М. Абдуллаев; адабиёт ва санъат намоёндаларидан – ёзувчилар Д.М.Абдуллаханов, С.Абдуқаҳҳоров, А.В. Алма-тинская, ЎзССР халқ рассоми Л.А.Абдуллаев, археолог Я.Г.Гулямов, академик-этнограф К.Ш.Шониезов, академик-шарқшунос С.А. Азимжонова, тарихчи А.Каримов, рассом Ж.Хасанова, техника фанлари доктори, самолётсоз Х.Г.Саримсоқов, ёзувчи-таржимон Г.А.Жаҳонгиров, селекционер олим С.Н. Алимухамедов ва бошқаларнинг шахсий жамғармалари бор.

**Ўқув хоналари иши.** Барча фойдаланувчилар архив ҳужжатларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга. Ўқув хоналарига қатнаганлиги, архив ҳужжатларидан фойдаланганлиги учун ҳақ олинмайди.

Илмий-тадқиқот муассасаларининг режаларига мувофиқ илмий иш олиб бораётган ёки хизмат топширигини бажараётган фойдаланувчилар ўзларини юборган ташкилотларнинг хатларини тақдим этадилар.

Шахсий ташаббуси билан тадқиқот олиб бораётган фойдаланувчилар ўқув хоналарига шахсий аризалари асосида қўйилади. Хатларда ёки шахсий аризаларда фойдаланувчиларнинг фамилия, исми, отасининг исми, лавозими, маълумоти, илмий даражаси, унвони, тадқиқот мавзуси хронологик доираси, мақсади кўрсатилади.

Ўқув хонада ишлаш учун рухсат архивлар раҳбарияти томонидан фойдаланувчиларга зарур бўлган муддатга, одатда расмийлаштириш кунидан бошлаб 1 йилга берилади. Зарурат туғилган тақдирда муддатини узайтириш масаласи архив раҳбарияти билан келишиб олинади. 16 ёшга етмаган шахслар ҳужжатлар билан ишлашга қўйилмайди. Ўқув хоналарига рухсатномаларни расмийлаштириш фойдаланувчи шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этган тақдирда амалга оширилади.

**Ўз РМДА томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва фуқароларни қабул қилиш.** Ўз РМДА ҳужжатларни нашр қилиш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар билан алоқа ўрнатади, бу ташкилотларга республика давлат архиви ҳужжатларидан илмий, амалий, ижтимоий-маданий ва бошқа мақсадларда фойдаланиш бўйича маълумотлар етказиб беради.

Бундан ташқари ЎзР МДА ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг давлат архиви ҳужжатлари бўйича тематик сўровларига жавоб беради; давлат архивида мавжуд ҳужжатларни тематик гуруҳларга ажратади; ташкилот ва муассасаларнинг ташаббусларига кўра архив ҳужжатлари



бўйича кўргазмалар, экскурсиялар ўтказади. ЎзР МДА ўрта таълим муассасаларига ҳам хизматлар кўрсатади, яъни архив ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда мактабларда дарслар уюштиради. ЎзР МДА шартнома асосида архив йўналишлари бўйича пуллик хизматларини таклиф қилади. Фуқароларни қабул қилиш ишини ҳужжатлардан фойдаланиш ва нашр этиш бўлими ташкил қилади, у ижтимоий-ҳуқуқий сўровларни бажаради ва фуқароларни қабул қилади. Шунинг учун фойдаланувчи томонидан сўров варақаси тўлдирилади, унда кўрсатилади: фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, иш жойи (ташкilotнинг тўғри номи), у ёки бу ташкilotда ишлаган вақти, мурожаат қилувчининг манзили ва унинг телефони. Фуқароларнинг сўровларини бажариш муддати - 1 ой.

Алоқа учун маълумотлар: 100043, Тошкент ш., Чилонзор кўчаси, 2  
Tel: 277-04-80 E-mail: urfbxmda@mail.uz

### **Савол ва топшириқлар:**

1. ЎзРМДА нинг тузилиши, вазифалари ва фаолияти нимадан иборат?
2. Архив фондларини шарҳланг.
3. ЎзРМДАдаги Туркистон генерал-губернаторлиги Девони ҳужжатлари тарихий манба сифатида.

**6-Мавзу: Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли хужжатлар ва Илмий-техникавий ва тиббиёт хужжатлари Марказий Давлат архивлари**

**РЕЖА:**

1. Ўзбекистонда кино, сурат ва овозли хужжатлар Марказий Давлат архивининг ташкил топиши ва асосий жамғармалари.
2. Архив хизматлари.
3. Ўзбекистонда Илмий-техникавий ва тиббиёт хужжатлари Марказий Давлат архиви ва асосий жамғармалари.

Ўзбекистонда кино, сурат ва овозли хужжатлар Марказий Давлат архивининг ташкил топиши ва асосий жамғармалари. 1943 йилда ташкил топган. 1959 йилда Ўзбекистон ССР Марказий давлат архивининг кино, сурат, овозли хужжатлар бўлими этиб қайта ташкил этилган. 1974 йилдан Ўзбекистон ССР кино, сурат, овозли хужжатлар Марказий давлат архиви, 1991 йил сентябрдан Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли хужжатлар Марказий Давлат Архиви деб номланган.

Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли хужжатлар Марказий Давлат Архиви - Урта Осиёдаги энг йирик ва Ўзбекистондаги ягона, махсус хужжатлар сақлови учун ихтисослашган архивдир. ЎзР КСОҲ МДА Ўзбекистон Республикасида ўз соҳасига тегишли бўлган махсус хужжатлар билан ишлашда илмий-услубий марказ ҳисобланади.

Архивда Ўзбекистон ва Туркистон ўлкасининг XIX асрнинг 60-йилларидан то ҳозирги вақтгача бўлган даврларга оид тарихни ўзида акс эттирган ноёб хужжатлар йиғилган.

Мустамлака давр суратли хужжатларида Туркистон ўлкасидаги миллий-озодлик ва инқилобий ҳаракат (1898, 1905-1907 йиллар) кўри-нишларини, чор Россияси маъмурлари томонидан ўлканинг бошқаруви, уларнинг маҳаллий ҳокимият билан муносабатлари, суд органлари фаолияти, Қўқон хони ва Бухоро амирининг халқаро муносабатлари ва алоқалари, мусулмонлар дини ва турмуш тарзи тасвирланган.

Суратли хужжатларда саноатнинг ривожланиши (темир йўл кўприklarининг қурилиши, суғориш каналлари, тери ва ёғ заводларининг ишлаб чиқариш фаолияти, тўқимачилик, ипакчилик фабрикалари, гилам тўқиш хунармандчилиги, қишлоқ хўжалик инвентари, кўмир саноати ва бошқалар) қишлоқ хўжалик (содда меҳнат қуроллари, ерни омов билан хайдаш, кўл билан пахта териш ва бошқалар), транспорт ва алоқалар (вокзал биноларининг кўринишлари; Тошкент темир йўли, Тошкентда Туркистон почта-телеграф хизматчиларининг X ўлка сезъди

1917 йил); савдо-сотик (газлама сотув дўкончалари, дўппилар, сопол идишлар, Самарқанддаги Регистон майдонидаги сотув расталари; Андижон, Бухородаги бозорларнинг умумий кўринишлари ва бошқалар) тасвирланган. Суръатлар ўзида ўлкадаги соғлиқни сақлаш, маориф ва фанни ривожланиши; Туркистон илмий-текшириш комиссиясининг ишлари, Самарқанддаги Улуғбек обсерваторияси қазилмалари, мусулмон мактабларидаги дарслар, мактабдаги урф-одатлар, касалларни эскича даволаш усул ("ўқиб дам солиш")лари, кўча музикачиларининг чиқишлари ва бошқаларни акс эттирган.

Шўролар даври кино, сурат ва овозли ҳужжатларида ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шўро ҳукуматининг ўрнатилиши, Бухоро халқ Совет Республикаси, Хоразм халқ Совет Республикаси, Туркистон АССР, Ўзбекистон ССР даги давлат ҳукумати, ушбу республикалар жамоат ташкилотларининг фаолияти, халқ ҳўжалиги, фан-техника, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият ва санъат, спорт, хизматчиларнинг дам олиши, шунингдек бу республикалар вакиллари ва чет давлат сиёсий жамоат арбобларининг юқори партия органлари фаолиятида иштирок этиши, фан ва маданият арбобларининг Ўзбекистонга ташрифлари ва ўз вакилларининг бошқа республикаларга сафарларини ўзида акс эттирган.

Бадий овозли ҳужжатлар Ўзбекистон, Совет ва чет эл композиторлари асарлари, халқ мусиқалари, шеърӣ, насрий ва драматик асарлар, таниқли кўшиқчиларнинг чиқишлари, халқ ижрочилари, республика мусиқа коллективлари, жумладан Тамарахоним, Ф. Баратова, М. Турғунбоева, Н. Аҳмедова, Т. Қодиров, М. Узоқов, Ю. Ражабий ва бошқа овозли ёзувлардан иборат.

Шунингдек, Ўзбекистонда хотин-қизлар озодлиги учун ҳаракати (Хужум): хотин-қизларни паранжини бутунлай йўқ қилишга қаратилган митинг ва йиғилишлари, Республика аёлларининг съезд ва слётлари, саводсизликка барҳам беришга қаратилган кино, суратлар ҳам мавжуд.

Архивнинг кино ва сурат ҳужжатлари 2-жаҳон уруши давридаги республика ҳаётини, кўп миллатли Ўзбекистон халқининг фронтдаги қахрамонлиги, фронт орқасида ўзбек халқининг етим болаларни асраб олиш, мамлакатга завод ва фабрикаларни эвакуация қилиниши, меҳнаткашларнинг митинглари, фронтга кўнгиллиларни қузатиш ва бошқаларни кўриш мумкин.

Архивда урушдан кейинги даврларда республика халқ ҳўжалиги тармоқлари энергетика, ёқилғи саноати, металлургия, машинасозлик, станоксозлик, асбобсозлик саноати ва бошқалар, транспорт ва алоқанинг ривожланиши; Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалигининг ривожланиши (қишлоқ ҳўжалиги илғорлари ва ишчиларининг съезд ва Қурилтойлари), Қуриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, қишлоқ ҳўжалигини механизация-

лаштириш ва коллективлаштириш, пахтачилик ва чорвачиликни ривожлантириш) ўзида тасвирланган кино, сурат ҳужжатлар мавжуд. Ушбу кино, сурат ҳужжатлар маданият қурилиши, фан, соғлиқни сақлаш, санъат, физкультура ва спорт ривожланиши ҳақида ҳам тушунча беради.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик даври кино, сурат ва овозли ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши, демократик жамият қурилиши, давлат бошқарувининг янги тизimini вужудга келиши, марказий органлари фаолиятининг мақсад ва вазифаларининг ўзгариши, банк тизимининг қайта ташкил этилиши, жаҳон томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тан олинниши, чет эл мамлакатлари билан дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши, кўп партиявийликнинг ва жамоат ҳаракатининг вужудга келиши, бозор иқтисодиёти, тадбиркорликнинг ривожланиши, янги маънавий дунёқарашнинг вужудга келишини ўзида акс эттирган.

Архивнинг кино ҳужжатлари М. Қаюмов, Д. Салимов, Ш. Зоҳидов, И. Гибалевич каби ва кўпгина бошқа ҳужжатли кино усталари ишлари билан таништиради. ЎзР КСОҲ МДАда ирригатор П.М. Килдюшовнинг, Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси фахрий ишчиси М. Юсуповнинг, Тошкент Давлат Университети биология-тупроқшунослик факультети профессори И.А. Райкованинг; республикамизнинг спорт фахрийлари Л. Иванова ва Ф.Р. Семернинларнинг, "Ташкентские мальчишки" китоб муаллифи, журналист Л. Бережнихнинг, республикамизнинг марказий рўзнома ва ойномалари сураткаш мухбирлари М.З. Пенсон, И.Н. Панов, А.П. Штейнберг, У. Нурумбаев, Е. Рясасов, М.Я. Розанкранс ва бошқаларнинг суратли ҳужжатлар коллекциялари (тўпламлари) сақланади.

**Архив хизматлари.** ЎзР КСОҲ МДАда қуйидаги хизматлар малга оширилади:

- архивда сақланаётган кино, сурат ва овозли ҳужжатлар ҳақида маълумот бериш;
- тадқиқотчилар ўрганиши ва иши учун кино, сурат ва овозли ҳужжатларни тақдим этиш;
- кино ҳужжатларни видео тасмага кўчириб бериш;
- сурат ва овозли ҳужжатлар нусхаларини тайёрлаш;
- суратли кўргазма ва стендларни ташкил этиш;
- мавзули сўровларни ижро этиш;
- суратли альбомлар тайёрлаш;
- архив буйича умумий ва мавзули экскурсияларни ташкил этиш.

Кўрсатилган хизматлар юридик ва жисмоний шахсларнинг ёзма сўровномалари асосида амалга оширилади. Архивнинг кино, сурат ва овозли ҳужжатлари фақат архив раҳбари рухсати орқали тақдим

этилади. Рухсат бериладиган муддат иш мавзуси бўйича белгиланади. Тадқиқотчиларни кино, сурат ва овозли ҳужжатлар билан ишлаши архивнинг кино зали, каталог ва овозли ҳужжатлар эшитиш хоналарида амалга оширилади.

Боғланиш учун маълумот: Тошкент, 100043, 1 Чилонзор берк кўча,  
Tel. 277-55- 89, 277-11-44, 277-55-11, E-mail: uritbxmda@mail.uz

**Ўзбекистонда Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий Давлат Архиви ва асосий жамғармалари.** Ўзбекистон Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий Давлат архиви 1962 йил Ўз ССР Министрлар Советининг Қарорига биноан ташкил этилган.

2004 йилда архив С. Рахимов тумани, Нозимахоним кўчаси, 86-уйда жойлашган янги бинога кўчиб ўтди. Архивда қуйидаги соҳадаги корхона, ташкилот ва муассасалардан ҳужжатлар қабул қилинади ва сақланади:

1. Саноат.
2. Қишлоқ хўжалиги.
3. Сув хўжалиги.
4. Урмон хўжалиги.
5. Транспорт.
6. Курилиш.
7. Турар-жой коммунал хўжалиги.
8. Маиший хизмат кўрсатиш.
9. Соғлиқни сақлаш муассасалари.

Архивда илмий техникавий ҳужжатлар, конструкторлик лойиҳалар ва бир қанча тарихий аҳамиятга эга ҳужжатлар сақланади.

Масалан, қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси вилоятлари, туманларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги лойиҳалар ва сметалар мавжуд. Сув хўжалиги соҳасида Республика бўйича хўжаликларни, халқни ичимлик суви билан таъминлаш ва ерларни суғориш ишлари ҳақидаги, ўрмон хўжалиги соҳаси бўйича чўл ерларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари ҳақида, транспорт соҳаси бўйича кўприклар куриш, йўللарни таъмирлаш тўғрисидаги, курилиш соҳасида эса шаҳардаги турар-жойлар, бинолар куриш, реконструкция қилиш ҳақидаги, пахта тозалаш, пахтани қайта ишлаш ва яна бир қанча машиналарнинг лойиҳалари ҳақидаги, соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича илмий-текшириш институтларида олиб борилган илмий ишлар, тиббиёт соҳаси тарихини ривожлантиришга оид доимий сақланадиган бошқарув ҳужжатлари мавжуд.

Бундан ташқари республикада илм-фан соҳасини ривожланишига ўз хиссаларини қўшган профессор ва олимларнинг шахсий жамғармалари ташкил қилинган бўлиб, уларнинг шахсий ҳужжатлари, суратлари, илмий ишлари қабул қилинади ва сақланади. Масалан, меъмор А.Б.

Бобохонов, кардиолог М.Х.Хамидова, химик Т.М.Миркомиллов, стоматолог Т.Х. Сафаров, онкологлар С. Наврузов, Й.Т. Таджибаева, М.А. Гафур-Охунов, гинеколог-профессор Н.М. Махмудова, А.А. Чорохова, хизмат кўрсатган агроном М.М. Мирзаев, ирригатор Н.А. Алиев, йирик сув хўжалиги қурилишларининг раҳбари Е.И. Озерский, С.С. Канаш, бактериолог ва патологоанатом С.П. Чорохов, эпидемиолог Н.И. Ходукинларнинг шахсий жамғармалари сақланади.

Алоқа учун маълумот: 100109, Тошкент ш., С. Раҳимов тумани, Нозимахоним кўчаси, 86 уй. Tel. 46-53-54, 46-52-84.

E-mail: uritxmda@mail.uz

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Архивнинг тарихи, тузилиши, вазифалари ва фаолиятини ёритинг.
2. Асосий бўлимларини шарҳланг.
3. Архивдаги тиббиёт ва илмий-техникага оид ҳужжатларни таҳлил қилинг.

**РЕЖА:**

1. Туркистонда маҳаллий архив ташкилотларининг вужудга келиши.
2. Вилоятларда архив ишининг ташкил қилиниши.
3. Мустақиллик йилларида вилоят давлат архивлари фаолияти.

Туркистонда маҳаллий архив ташкилотларининг вужудга келиши. Туркистонда маҳаллий вилоят архив бўлимларини ташкил қилинишига катта эътибор берилган. Масалан, 1920 йил мартда Фарғонада, 1920 йил июнда – Самарқанда, ўша йил ноябрда Еттисувда, 1920 йил мартда – Каспий орти вилоятида ана шундай архив бўлимлари ташкил қилинди.

Маҳаллий архив ташкилотлари Туркистон Республикаси Комиссарлари Совети (ХКС)нинг 1921 йил 25 январдаги “Вилоят архив фондлари тўғрисида” ги қарорига асосан қонуний жиҳатдан расмийлашди. Бу қарорга кўра вилоят ҳудудидаги барча идораларнинг иш юритиш ҳужжатлари вилоят давлат архиви фондининг таркибий қисми ҳисобланади, деб кўрсатилган.

Марказий ва маҳаллий давлат архивларининг муҳим вазифаси архив ҳужжатларини қидириб топиш ва йиғиш эди. 1920-1921 йиллари 500 дан ортиқ фондлар ҳисобга олинди. 1921 йил охиригача давлат архив фондларига 157 та ҳарбий ва фуқаро ташкилотлари, 305 мингдан ортиқ йиғма-жилдларни топширдилар. 1922 йили 83 та ташкилот томонидан 200 мингга яқин йиғма-жилд топширилди.

1924 йил 28 декабрда махсус қарор билан ЎзССР МИК ҳузурида ЎзССР Архив иши марказий бошқармаси ташкил қилинди. Ўзбекистон ҳудудида ташкил бўлган барча архивлар, масалан, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва бошқа вилоятларда вужудга келган архив фондлари ЎзССР Архив иши марказий бошқармасига топширилди. Шунингдек, Ўрта Осиё аҳамиятига эга бўлган архив фондлари ҳам Ўрта Осиё марказий архиви тузилмаганлиги учун Ўзбекистон архив бошқармасига топширилди, чунки ушбу Ўрта Осиё архив фондлари Тошкентда вужудга келган эди. Шундай қилиб, ЎзССР архивида фақат республика тарихига оид ҳужжатларгина эмас, балки бутун Ўрта Осиё тарихига доир материаллар сақлана бошлади.

Вилоятларда вилоят архив бюрolari ташкил этилди. 1925-йилда Фарғона, Самарқанд, Тошкент, Зарафшон вилоятлари архив бюрolari, 1926 йилда эса, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари архив

бюролари очилди. 1938 йил январида Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Бухоро вилоятлари қайта ташкил бўлди. Шу муносабат билан 1938 йил июнида шу вилоятларда архив бошқармалари тузилди.

1941 йил Андижон, Наманган, Сурхондарё ва кейинроқ, 1943 йили Қашқадарё вилоятлари ташкил этилиши билан вилоят Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (ИИХК) бошқармасида архив бўлинмалари ва вилоят давлат архивлари ташкил қилинди.

**Андижон вилояти давлат архиви.** 1936 йилда Андижон шаҳри архиви сифатида 1927 йилгача Фарғона ва Андижон округлари архиви сифатида 1930 йилда ташкил этилган. Ўз ССР Марказий архив бошқармаси Фарғона бўлими базаси асосида ташкил этилган. 1941 йилда Андижон вилояти давлат архиви деб қайта номланди.

Маҳаллий давлат идоралари бошқаруви жамғармасида, совет ҳукуматининг ўрнатилиши, халқ хўжалиги, маданий хўжаликнинг юритилиши, маҳаллий идораларнинг бошқарувида оид маълумотлар мужасамлашган. Шунингдек, Андижон уезди Туркистон бўлими жамғармасида М.В. Фрунзенинг 1925 йил февраль ойидаги ташрифлари, 1924 йил ўтказилган миллий-худудий чегараланиш натижасида хонавайрон бўлган деҳқонлар аҳоли, Андижон уезди шаҳар бошқарувида оид маълумотлар мавжуд. Адлия ва суд жамғармасида, вилоятдаги ушбу соҳага оид кўплаб тергов ва суд фаолиятига доир ҳужжатлар бор.

Андижон вилояти давлат архивида 432 жамғарма 1917 йилдан ҳозирги давргача бўлган 89212 йиғма-жилд. 4964 сақлов бирлигидаги суратли ҳужжатлар (1963 йилдан ҳозирги давргача) мавжуд.

**Бухоро вилояти давлат архиви.** 1925 йилда Зарафшон вилояти архив бюроси сифатида ташкил этилиб, 1927 йилдан Бухоро округи архив бюроси деб қайта номланган. 1931 йилдан Зарафшон вилояти ва Бухоро округи архив жамғармалари Самарқанд бўлимида тўпланган эди. 1932 йилдан эса Бухоро бўлимига топширилган. 1938 йили Бухоро вилояти бошқарувида ўтказилган. 1940 йилдан Бухоро вилояти давлат архиви деб ташкил этилган.

Архивда Бухоро вилояти шунингдек, Зарафшон вилоятига оид ҳужжатлар, Бухоро Халқ Совет Республикасининг 1920-1924 йиллар тарихига оид ҳужжатлар жамланган эди. Бугунги кунда бу барча ҳужжатлар Ўзбекистон Марказий Давлат Архивида сақланмоқда.

Шунингдек, архивда 1918 йилда шаҳар думасининг фаолияти, заводларнинг национализация қилинишига оид, Навоий, Бухоро ҳарбий горнеизони Керкидаги кўзғолонлар (1919 йил), шунингдек, ҳарбий асрларни К. Гаос бошчилигидаги фаолиятига оид маълумотлар тўпланган. Бухоро тумани ижроия қўмитаси жамғармасида – Зарафшон вилояти дастлабки МТСнинг тузилишига оид, уй ва саноат қурилишига, ва маданий-маърифий соҳага доир ҳужжатлар мавжуд.



Маданият жамғармасида эса, миллий санъат тарихини ўрганиш, соғлиқни сақлаш, маҳаллий қозилар фаолиятига доир ҳужжатлар тўп-ланган. Шахсий жамғарма архивларида, археолог С.Н.Юниева, Бухоро Давлат Педагогика институти тарих фанлари номзоди Ф.Челаха ва ёзувчи сатирик Н.Алимовлар тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд.

Архивнинг суратли ҳужжатларида 1917 йилги воқеаларнинг Ўзбекистон халқига ўтказган зулмига, газ қувурини қурилишига оид (1965), Аму Бухоро канали (1965) тарихига оид, Навоий ГРЭС (1965) қурилишига оид лавҳалар тасвирланган. Шунингдек, Бухородаги Минораи Калон, Мир Араб мадрасаси, Чорминор, Исмоил Самоний мақбараси, Бухоро олимларининг ёзги ва қишги саройлари ҳисобланган Ситораи Моҳи Хоса ва Арқлар хусусида атрофлича ифодалар берилган.

**Жиззах вилояти давлат архиви.** Сирдарё вилояти давлат архивининг Жиззах филиали сифатида 1954 йилда қайта номланди. Мазкур архив ҳужжатлари вилоят ва уезд тарихини ёритиб ва ушбу тарихга оид ҳужжатлар Жиззах уезди ишчи деҳқонлар ва қизил армия депутатлари жамғармасида мужассамлашган.

Жиззах сув округи 4-жамғармасида фуқароларнинг уруш даврига оид Миллий озодлик кураши ҳақидаги ҳужжатлар мавжуд. Шунингдек, бу жамғармада ер-сув ислоҳоти, 1921 йилдаги очарчиликка қарши курашга оид маълумотлар мавжуд. Саноат корхоналари жамғармасида қурилиш материалларининг аҳволи, пахта тозалаш, пластмасса маҳсулотларини кимёвий тайёрлаш, гўшт ва сут маҳсулотларини тайёрлашга оид маълумотлар жамланган.

Шунингдек, архив ҳужжатларида саноат, уй-жой қурилиши, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва спорт-маданий соҳа фаолиятига оид қимматли ҳужжатлар мавжуддир. Архив суратли ҳужжатлари 1920 йилда “Жиззах темирйўлчилари шанбаликлари”, “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари” ҳақидаги маълумотлар билан тўлдирилган.

Жиззах вилояти Давлат архивида 101 жамғарма, 20720 сақлов бирлигидаги йиғма жилдлар, уларнинг даврий чегараси 1917 йилдан ҳозирги кунгача. 101 суратли бўлиб даврий чегараси ҳужжатлар, 1920 йилдан ҳозирги кунгача. 1974 йилдан архив Жиззах вилояти Давлат архиви сифатида фаолият кўрсатмоқда.

**Навоий вилояти давлат архиви.** 1982 йилда Бухоро вилояти давлат архиви ҳузуридаги Навоий шаҳар архиви сифатида ташкил этилган. Навоий шаҳри ижроия қўмитаси жамғармасида совет ҳукуматининг маъмурий-ҳудудий бошқарувига оид, 1979 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги, Кармана, Зарафшон шаҳар посёлкаларининг қурилишига оид маълумотлар мавжуд.

Навоий азот комбинати жамғармасида кимё саноатининг ривожланишига доир, пахта тозалаш, цемент заводларининг қурилишига оид

маълумотлар жамланган. Шунингдек, ушбу жамғармада халқ таълими ҳаёти ҳам ёритилган. Соғлиқни сақлаш жамғармасида касалхоналарнинг қурилиши, ҳар хил эпидемияларга қарши кураш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишга оид маълумотлар тўпланган. Хусусан, Прокуратура назоратида тартибни сақлашга оид ҳужжатлар ҳам мавжуд эди.

Навоий вилояти давлат архивида 12 жамғарма 6105 йиғма жилд. 1940 йилдан ҳозирги давргача ва 1984 йилдан ҳозирги давргача бўлган 67 сақлов бирлигидаги суратли ҳужжатлар мавжуд.

**Наманган вилояти давлат архиви.** 1936 йилда Наманган давлат архиви базаси асосида ташкил этилган 1941 йилда Наманган вилоят давлат архиви деб қайта номланган. 1960 йилдан Андижон вилояти давлат архивининг Наманган шаҳар филиали сифатида фаолият юритган. 1986 йилга келиб, Наманган вилояти давлат архиви деб қайта номланган. Архив жамғармапарига Наманган вилояти сиёсий-иқтисодий, маданий ва ижтимоий тараққиётига оид совет ҳукумати даврини ёритувчи ҳужжатлар жамланган. Наманган вилоятида шўролар ҳукумагининг ўрнатилиши, миллий озодлик ҳаракати, социалистик қурилишнинг олиб борилиши ва Наманган вилояти шаҳар, туман ижроия кўмиталари жамғармапарисида турли ҳужжатлар мужассамлашган.

Уезд ер-сув комиссияси жамғармасида қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига оид 1925-1926 йиллардаги ер-сув ислоҳотларига оид, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришга, кооперативлар тарихига оид ҳужжатлар тўпланган. Халқ таълими жамғармасида, соғлиқни сақлаш, маданият, касаба уюшмалари, халқнинг моддий аҳволига оид, кўп сонли оилаларнинг аҳволига доир маълумотлар мавжуд.

Архивнинг суратли ҳужжатлари жамғармасида ер-сув ислоҳотлари, саноат ва халқ хўжалиги тараққиётини маданий ва оммавий тарзда ёритилишига оид ҳужжатлар мавжуд.

**Самарқанд вилояти давлат архиви.** Архивнинг ташкил топиши 1921 йилда Туркистон АССР Цуарделининг Самарқанд вилояти бўлими сифатида ташкил топади. 1925 йилда Самарқанд вилояти архив бюроси деб, 1927 йилда Самарқанд вилоят архив бошқармаси деб номланган ва 1940 йилда шу архивлар базаси асосида Самарқанд вилояти давлат архиви ташкил этилган.

Самарқанд вилояти инқилоб жамғармасида вилоятга оид, уезд, волост округларига оид ва туман ижроий кўмитаси фаолиятига, 1917 йилги воқеаларнинг халқимизнинг мустабид зулмига яъни истилосига оид ва фуқаролар урушига, шунингдек маҳаллий халқнинг шўролар ҳокимиятининг ўрнатилишига қаршилик қилувчи миллий озодлик ҳаракатларига оид, шунингдек, Туркистон ўлкасидаги шаҳар, туман ва бу ерларга совет ҳокимиятининг ўрнатилишига доир архив ҳужжатлари мавжуд. Ўрта Осиёнинг миллий чегараланишига оид жамғармада

ЎзССР 1924-1930 йиллар оралигида қандай социал иқтисодий ривожланишда бўлганлигига, унинг пойтахти бўлмиш Самарқанд ва кейинчалик вилоятдаги социалистик қурилишга ҳақидаги ҳужжатлар мавжуд. Шунингдек иқтисодий ва саноат ишлаб чиқариш жамғармасида вилоятнинг саноатига оид мулкларининг национализацияси, пахта етиштириш, виночилик, ипакчилик ва бошқа соҳаларга оид архив ҳужжатлари бор. Вилоят кўмитасининг қишлоқ хўжалик жамғармасида “Кўшчи иттифоқларнинг вужудга келиши”, ер сув ислохотларига оид ҳужжатлар сақланмоқда.

Фахрийлар жамғармасида шахсий архив ҳужжатлари Г.А.Фофуровнинг ҳарбий инженер, генерал-майор Б. Кастальскийнинг фаолиятига оид, Ўзбекистон медицина жамғармаси профессори А.М. Исаеванинг фаолиятини ёритувчи, тарихчи олимлар Самарқанд Давлат университети вакиллари М.Я. Абдурахимова, И.И. Кмнякова, Х.Ф. Чекаева фаолиятига оид ҳужжатлар бор.

Шунингдек бу жамғармада улғу ватан уруши қатнашчилари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар мавжуд. Архивнинг суратли ҳужжатлари ичида Бибиҳоним, Шоҳи Зинда, Хўжа Аҳрор масжиди, Улғубек мадрасаси, Темурийлар сарой архив ҳужжатлари сақланмоқда. Архивда шунингдек, Самарқанд вилоятидаги 1927 йилги съезд, 1929 йил 1 май намойиши, ҳужум ҳаракатларига оид ва собиқ Комсомол кўлидаги 1957 йилдаги археологик изланишларга оид ҳужжатлар мавжуд.

**Сирдарё вилоят давлат архиви.** 1941 йилда Тошкент вилояти давлат архивининг Мирзачўл тумани базасида фаолият кўрсатиб, 1963 йилда ажралиб чиққан. 1962 йилда Гулистон туманлараро Тошкент вилояти давлат архиви сифатида фаолият олиб борган.

Архив ҳужжатлари Мирзачўл тумани ва шу ерларни ўзлаштириш тарихига, Сирдарё вилояти ва Гулистон тарихига бағишланади.

Мирзачўл уезди чўл ерларни ўзлаштириш ишчи совет деҳқон депутатлари жамғармасида бу ҳудудда совет ҳукуматининг ўрнатилиши, Мирзачўл уезди ҳарбий комиссарлигининг Туркистон fronti шаҳри, профсоюз уездлари ва бошқалар тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Мирзачўл ижроия кўмитаси жамғармасида саводсизликни тугатилиши, маданий-маърифий ишларнинг ишчи деҳқонлар ўртасида олиб борилиши, ер-сув ислохотларини ўрнатилиши, аҳолидан қишлоқ хўжалиги солиқларини олишга оид маълумотлар мужассамлашган.

Саноат жамғармаси ҳужжатларида ёғ ишлаб чиқариш, пахта заводининг қурилиши ва йўл қурилишига оид маълумотлар мужассамлаштирилган. Эски Керп канали магистрали бошқармаси жамғармасида суғориш ва чўл ерларини ўзлаштиришга, канални таъмирлашга оид маълумотлар мавжуд. Маданий ва кино бошқармаси жамғармасида, Сирдарё ҳақиқати газетаси фаолияти шунингдек давлат соғлиқни

сақлаш, Гулистонда касалхоналар қурилишига оид ҳужжатлар мужас-самлашган. Ташкил топган йили – 1954 йил.

**Сурхондарё вилоят архиви.** 1926 йилда Сурхондарё вилояти архив бюроси ташкил қилиниб, 1927 йилда округ архиви сифатида қайта номланди. 1934 йилда Ўз ССР Марказий архив бошқармасининг Термиз бўлими ташкил қилиниб, 1955 йилдан бошлаб Сурхондарё округи архиви деб атала бошланди. 1941 йилдан бошлаб Сурхондарё вилоят давлат архиви деб қайта номланди.

Архивда Сурхондарё вилоятига тегшли бўлган вилоят тарихини, совет даврини ёритувчи ва бу даврдаги ижтимоий қурилишларни акс эттирувчи архив ҳужжатлари тўпланган. Архивда совет ҳокимиятининг Термиз шаҳрида ҳам ўрнатилиши каби маълумотлар жамланган.

Масалан: Термиз шаҳар бошқаруви жамғармасида советларнинг йиғилишлари, ишчи деҳқон ва депутат кенгашларининг қарорлари, шаҳар комиссарлари маърузалари тўпланган (1917-1918 йиллар).

Қизил партизанлар бюроси жамғармасида Ўзбекистон халқининг бошига мустамлака истибдодини солган қизил армия хусусидаги маълумотлар мужассамланган (1932-1933 йиллар); совет ҳукуматининг иқтисодий ва маданий соҳадаги амалга оширган ишлари Сурхондарё округ, вилоят ва шаҳар ижроия қўмитаси жамғармаларида жамланган. Шунингдек, миллий озодлик ҳаракатимизнинг фаолияти ёритилган ҳужжатлар, оддий меҳнатқаш халқнинг орден ва медаллар билан тақдирланиши, хотин-қизларнинг паранжини ташлаши ва собиқ шўролар ҳукуматининг жамоат ишларига жалб қилиниши, аҳоли сонининг ўсиб бориши, саводсизликнинг тугатилиши, мактаб, касалхона, шаҳар ва туманларда олиб борилган ободонлаштириш ишлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам мавжуд.

Хўжаликнинг вилоятда ривожланиши тўғрисидаги архив ҳужжатлари – Сурхондарё вилояти маҳаллий хўжаликлар бўлими жамғармаларида йиғилган. Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси жамғармасида халқ хўжалигини ривожланиши ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Сурхондарё вилояти хом ашё тайёрлаш ва пахтани қайта ишлаш жамғармасида, Термиздаги пахта тозалаш заводининг ҳужжатлари, умуман пахтани етиштириш ва қайта ишлашга оид бўлган яъни, пахта sanoати тўғрисидаги маълумотлар йиғилган.

Кўпгина архив ҳужжатлари совет ҳукуматининг шарқда олиб борган савдо алоқаларига ҳам бағишланади. Ерчилик, ерга эғалик қилиш, сувдан фойдаланиш ҳақидаги ҳужжатлар Сурхондарё вилояти ер қўмитаси жамғармасида ўз аксини топган. Шунингдек, бу жамғармада Термиздаги суғориш тизимлари, Сурхондарё вилояти сув хўжалиги, Хўжақён каби мелиорация ва чорвачилик тўғрисидаги маълумотлар тасвирланган. Маданий қурилиш соҳасидаги маълумотлар Сурхондарё халқ

таълими бўлими жамғармасида акс эттирилган. Кўнгилли жамиятнинг фаолияти Сурхондарё округ профсоюзи жамғармаларида жамланган. Архивнинг суратли ҳужжатлари – шаҳар қурилиши, хоналар, мактабнинг очилиши, ёдгорликлар, кинотеатрлар тўғрисидаги расмлар, ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари ва қишлоқ хўжалиги воқеаларини тасвирлайди. Сурхондарё вилоят давлат архиви 384 жамғармадан ташкил топган бўлиб, 88.530 йўл-жўлда иборат. 1917 йилдан бугунги кунгача бўлган маълумотларни ўзида мужассамлаштирган. 18.701 та сақлов бирлигидаги суратли ҳужжатлар ҳам мавжуд. (1964 ва ҳозирги кунгача бўлган йилларни тасвирлаган).

**Тошкент вилояти давлат архиви.** 1938 йилда Тошкент вилояти архив бюроси базасида яъни 1925 йилда ташкил этилган ва 1927 йилдан округ архиви деб ўзгартирилган. Архив ҳужжатларида Тошкент шаҳридаги октябрь инқилобининг тарихи, шўролар даврида вилоятдаги қурилишларнинг олиб борилишига оид материаллар жамланган. Архивнинг Сирдарё вилояти ишчи дехқонлар депутатлари ижроия кўмитаси жамғармасида Тошкент уезди, шунингдек миллий ҳарбий қисмлар, собиқ совет ҳукумати идоралари хусусидаги маълумотлар жамланган.

Вилоят ижроия кўмитаси статистика бошқарув жамғармасида, Чирчиқ электрохимия комбинати, Фарҳод ГЭСи ва бошқа корхоналар, Олмалик, Ангрэн, Оҳангарон, Бекобот ва Чирчиқ тарихига доир маълумотлар тўпланган. Маҳаллий саноат бошқармаси жамғармасида, Тошкент округи қишлоқ хўжалиги кооперативлари саноатининг ривожланиши, хунармандчилик ва савдо-сотиққа оид маълумотлар мавжуд.

Тошкент вилояти округ, уезд, ерчилик бўлими жамғармасида, Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги бошқаруви, қишлоқ хўжалигини коллективлаштирилишига оид, шунингдек, ер-сув ислохотларига ва суғоришга доир маълумотлар жамланган. Тошкент вилояти округ, уезд халқ таълими ва маданияти идоралари жамғармасида, вилоятда халқ таълимини ривожланишига шунингдек, мактаб, мактаб интернатлари, болалар уйлари, олий ўқув юртларининг тузилишига оид, ўрта махсус билим юртлари, кутубхона ва маданият уйларидаги қурилишига оид маълумотлар бор. Сирдарё вилояти касаба уюшмалари кенгашлари ҳужжатлари, Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашларининг ишсизликнинг тугатилишига, саводсизликка қарши ва унинг тугатилишига оид, хотин-қизлар фаолиятига доир, қишлоқ фаолиятига ва уруш даврида фронт ортида туриб, фронтдагиларга ёрдам берганлар ҳақидаги батафсил ҳужжатлар мавжуд.

**Қашқадарё вилояти давлат архиви.** Қашқадарё вилояти архив бюроси 1926 йилда тузилиб, 1927 йилда Қашқадарё вилояти округи архиви деб номланди. 1935 йилда Қашқадарё округ архиви ташкил қилинади. 1938 йилда бу округ архив ҳужжатлари Бухоро вилоят

бошқармасига берилади. 1940 йилда Бухоро давлат архивига топширилади. 1943 йилда қайтадан Қашқадарё вилояти давлат архиви ва бўлими ташкил қилиниб, 1960 йилга келиб, Сурхондарё вилояти давлат архивининг филиали сифатида фаолият кўрсатади. 1964 йилда яна қайтадан Қашқадарё вилояти давлат архиви сифатида архив ташкил қилинади. Архив жамғармаси ҳужжатларида Қашқадарё вилояти ва Қарши шаҳри хўжалик ва маданий қурилиши тасвирланган.

Қашқадарё вилояти ижроий қўмитаси жамғармасида Совет ҳукуматининг ўрнатилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар бор. Сайлов комиссияси жамғармасида бевосита собиқ совет ҳукумати давридаги марказий сайловлар республика ва маҳаллий органларда бўлган сайловлар ўз аксини топган. Шунингдек, халқ хўжалиги, маданият, электр станцияларининг қурилиши, мактаблар, касалхоналар, театрлар, кино-театрлар, паркларнинг қурилишига доир ҳужжатлар, вилоят ва шаҳар-совет депутатлари жамғармасида ва вилоят статистика бошқармаси ҳужжатларида ўз аксини топган. Қарши шаҳри ишлаб чиқариш саноати жамғармасида тикувчилик, шаҳар ва вилоятда саноат комбинатлари тарихига, Косон селитра ва Бишкент тарихи ҳуёусидаги ҳужжатлар жамланган.

Коллективлаштириш давридаги колхозлар қурилиши, сув хўжалиги ҳужжатлари, меҳнаткаш ишчи совет қўмитасининг, шунингдек вилоятдаги ерчилик идораларининг ва колхозларининг тарихига оид ҳужжатларда ўз аксини топган. Уларда буғдой етиштириш техникаси тарихи, пахта етиштириш, ерчилик, боғдорчилик, узум ва қоракўлчиликка оид маълумотлар бор. Халқ таълими жамғармаси ҳужжатларида – соғлиқни сақлашга шунингдек, саводсизликни тугатишга ва мактабларни кенгайтиришга оид маълумотлар мавжуд.

Суратли ҳужжатлар жамғармасида саноат ва қишлоқ хўжалигига оид маълумотлар тўпланган. Қашқадарё вилояти давлат архивида 517 та жамғарма бўлиб, 47380 сақлов бирлиги йиғма жилдлардан иборат. Мазкур ҳужжатлар 1924-1980 йилларга оид. Улардан 4273 таси 1964-1985 йилга доир суратли ҳужжатлардир.

**Фарғона вилоят давлат архиви.** 1925 йилда Фарғона вилояти архив бюроси сифатида, 1927 йилдан Фарғона ва Андижон округлараро архиви сифатида фаолият юритиб, 1938 йилдан Фарғона вилояти давлат архиви бошқармаси деб ўзгартирилган. 1940 йилда эса Фарғона вилояти архив бўлими ва Фарғона вилояти давлат архиви сифатида қайта ташкил қилинди.

Фарғона вилояти тарихи жамғармасида Фарғона шаҳри, Наманган ва Андижон вилоятлари тарихига оид ҳужжатлар мавжуд. Шунингдек, Фарғона вилояти ишчи-совет, солдат ва деҳқонлари хўжаликлари жамғармасида шу вилоятлардаги совет ҳукуматининг ўрнатилиши, шунинг-

дек Фарғона вилояти бошқарув тизими, маданий қурилиш, очарчиликка, ишсизликка, хотин-қизларни жамоат ишларига жалб қилишга оид ҳужжатлар бор. Саноат жамғармасида эса бевосита ўлкада маҳаллий ва турли хил хунармандчиликнинг тарихига оид “Средазнефть” ва “Азот” каби ишлаб чиқариш корхоналари, ёғ ва бошқа турли комбинатлар, ипакчилик комбинатлари, пахта тозалаш ва ирригация ишларига оид ҳужжатлар бор. Вилоятдаги бир қатор электрлаштиришга оид ҳужжатлар ҳам мавжуд. Фарғона электр хўжалигини бошқариш жамғармасида мужассамлашган, қишлоқ хўжалиги жамғармасида, қишлоқ хўжалигини ривожланиши, ер-сув ислоҳотлари, йирик колхоз ва совхозларни қурилиши, пахта, узум, чорвачилик шунингдек қишлоқ хўжалигининг янги техникалари билан таъминланганлигига оид ҳужжатлар мавжуд.

Халқ таълими жамғармасида, вилоятдаги олий ўқув юртларини ташкил этилишига мактаб, болалар маданий уйлари, ўрта махсус билим юртларига оид ҳужжатлар бор. Касаба уюшмалари жамғармасида, саводсизликка қарши кураш, қишлоқлар устидан бошқарув мамлакатда собиқ совет даври бошқарувига шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт ортидаги ёрдамлашиш тарихига оид ҳужжатлар бор.

Халқ хўжалигини қайта қуриш жамғармасида корхоналарнинг, аҳоли пунктларининг кўчирилишига оид ҳужжатлар мужассамлашган.

Шахсий жамғармада эса Ўз ССРда хизмат қилган кўпгина кишилар тўғрисидаги қимматли маълумотлар жой олган. Собиқ СССР юқори кенгаши, шунингдек ЎзССР маҳаллий ишлаб чиқариш, пахта чорвачилик, ишчи хизматчилар ўртасида ўтказилган муносабатларни ёритиб беради. Фарғона вилоят давлат архивида 711 жамғарма, 1917 йилдан ҳозирги давргача бўлган 152519 йиғма жилд ва 1918-йилдан ҳозирги давргача 4604 сақлов бирлигидаги суратли ҳужжатлар мавжуд.

**Хоразм вилояти давлат архиви.** 1926 йилда Хоразм вилояти архив бюроси сифатида ташкил этилган. 1927 йилдан Хоразм округи архиви деб ўзгартирилган. 1934 йилдан Ўзбекистон ССР Марказий архив бошқармаси янги Урганч бўлими сифатида тузилиб, 1935 йилдан Хоразм округи архиви деб қайта ўзгартирилди. 1938 йилдан Хоразм вилояти архив бошқармаси деб қайта номланган. 1940 йилдан бошлаб Хоразм вилояти давлат архиви сифатида ҳозирги кунгача архив иши соҳасида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Вилоят ва туман ижроия қўмитаси жамғармасидаги ҳужжатларда Хоразм вилояти халқ таълими ва вилоятдаги қурилиш ишларини олиб борилиши тўғрисидаги маълумотлар, совет ҳукуматининг иқтисодий-сиёсий сиёсати ва вилоятда совет ҳукумати маҳаллий идораларининг олиб борган иқтисодий ва маданий ҳаёти акс эттирилган. Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги жамғармасида қишлоқ хўжалигида ташкил этилган колхоз ва мтс ларнинг тузилиши, коллективлаштиришни ўтказили-

ши, пахтачилик, чорвачилик ва сўғориш тизимлари тараққиёти борасидаги кўпгина ҳужжатлар мавжуд. Совет ҳукумати халқ таълими жамғармасида, халқ таълимига шунингдек, вилоятда соғлиқни сақлаш, спорт ва маданият соҳасига оид ва мактаб интернат, болалар уйларининг қурилиши фаолиятига доир маълумотлар мавжуд. Хусусан, вилоятдаги олий ўқув ва ўрта махсус билим юртларини, кутубхоналар, маданий-маиший уйлар қурилишига оид, вилоят аҳолисининг статистикасига оид ҳужжатлар жамланган. Шунингдек, архивда суратли ҳужжатлар Хоразмдаги совет ҳукуматининг бошқарувига оид, совет иттифоқи қаҳрамонлари ва меҳнат қаҳрамонлари ҳаётига оид ва турли шаҳар – туманларга доир ҳужжатлар жамланган.

**Қорақалпоғистон Республикаси Марказий давлат архиви.** 1925 йилда Қорақалпоғистон автоном вилояти архив идораси сифатида, 1932 йилдан Қорақалпоғистон АССР архив идораси сифатида, 1934 йилдан эса Қорақалпоғистон АССР Марказий бошқармаси сифатида, Қорақалпоғистон АССР 1940 йилдан, НКВД архив бўлими сифатида ва Қорақалпоғистон АССР давлат архиви сифатида ўз фаолиятини олиб борган. 1943 йилдан бошлаб, ҳозирги кунгача Қорақалпоғистон АССР Марказий Давлат архиви сифатида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Қорақалпоғистон АССР архивидаги давлат бошқаруви ва тузилиши жамғармасида, Қорақалпоғистон АССР ва Нукус шаҳри тарихи шунингдек, Туркистон АССР Амударё бўлими тарихи ва Қорақалпоғистон АССРнинг 1924 йилда ЎзССР таркибидаги тарихига доир маълумотлар, Қорақалпоғистон вилояти ва қишлоқлари тўғрисидаги маълумотлар, очарчиликка, вайронагарчиликка қарши кураш тўғрисидаги ҳужжатлар жамланган. Шунингдек, Ўрта Осиё халқларининг кўпайиши ва аҳолининг сони, Қорақалпоғистонда ер ислохотларининг ўтказилиши ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг биринчи Конституциясини қабул қилиниши ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Марказий ва маҳаллий совет ташкилотлари жамғармасида автоном республика хўжалиги ва маданий қурилишига оид ҳужжатлар жамланган. Ўлкадаги ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотлар, пахта тозалаш заводлари жамғармасида жамланган бўлиб, унда шунингдек, Хўжайли, Тўрткўл, Чимбой, Беруний ва бошқа шаҳарлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд. Бу жамғармада Мўйноқ балиқчилик консерва заводига, шунингдек, Нукусдаги турли заводларга оид архив ҳужжатлари жамланган. Ер бошқаруви жамғармасида қишлоқ хўжалиги тарихига доир, ишчи деҳқон депутатлар фаолиятига оид, совет ҳукумати даврида Қорақалпоғистон тарихига, шунингдек, пахтачиликка оид заводларнинг қурилишига ва тузилишига доир маълумотлар тўпланган. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси МДАда 308 фонд мавжуд бўлиб, уларда 59860 йиғма жилд мужассамлашган.



### **Савол ва топшириқлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси вилоят давлат архивлари ва филиаллари фаолияти
2. Қорақалпоғистон Республикаси Марказий давлат архиви тарихи асосий фондларини шарҳланг.
3. Ўзбекистон Республикаси вилоят архивларининг асосий фондлари

## Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида” ги Қонуни

### 1-боб. Умумий қоидалар

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади архив иши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### 2-модда. Архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**алоҳида қимматли ҳужжат** – ўчмас тарихий-маданий ва илмий қимматга, жамият ҳамда давлат учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган, ҳисобга олиш, сақлаш ва фойдаланишнинг алоҳида тартиби белгиланган архив ҳужжати;

**архив** – архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи муассаса;

**архив иши** – архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш бўйича фаолият;

**архив фонди** – юридик ёки жисмоний шахслар фаолияти натижасида яратилган, тарихий ёки манتيқий жиҳатдан ўзаро алоқадор архив ҳужжатлари мажмуи;

**архив ҳужжатлари** – фуқаролар, жамият ва давлат учун аҳамияти боис сақланиши лозим бўлган матнли, қўлёзма ва машинада ўқиладиган ҳужжатлар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, киноленталар, фото-суратлар, фотография плёнкалари, чизмалар, схемалар, хариталар, шунингдек бошқа моддий жисмлардаги ёзувлар;

**архив ҳужжатларини депозитар сақлаш** – архив ҳужжатларини уларнинг мулкдори (эгаси) билан архив, музей, кутубхона ўртасидаги келишувда (шартномада) белгиланадиган муддатлар ва шартлар асосида мулкдорнинг (эгасининг) архив ҳужжатларига бўлган мулк ҳуқуқини (эгаллик ҳуқуқини) сақлаб қолган ҳолда сақлаш;

**идоравий архив** – юридик шахснинг архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи таркибий бўлинмаси;

**иш юритиш** – юридик шахснинг ҳужжатлаштириш ва расмий ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш фаолиятини таъминлаб беравчи жараён;

**Миллий архив фонди** – Ўзбекистон халқининг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирган, тарихий, илмий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлган архив ҳужжатларининг тарихан таркиб топган ва доимо бойитиб бориладиган мажмуи;

**Миллий архив фондининг давлат каталоги** – архив ҳужжатлари Миллий архив фондининг таркибига киритилган архив фондларининг ҳажми ва таркиби тўғрисидаги асосий маълумотлар мавжуд бўлган ҳисобга олиш ҳужжати;

**ноёб ҳужжат** – ўзида мавжуд бўлган ахборот ва (ёки) ташқи белгилари бўйича ўхшаши йўқ, йўқотилган тақдирда ўзининг аҳамияти ва (ёки) асл қўлёзмалиги нуқтаи назаридан ўрнини тўлдириб бўлмайдиган алоҳида қимматли ҳужжат;

**сугурта нусха** – алоҳида қимматли ҳужжат ёки ноёб ҳужжатнинг бошқа моддий жисмдаги, асл нусхада мавжуд бўлган ахборотни ўқиш ёки кўриш (эшитиш) имконини беравчи кўчирма нусхаси;

**шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар** – ходимнинг иш беравчи билан меҳнатта оид муносабатларини акс эттирувчи архив ҳужжатлари.

#### **4-модда. Архив ҳужжатларига бўлган мулк шакллари**

Архив ҳужжатлари хусусий ҳамда оммавий мулк шаклларида бўлиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида турган архив ҳужжатлари, улар томонидан давлат архивлари, музейлари ва кутубхоналарига топширилган архив ҳужжатлари давлат мулки ҳисобланади ҳамда мазкур ҳужжатлар давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, олди-сотди ёки мулк ҳуқуқини ўзга шахсга ўтказиш билан боғлиқ бошқа битимлар объекти бўлиши мумкин эмас.

Давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган тақдирда уларнинг архив ҳужжатлари, шу жумладан шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар давлат мулки бўлиб қолади ва белгиланган тартибда давлат архивларига топширилади.

Нодавлат корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг архив ҳужжатлари, шунингдек жисмоний шахсларнинг шахсий архив ҳужжатлари уларнинг хусусий мулкидир.

Вафот этган фуқароларнинг Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган шахсий архив ҳужжатлари, васиятнома ёки қонун бўйича меросхўрлар бўлмаганда, шунингдек архив ҳужжатларининг мулкдорини аниқлаш имконияти бўлмаса, давлат мулкига ўтади.

### **5-модда. Қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг архив ҳужжатлари**

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қайта ташкил этилаётганда уларнинг архив ҳужжатлари тегишли давлат архивлари билан келишилган ҳолда мазкур корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқий ворисларига топширилади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тугатилаётганда уларнинг архив ҳужжатлари тегишли давлат архивларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда топширилади.

## **2-боб. Архив иши соҳасидаги давлат бошқаруви**

### **6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг архив иши соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

архив иши ва иш юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширилишини таъминлайди;

архив ишини ривожлантириш ва архивлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир давлат дастурларини тасдиқлайди;

архив иши ва иш юритишнинг ҳолати устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди;

архив ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисобига олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди;

Миллий архив фонди тўғрисидаги ва Миллий архив фондининг давлат каталоги тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

архив ҳужжатларини Миллий архив фонди таркибига киритиш ҳамда унинг таркибидан чиқариш тартибини белгилайди;

Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган архив ҳужжатларини доимий (муддатсиз) сақлашни амалга оширадиган вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг рўйхатини тасдиқлайди;

архив ҳужжатларининг махфийлик тоифаларини, шунингдек давлат сири ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган архив ҳужжатларини кириб кўришга доир чекловларни белгилайди;

архивларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилайди;

архивларнинг асосий иш турлари бўйича вақт ва ишлаб чиқариш намунавий нормаларини белгилайди;

архивлар ва идоравий архивлар томонидан хизмат кўрсатиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигининг архив иши соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги (бундан буён матнда «Ўзархив» агентлиги деб юритилади):

архив иши ва иш юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

архив ишини ривожлантириш ва архивлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир давлат дастурларини ишлаб чиқади;

архив иши ва иш юритишнинг ҳолати устидан давлат назоратини амалга оширади;

Миллий архив фондининг давлат каталогини юритади;

архив ҳужжатларини белгиланган тартибда Миллий архив фонди таркибига киритади ҳамда унинг таркибидан чиқаради;

ҳужжатларнинг қимматлилигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш тартибини белгилайди;

архив ҳужжатларини алоҳида қимматли ҳужжатлар ва ноёб ҳужжатлар сирасига киритиш тартибини, шунингдек суғурта нусхаларни тайёрлаш ва сақлаш тартибини белгилайди;

архив ҳужжатларини кириб кўриш тартиби ва шартларини белгилайди;

давлат мулки бўлган архив ҳужжатларини ёки уларнинг ўрнини босувчи кўчирма нусхаларини, шунингдек Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган архив ҳужжатларини ёки уларнинг ўрнини босувчи кўчирма нусхаларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига вақтинча олиб чиқишга рухсат беради;

Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган архив ҳужжатларини тасарруфдан чиқариш ёки универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш учун рухсат беради;

архив ҳужжатлари давлат архивларига топширилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг рўйхатини тузиш тартибини белгилайди.

«Ўзархив» агентлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг архив иши соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари: Миллий архив фонди таркибига киритилган, тегишли ҳудудда жойлашган давлат архивлари ва идоравий архивларда турган архив ҳужжатларининг сақланиши учун лозим даражадаги шарт-шароитларни таъминлайди; Миллий архив фонди таркибига киритилган, тегишли ҳудудда жойлашган архивлар ва идоравий архивларда турган архив ҳужжатларининг ҳолати устидан давлат назоратини амалга оширади; тегишли ҳудуддаги давлат архивларини молиялаштириш миқдорини ўз ваколатлари доирасида белгилайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **3-боб. Миллий архив фонди.**

#### **9-модда. Миллий архив фондининг таркиби**

Миллий архив фонди таркибига киритилган архив ҳужжатлари Ўзбекистон халқи маданий меросининг ажралмас қисмидир.

Миллий архив фонди Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисмидан ва давлатга тегишли бўлмаган қисмидан иборатдир.

Миллий архив фонди таркибига киритилган архив ҳужжатларининг фуқаролик муомаласига ушбу Қонунда белгиланган чекловларга риоя этилган ҳолдагина йўл қўйилади.

#### **10-модда. Архив ҳужжатларини Миллий архив фонди таркибига киритиш**

Архив ҳужжатларини Миллий архив фонди таркибига киритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Миллий архив фонди таркибига киритилган архив ҳужжатлари мулкдорига рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида белгиланган тартибда гувоҳнома берилади.

#### **11-модда. Архив ҳужжатларини Миллий архив фонди таркибидан чиқариш**

Архив ҳужжатларини Миллий архив фонди таркибидан чиқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**12-модда. Миллий архив фондининг давлат каталогини юритиш**

Миллий архив фондининг давлат каталогини юритиш «Ўзархив» агентлиги томонидан амалга оширилади.

**13-модда. Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми таркиби**

Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми таркибига, кимнинг эгаллигида турганлигидан қатъи назар, доимий (муддатсиз) сақланиши лозим бўлган, давлат мулки бўлган архив ҳужжатлари киради.

**14-модда. Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркиби**

Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига доимий (муддатсиз) сақланиши лозим бўлган, нодавлат корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолияти натижасида яратилган архив ҳужжатлари, шунингдек жисмоний шахсларнинг шахсий архив ҳужжатлари киради.

**15-модда. Миллий архив фонди таркибига киритилган архив ҳужжатларининг фуқаролик муомаласи хусусиятлари**

Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган архив ҳужжатларини тасарруфдан чиқариш мумкин эмас. Мазкур ҳужжатлар йўқолган ёки емирилган ҳолларда улар Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми таркибидан чиқарилади.

Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган архив ҳужжатлари фақат «Ўзархив» агентлигининг рухсатига биноан тасарруфдан чиқарилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин.

#### **4-боб. Архивларни ташкил этиш**

**16-модда. Архивларни ташкил этиш шартлари**

Архивларни ташкил этиш учун архив ҳужжатларини сақлаш ва улардан фойдаланиш талабларига жавоб берадиган моддий-техника база, шу жумладан бино (хоналар), зарур жиҳозлар, муҳофаза воситалари ҳамда ёнғинга қарши воситалар бўлиши шарт.

Архивларнинг асосий иш турлари бўйича вақт ва ишлаб чиқариш намунавий нормалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Махфий архивлар ташкил этилишига йўл қўйилмайди.

### **17-модда. Архивларнинг турлари**

Архивлар давлат ва нодавлат архивлари турларида ташкил этилиши мумкин.

### **18-модда. Архивларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби**

Архивларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **19-модда. Идоравий архивларни ташкил этиш**

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар архив ҳужжатларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш учун идоравий архивларни ташкил этиши мумкин.

### **5-боб. Архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш**

### **20-модда. Архив ҳужжатларини жамлаш**

Архив ҳужжатларини жамлаш архивлар, идоравий архивлар ва жисмоний шахсларнинг шахсий архив ҳужжатларини архив ҳужжатлари билан тўлдиришни ўз ичига олади.

Давлат архивлари давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, шу жумладан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти натижасида яратилган архив ҳужжатлари, шунингдек улар томонидан олинган ёки уларга нодавлат корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслар топширган архив ҳужжатлари билан жамланади.

Архив ҳужжатлари давлат архивларига топширилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг рўйхатини тузиш тартиби «Ўзархив» агентлиги томонидан белгиланади.

Нодавлат архивлар ва жисмоний шахсларнинг шахсий архив ҳужжатлари давлат мулки бўлган архив ҳужжатлари билан жамланишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахсларнинг шахсий архив ҳужжатлари сотилаётганда давлат архивлари имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар шахсий таркиб бўйича ҳужжатларни жамлаши шарт.

Архив ҳужжатларини жамлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамаси томонидан белгиланади.



## **21-модда. Хужжатларнинг қимматлилигини аниқлаш экспертизаси**

Хужжатларнинг қимматлилигини аниқлаш экспертизаси сақлаш учун танлаб олиш мақсадида хужжатлар ёки архив хужжатларининг қимматлилигини белгилашни ўз ичига олади.

Хужжатларнинг қимматлилигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш тартиби «Ўзархив» агентлиги томонидан белгиланади.

## **22-модда. Архив хужжатларини ҳисобга олиш**

Архив хужжатларини давлат ҳисобига олиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

архивлар ва идоравий архивларда ҳисобга олиш хужжатларини тузиш;

архивлар ва идоравий архивларда йиғма хужжатларни тузиш ва уларни «Ўзархив» агентлигига тақдим этиш;

Миллий архив фондининг давлат каталогини юритиш.

Архивлар ва идоравий архивлардаги ҳисобга олиш хужжатларига қуйидагилар киради:

хужжатларнинг келиб туриши китоби;

архив фондларининг рўйхати;

архив фонди варағи;

архив рўйхати;

архив фонди йиғма-жилди.

Архив хужжатларини давлат ҳисобига олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Жисмоний шахсларнинг шахсий архив хужжатларини ҳисобга олиш улар томонидан мустақил амалга оширилади.

## **23-модда. Архив хужжатларини сақлаш**

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг архив хужжатларини, шунингдек жисмоний шахсларнинг шахсий архив хужжатларини сақлаш улар томонидан мустақил амалга оширилади.

Миллий архив фонди таркибига киритилган архив хужжатлари доимий (муддатсиз) сақланиши лозим ва уларни йўқ қилиб ташлаш тақиқланади.

Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган архив хужжатларини доимий (муддатсиз) сақлаш давлат архивлари, музейлари ва кутубхоналарида, шунингдек рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларда амалга оширилади.

Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган архив хужжатларини вазирликлар, давлат қўмиталари ва

идораларда доимий (муддатсиз) сақлаш «Ўзархив» агентлиги билан келишилган идоровий норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган архив ҳужжатларини идоровий архивларда вақтинча сақлаш ушбу Қонуннинг 24-моддасида белгиланган муддатлар мобайнида амалга оширилади.

Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган архив ҳужжатлари архивлар ва идоровий архивларда, шунингдек жисмоний шахсларнинг шахсий архив ҳужжатлари таркибида сақланиши мумкин.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг архив ҳужжатлари, жисмоний шахсларнинг шахсий архив ҳужжатлари архивлар, музейлар ва кутубхоналарга депозитар сақлаш учун топширилиши мумкин.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар шахсий таркиб бўйича ҳужжатларни сақлаши шарт.

Архив ҳужжатларини сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **24-модда. Архив ҳужжатларини идоровий архивларда вақтинча сақлаш муддатлари**

Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган архив ҳужжатларини идоровий архивларда вақтинча сақлашнинг қуйидаги муддатлари белгиланади:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек республика бўйсунувидаги давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг архив ҳужжатлари – ўн беш йил мобайнида;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқаруви органларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари, вилоят бўйсунувидаги давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг архив ҳужжатлари – ўн йил мобайнида;

туман ва шаҳар бўйсунувидаги давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг архив ҳужжатлари – беш йил мобайнида;

устав фондида давлат улуши бўлган, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, ташкилотларнинг архив ҳужжатлари – ўн йил мобайнида;

илмий, технологик ҳужжатлар, конструкторлик ва патент ҳужжатлари – йигирма йил мобайнида;

капитал қурилиш бўйича лойиҳа ҳужжатлари – йигирма беш йил мобайнида;

телеметрик ҳужжатлар – беш йил мобайнида;

овозли ёзувлар, видеоёзувлар, киноленталар, фотосуратлар, фотография плёнкалари – тайёрланган вақтидан бошлаб уч йилдан ошмаган муддат мобайнида;

машинада ўқиладиган ҳужжатлар – беш йил мобайнида.

Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган архив ҳужжатларини идоровий архивларда вақтинча сақлаш муддатлари ўтгач улар белгиланган тартибда давлат архивларига топширилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувлари, нотариал ҳаракатлар ёзувлари, шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар, суд ишлари, хўжалик китоблари идоровий архивларда етмиш беш йил мобайнида сақланиши лозим.

Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувлари, нотариал ҳаракатлар ёзувлари, суд ишлари ва хўжалик китобларини идоровий архивларда вақтинча сақлаш муддатлари ўтгач улар белгиланган тартибда давлат архивларига топширилади.

#### **25-модда. Архив ҳужжатларининг бут сақланишини таъминлаш**

Архивлар ва идоровий архивларда архив ҳужжатларининг бут сақланишини таъминлаш архивлар ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг зиммасига юклатилади.

Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган архив ҳужжатларининг бут сақланишини таъминламаётган мулкдорлар суд қарорига биноан мазкур ҳужжатларга бўлган мулк ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин, шундан сўнг бу ҳужжатлар сақлаш учун тегишли давлат архивига топширилади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар шахсий таркиб бўйича ҳужжатларнинг бут сақланишини таъминлаши шарт.

Жисмоний шахслар ўз шахсий архив ҳужжатларининг бут сақланишини мустақил равишда таъминлайди.

Алоҳида қимматли ҳужжатлар ва ноёб ҳужжатларнинг суғурта нусхалари яратилади.

Архив ҳужжатларини алоҳида қимматли ҳужжатлар ва ноёб ҳужжатлар сирасига киритиш тартиби, шунингдек суғурта нусхаларини тайёрлаш ва сақлаш тартиби «Узархив» агентлиги томонидан белгиланади.

#### **26-модда. Архив ҳужжатларидан фойдаланиш**

Архив ҳужжатларидан фойдаланиш хизмат, ишлаб чиқариш, илмий, маданий, маърифий, таълим мақсадида ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа мақсадларда амалга оширилади.

Архив ҳужжатларидан фойдаланувчилар:  
архив ҳужжатларидан фойдаланиш тартибига риоя қилиши;  
архив ҳужжатларининг бут сақланишини таъминлаши;  
архив ҳужжатларига етказилган шикастлар ёки архив ҳужжатларидаги етишмовчиликлар аниқланиши билан тезкор равишда архив ва идоравий архив ходимларига хабар бериши;  
архив ҳужжатларидан олинган маълумотларни бузиб кўрсатиш ёки сохталаштиришга йўл қўймаслиги шарт.  
Архив ҳужжатларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **27-модда. Архив ҳужжатларини кириб кўриш**

Архивлар ва идоравий архивлардаги архив ҳужжатларини кириб кўриш фойдаланувчига илмий-маълумотнома апаратини, шунингдек тегишли архив ҳужжатлари ёки уларнинг кўчирма нусхаларини тақдим этиш орқали таъминланади.

Архивлар ва идоравий архивлардаги архив ҳужжатларини, шунингдек жисмоний шахсларнинг шахсий архив ҳужжатларини кириб кўриш уларнинг бут сақланишини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин. Бу чекловлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг ўз хизмат вазифасини амалга ошираётган ходимларига нисбатан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда татбиқ этилмайди.

Фуқароларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёки уларнинг ҳаёти ва хавфсизлигига таҳдид туғдирувчи маълумотларни ўз ичига олган архив ҳужжатларини кириб кўришга доир чекловлар архив ҳужжатлари тайёрланган вақтдан эътиборан етмиш беш йил муддатга белгиланади. Ушбу муддатдан олдин ана шундай ҳужжатларни кириб кўришга фуқаронинг ўзи томонидан, унинг вафотидан сўнг эса – унинг меросхўрлари томонидан рухсат берилиши мумкин.

Архив ҳужжатларини кириб кўриш тартиби ва шартлари «Ўзархив» агентлиги томонидан белгиланади.

Архив ҳужжатларининг махфийлик тоифаларини, шунингдек давлат сири ва қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган архив ҳужжатларини кириб кўришга доир чекловлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **28-модда. Архивлар ва идоравий архивларда курсатиладиган хизматлар**

Архивлар ва идоравий архивлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда хизматлар кўрсатади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган архив маълумотномаларини, шунингдек тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига архив маълумотномаларини ва архив ҳужжатининг кўчирма нусхасини бериш бепул амалга оширилади.

**29-модда. Архив ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига олиб кириш**

Давлат мулки бўлган архив ҳужжатларини ёки уларнинг ўрнини босувчи кўчирма нусхаларини, шунингдек Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган архив ҳужжатларини ёки уларнинг ўрнини босувчи кўчирма нусхаларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқишга йўл қўйилмайди, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

Давлат мулки бўлган архив ҳужжатларини ёки уларнинг ўрнини босувчи кўчирма нусхаларини, шунингдек Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган архив ҳужжатларини ёки уларнинг ўрнини босувчи кўчирма нусхаларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига вақтинча олиб чиқишга «Ўзархив» агентлигининг рухсати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Хусусий мулк бўлган, Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилмаган архив ҳужжатлари ёки уларнинг ўрнини босувчи кўчирма нусхалари Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқилиши мумкин. Бу ҳолда олиб чиқилиши билдирилган архив ҳужжатлари «Ўзархив» агентлиги томонидан белгиланган тартибда ҳужжатларнинг қимматлилигини аниқлаш экспертизасидан ўтказилиши лозим. Қонуний асосларда қўлга киритилган ва (ёки) олинган архив ҳужжатларини ёки уларнинг ўрнини босувчи кўчирма нусхаларини Ўзбекистон Республикасига олиб киришга рухсат берилади.

## **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

**30-модда. Архивларни молиялаштириш**

Давлат архивларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат архивларининг пулли хизматлар кўрсатишдан ва молиялаштиришнинг бошқа манбаларидан олинадиган маблағлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

Нодавлат архивларини молиялаштириш уларнинг мулкдорлари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

### **31-модда. Архив иши соҳасидаги халқаро ҳамкорлик**

Архив иши соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

### **32-модда. Низоларни ҳал этиш**

Архив иши соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

### **33-модда. Архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### **34-модда. Айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш**

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «Архивлар тўғрисида»ги 768-І-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 120-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «Архивлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги 769-І-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 121-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 621-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 5, 90-модда) XIX бўлими.

### **35-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**36-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга  
киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И.Каримов**

**2010 йил 15 июнь**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
“Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада  
ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар  
тўғрисида” ги қарори**

(26.08.2008 й. №194)

Республикада архив ишини ва иш юритишни янада ривожлантириш, архив ҳужжатлари сақланишини таъминлаш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, тармоқнинг норматив ва методик базасини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1. Қуйидагилар:**

2011 йилгача архив ишини ва иш юритишни ривожлантириш дастури ҳамда мақсадли мўлжаллари 1 ва 2-иловаларга\* мувофиқ;  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 3-иловага мувофиқ;  
архив иши ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар 2011 йилгача архив ишини ва иш юритишни ривожлантириш дастурининг (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив жамғармаси ҳужжатлари сақланиши ва сақлаш хавфсизлиги шарт-шароитларини такомиллаштириш;

давлат архивларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни рақамлаш, таъмирлаш, консервация қилиш ва архив ҳужжатларидан эҳтиётлаш мақсадида нусха олиш бўйича юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

республиканинг умумий фойдаланиладиган архив ахборотлари маълумотлари базасини шакллантиришни назарда tutувчи архив муассасаларининг маълумотлар узатиш ва интеграциялашган ахборот тизимининг корпоратив тармоғини яратиш;

масофадан ўқитишнинг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда архив иши ва иш юритиш ходимлари малакасини мунтазам равишда ошириш тизимини шакллантириш.

3. Давлат бюджети маблағлари, республика архив муассасаларининг бюджетдан ташқари даромадлари ва грант маблағлари Дастурни молиялаштириш манбалари ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,



вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Дастур тадбирларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини ҳамда архив иши ва иш юритишни ривожлантиришнинг белгиланган мақсадли мўлжалларига эришилишини таъминласин.

5. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари идоравий архивлар фаолиятини ривожлантириш, идоравий сақлашдаги Миллий архив жамғармаси ҳужжатларининг сақланишини ва илмий-техник жиҳатдан ишланишини таъминлаш, шунингдек архив иши ва иш юритиш ходимлари малакасини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Давлат бюджетини шакллантиришда:

ушбу қарорда назарда тутилган мақсадли мўлжалларга эришиш тадбирларини, шунингдек 2011 йилгача архив иши ва иш юритишни ривожлантириш дастурини амалга оширишга;

идоравий сақлаш босқичида Ўзбекистон Республикаси Миллий архив жамғармаси ҳужжатларини илмий-техник жиҳатдан ишлашга ва уларнинг сақланишини таъминлашга, шунингдек вазирликлар, идоралар ва республика бошқа ташкилотларининг ҳар йилги тақлифларига мувофиқ ходимлар малакасини ошириш тадбирларига зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар йили тақдим этиладиган ходимлар рўйхатлари асосида архив иши ва иш юритиш ходимлари малакасини мунтазам равишда ошириш курсларини ташкил этсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги ва Молия вазирлиги билан давлат янги архивларини ташкил этиш тўғрисидаги қарорлар лойиҳаларини келишиб олсинлар.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида” 2004 йил 3 февралдаги 49-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 8-модда) 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Бош вазири**

**Ш.Мирзиёев**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
ҳузуридаги "Ўзархив" агентлигининг марказий аппарати  
ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг чекланган умумий сони - штат бўйича 10 киши, шу жумладан, бошқарув ходимлари - 9 киши, ёрдамчи ходимлар - 1 киши.

Архив иши ҳудудий бошқармаларининг

НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг чекланган сони - 70 киши, улардан бошқарув ходимлари - 53 киши, шу жумладан, Тошкент шаҳрида - 7 (2) киши, Бухоро, Тошкент вилоятларида - 6 (2) киши, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Фарғона, Хорезм вилоятларида - 5 (1) киши, Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида ҳар бир ҳудудий бошқармада - 4 (1) кишидан (қавсларда ёрдамчи ходимлар сони кўрсатилган).

## АДАБИЁТЛАР

### I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч.-Т.: Маънавият. 2008.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Танланган асарлар. 9 жилди. -Т.: Ўзбекистон. 1999.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XX асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон. 1999.
4. Каримов И.А. Озод ва обод ватан эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон 2000.
5. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. -Т.: Ўзбекистон 2001.

### II. Қонунлар ва қарорлар

1. Закон “Об архивах Республики Узбекистан”. Материалы. XIV сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан 14-15 апреля, 1999 г. / Народное слово. 1999, 16 апреля.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги “Архив иши бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори
4. “Архив иши бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил, 30 октябр, 482-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Архивлар тўғрисида”ги Қонуни.- Тошкент, 1999.
7. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Бошархив” бошқармаси тўғрисидаги Низоми ва республика марказий давлат архивлари тармоғини тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил, 19 июн, 296-сонли Қарори.
8. “Ўзбекистон Республикаси архив ишини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил, 3 феврал, 47-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонуни. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004, № 4.

10. Ўзбекистон Республикаси “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004 йил, № 6.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош Архив бошқармаси ва Американинг «Холокост» ёдгорлик Кенгаши ва унинг Вашингтондаги Музеи ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида Битим. – Тошкент, 2003, № 6. / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси Ахборотномаси. – Тошкент, 2003, № 31.

### III. Манба ва адабиётлар

1. Азаров А.И. Бржестовская Н.В. Государственные архивы и архивное дело во союзных Республики. –М., 1971.

2. Алимов И.А. О видах публикация исторических источников в архивный учреждениях Узбекской ССР // Виды и формы публикации исторических источников.–М., 1960.

3. Алимов И., Эргашев Ф., Бутаев А., Архившунослик. Ўқув қўлланма –Т.: Шарқ, 1997.

4. Алимов И.А. Архившунослик. / Ўқув қўлланма. – Андижон, 2005.

5. Абдурахимова Н.А., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими.–Тошкент.: Академия, 2002.

6. Аминов М. ва бошқ. Иш юритиш (амалий қўлланма). –Т.: ЎЗМЭ, 2000.

7. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. Миллий – демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Т.: Маънавият, 2000

8. Бартольд В.В. Хранение документов в странах мусульманского Востока. // В сб. “Архивные курсы “. - Пг., 1920.

9. Бескровный Л.Г., Гольденберг Л.А Систематизация картографических материалов (на примере ЦГВИА). // «Советские архивы», 1971, № 2.

10. Ботвинников А. Д., Ройтман И. А. Обучение чтению чертежей в процессе профессиональной подготовки учащихся. -М., 1962.

11. Бурова Е.М., Алексеева Е.Ф., Афанасьева Л.П., Архивоведение. -М., 2002.

12. Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. –Т.: Янги аср авлоди, 2006.

13. Вяликов В.И. Управление государственными архивами. - М., 1957.

14. Волк С.Н. Советская археография.-М.-Л., 1948.
15. Засов В.Д., Юрин В.Н. Размножение технической документации.-М., 1968
16. Иофе В.Г., Ишанходжаева З.М. Подготовка архивных кадров в Узбекистане. // Отечественные архивы, 2004, № 1.
17. Иофе В.Г., Мустафаев З.М. Архивная практика в Национальном университете Узбекистана. // Отечественные архивы. 2005, № 2.
18. Иофе В.Г. Новое в управлении архивным делом в Республике Узбекистан. // Отечественные архивы, 2006. - № 1.
19. Исакова М, Иофе В. Архившунослик. Ўқув қўлланма. –Т.: Чўлпон. 2007.
20. Исакова М.С. Архивы – хранилища фактов истории. / Народное слово, 18 апреля 2001.
21. Исакова М.С. Сокровищница ценных источников по истории Узбекистана (к 60-летию ЦГА КФД РУз). // Общественные науки в Узбекистане. 2003, № 1-2.
22. Козлов В.П. Основы теоретической и прикладной археографии. -М.: РОССПЭН. 2008.
23. Кузин. А.А. Каталоги технических архивов / Труды МГИАИ. -М., 1954.
24. Кузин А.А. К вопросу о механизации некоторых работ в технических архивах. / Труды МГИАИ.-М., 1962.
25. Лунин Б.В. История Узбекистана в источниках. –Т.: Фан, 1988.
26. Митяев К.Г. Теория и практика архивного дела. Учебное пособие -М., 1946.
27. Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам «Вақф-наме». –Т., 1966.
28. Селезнев М.С. Теория и методика советской археографии. Учебное пособие. -М., 1974.
29. Тилеукулов Г.С. История развития архивного дела в Узбекистане. -Т., 1995.
30. Тюнеев В.А. Архивное наследие стран СНГ: хранение, доступ, использование. // Отечественные архивы. 1998, № 5.
31. Указатели к архивным справочникам. -М., 1959.
32. Хожиметова М. Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари МДА – 40 ёшда. // “Ўзбошархив” Ахборотномаси. 2002, № 29.
33. [www.zivonet.net](http://www.zivonet.net)
34. [www.history.ru](http://www.history.ru)
35. [www.arshiv.ru](http://www.arshiv.ru)

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-Мавзу: Туркистонда архив ишининг ташкил қилиниши.....	5
2-Мавзу: 1940-1950 йилларда Ўзбекистонда архив тизимининг ривожланиши.....	21
3-Мавзу: Ўзбекистонда архив тизимининг ривожланиши (1960-1990 йиллар).....	29
4-Мавзу: Мустақил Ўзбекистонда архив иши.....	36
5-Мавзу: Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви.....	43
6-Мавзу: Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар ва Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий Давлат архивлари.....	49
7-Мавзу: Ўзбекистон Республикасининг вилоят давлат архивлари .....	54
Илова .....	65
Адабиётлар.....	83

**УЙҒУН ЖУМАЕВ**

**ЎРТА ОСИЁ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА  
АРХИВ ИШИ ТАРИХИ,  
ЎЗБЕКИСТОННИНГ АСОСИЙ АРХИВЛАРИ**

**5320300-Архившунослик бакалавриат  
йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма**

**Техник муҳаррир: Раҳимов Ш.Х.  
Компьютерда саҳифаловчи: Қодиров О.И.**

**Босишга рухсат этилди: 14.09.2010.  
Бичими 60x84 1/32 Офсет босма. Шартли 5,5. б.т.  
Адади: 500 нусха. Буюртма: № 78/2010**

**Баҳоси шартнома асосида.**

**«АЛ-ФАБА-СЕРВИС» босмахонасида чоп этилди.  
100047, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 23 А уй.**



